

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

М.М.ТЎРАЕВ, Ф.Р.ХОЛБОЕВ

**БУХОРО ВИЛОЯТИДА УЧРОВЧИ
НОДИР ВА КАМ СОНЛИ ҚУШЛАР
ЭКОЛОГИЯСИ**

**«Дурдона» нашриёти
Бухоро – 2017**

28.693.35(5Ў)

T 97

Тўраев, М.

Бухоро вилоятида учровчи кам сонли ва нодир қушлар экологияси [Матн] / М. Тўраев, Ф. Холбоев. - Бухоро : "Садриддин Салим Бухорий" Дурдона нашриёти, 2016. - 108 б.

КБК 28.693.35(5Ў)

Илмий-услубий қўлланмада Бухоро вилоятининг маъмурий чегарасида ҳамда унга туташ бўлган худудларда тарқалган кам сонда учровчи ва нодир қушларнинг қисқача тавсифи берилган. Унда турнинг мақоми, тарқалиш ареали, ўтмишда ва ҳозирги вақтдаги сони, унинг камайишига сабаб бўлувчи омиллар, Ўзбекистонда ва Бухоро вилоятидаги учраш хусусияти, учраш биотоплари, экологик хусусиятлари, антропоген омиллардан таъсирланиши ва муҳофаза чоралари баён этилган.

Шунингдек, қўлланмада вилоят табиатига, жумладан орнитофаунага салбий таъсир этувчи баъзи омиллар ва уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган айрим тавсия ва таклифлар ҳақида мулоҳазалар юритилган. Материалларнинг асосий қисми муаллифларининг илмий изланишлари натижасида йиғилган ва айрим ҳолларда адабиётлардаги материаллардан фойдаланилган.

Мазкур қўлланма мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицей ҳамда олий ўқув юртларида биология ва экология йўналишларида таълим берувчи ўқитувчилар, бакалаврлар, магистрлар ва орнитология соҳасида илмий тадқиқотларини олиб боровчи катта илмий ходим-изланувчиларга, хаваскор овчилар, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: г.ф.н., доц. Мавлонов Аҳмад Мухаммедович

Такризчилар: б.ф.н. Пардаев Шомиддин Саидович
г.ф.н., доц. Тошов Худойназар Рамазонович

Бухоро давлат университети Табиий фанлар факультетининг 2016 йил 29 январдаги 4 – илмий кенгашида кўриб чиқилди ва нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-4786-4-0

КИРИШ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ҳудуд биохилма-хиллигини сақлаб қолиш масалаларига алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Собиқ иттифоқ даврида республикаимизда табиий ресурслардан фойдаланишдаги эътиборсизликлар туфайли вужудга келган экологик номутаносиблик, бир қатор табиий компонентлар қаторида ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот оламининг биотопларини бузилишига олиб келди. Айниқса, Орол денгизининг инқироzi ва қишлоқ хўжалигини билан боғлиқ ҳолда гидрологик режимдаги ўзгаришлар ҳудуд табиатига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Натижада, кўплаб ҳайвон турлари кучли антропоген таъсир остида қолиб, уларнинг тарқалиш ареали ва сони қисқариши кузатилди. Ов объектлари сифатида катта амалий аҳамиятга эга бўлган сутэмизувчилар ва қушларнинг бир неча турлари, айниқса эндемик турларнинг ҳаёти катта хавф остида қолди.

Бугунги кунда республикаимизда жамиятни демократлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар тобора такомиллаштирилмоқда. Бу борада давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат жамоа ташкилотлари ҳам аҳолининг экологик маданиятни шакллантиришда, жойларда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш борасида фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. Республикада атроф-муҳитни экологик жиҳатдан соғломлаштириш жараёнларини уйғунлаштириш ва биологик ресурсларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда “Биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракат режаси”ни ишлаб чиқилганлиги фикримизнинг далилидир. Ушбу дастур олдида қўйилган асосий мақсад ва вазифа бу, республикада табиий ландшафтлари ва ҳудуднинг биологик хилма-хиллигини тур таркиби, тарқалиш ҳолати, ундан фойдаланиш меъёрларини белгилаб беришдир. Ёки, республика “Қизил китоби” ва ундаги маълумотларни даврий равишда янгилаб борилиши, республикаимиздаги нодир ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаш соҳасидаги муҳим илмий

ва амаллий аҳамиятга эга бўлган асосий давлат ҳужжати бўлибгина қолмасдан, балки Ўзбекистон Респуб-ликасининг халқаро конвенция ва битимларда қабул қилинган мажбуриятларнинг амалда бажарилиш ҳолатининг ифодаси бўлмоқда.

Шу ўринда вилоятимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ва ечимини кутаётган муаммоларни таҳлили ҳам долзарб масалалардандир. Қизилқум чўлида жойлашган Бухоро вилояти ўзининг географик ўрни, иқлим шароити ва табиати билан ажралиб туради. Чунончи, сўнгги йилларда вилоят территориясида бир қатор иқтисодий аҳамиятига эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши ва бу корхоналар атрофида антропоген ва техноген трансформациянинг тобора ортиб бориши кузатилаётганлигини таъкидлаш лозим. Бундай шароитда ўсимлик ва ҳайвонот оламининг хилма-хиллигини асраш ва ундан фойдаланиш тадбирлари махсус илмий ёндашувни талаб этади.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ҚУШЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Адабиётларда ёзилишича бугунги кунда Ўзбекистонда 15720 га яқин ҳайвон турлари аниқланган бўлиб, шундан 15000 тури умуртқасиз ҳайвонлар ҳиссасига тўғри келса, 718 та тур юксак тузилишга эга бўлган умуртқали ҳайвонлардир. Республикамиз фаунасидаги умуртқали ҳайвонлар хилма-хиллигининг 84 турини балиқлар, 3 турини сувда ҳам қуруқликда яшовчилар, 60 турини судралиб юрувчилар синфи вакиллари, 466 турини қушлар ва 105 турини сут эмизувчи ҳайвонлар ташкил этади. Аммо, юқорида таъкидланганидек инсониятнинг хўжалик фаолиятларининг кенгайиши туфайли, бугунги кунда республикамиз фаунасининг 184 тури Ўзбекистон “Қизил китоби”га (2009 йил) киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бухоро вилоятнинг ҳайвонот дунёси ўзига хос хилма-хилликка эга. Бу ерда умуртқали ҳайвонлардан балиқларнинг 37 тури, амфибияларнинг 2 тури, рептилияларнинг 26 тури, қушларнинг 332 тури ва сут эмизувчи ҳайвонларнинг 50 тури учрайди. Мазкур турлар орасида балиқларнинг 9 тури, рептилияларнинг 6 тури, қушларнинг 44 тури ва сут

эмизувчиларнинг 10 тури жами бўлиб, 69 турдаги умуртқали ҳайвонлар Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган ва бу турларнинг каттагина қисми: балиқларнинг 4 тури, судралиб юрувчиларнинг 2 тури, кушларнинг 23 тури, сут эмизувчиларнинг 7 тури жами - 35 тур ҳайвон Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ–IUCN)нинг “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати” га киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай ўзгаришлар эса ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг яшаш муҳитларини муҳофаза қилишда замонавий, илмий асосланган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади. Шу мақсадда Бухоро вилояти ва унга чегарадош ҳудудларда учровчи куш турларига бағишланган ушбу маълумотлар муаллифларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижалари ва вилоят табиатига тегишли бўлган, мавжуд адабиётлар маълумотларига асосланган. Аждодларимиздан бизга меърос қолган табиий муҳитни авлодларимизга бус-бутунлигича етказиш олдимизда турган устивор вазифа бўлиши билан бирга, барқарор ривожланишнинг муҳим омили бўлиб, инсон ва табиат орасидаги ўзаро уйғунликни таъминлашга хизмат қилади.

Шундай экан биз Бухоро вилояти ва унга чегарадош бўлган ҳудудларда учровчи кам сонли, нодир кушларнинг тур таркиби, уларнинг учраш хусусиятлари, сон миқдори, мақоми ва тарқалиш экологиясига доир маълумотларни ушбу рисолада баён этишга ҳаракат қилдик. Бунда куш турларини жадвалда жойлаштиришда Л.С.Степанян (1975,1978) систематикаси асос қилиб олинди. Туркум, оила, турларнинг ўзбекча номлари Т.Зоҳидовнинг “Зоология энциклопедияси”, Ж.Л.Лахановнинг “Умуртқали ҳайвонлар аниқлагичи” ва Е.А.Крейцберг-Мухина, Д.Ю.Кашкаров, Е.Н.Лановенко, Э.Шерназаров, Е.Перегонцевларнинг “Полевой определитель водно-болотных птиц” китоблари асосида берилди.

- Кушларнинг суратлари асосан О.В.Митропольский, С.Б.Бақоев, Р.Д.Кашкаров, О.Р.Кашкаровларнинг “Ўзбекистон кушлари бўйича қисқача маълумотнома” китоби –CD дискидаги суратлардан фойдаланилди.

- Ҳудудда учровчи кам сонли нодир кушларнинг рўйхати жадвал асосида баён этилар экан унда кушларнинг учраш хусусиятига кўра 5 та гуруҳга ажратилди:

1. **Ўтроқ турлар** – вилоятда йил давомида доимий учровчи турлар;




2. **Уя қуриш учун келиб-кетувчи турлар** – вилоятда уя қурувчи ва фақат уя қуриш даврида учровчи турлар;

3. **Қишловчи турлар** – вилоят ҳудудига фақат қишлаш учун учиб келувчи ва баҳорда учиб кетувчи турлар;

4. **Учиб ўтувчи турлар** – баҳорги ва кузги миграциялар даврида вилоят ҳудуди орқали учиб ўтувчи турлар;

5. **Нодаврий учровчи турлар** – нодаврий равишда, баъзи-баъзи йилларда учровчи турлар;

-Жадвалдаги- “+” белгиси билан турнинг тегишли гуруҳга мансублиги ифодаланди, “+?” белгиси эса тегишли маълумотлар қўшимча аниқликни талаб этишига ишорадир.

-Жадвалда Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган турлар  “**Ў.Қ.К**”, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (**ТМХИ–IUCN**) нинг “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати”га киритилган турлар эса   “**Х.Қ.Р**” шаклида берилди.

-Турларнинг биоэкологиясига доир маълумотларни баён этишда, ҳар бир турнинг Республика ёки Халқаро миқёсдаги мақоми қуйидагича ишоралар билан берилди:

- Мамлакатда йўқ бўлиб кетган турлар- (**EN**)

-Мамлакат ёввойи табиатида йўқ бўлиб кетган турлар - (**EW**)

- Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасидаги турлар - (**CR**)

- Йўқ бўлиб кетаётган турлар - (**EN**)

-Заиф: қисқариб бораётган турлар - (**VU:D**)




-Заиф: табиатан камёб турлар - (**VU:R**)




- Йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин турлар - (**NT**)

- Маълумотлар танқис - (**DD**)





-Нодир ва кам сонли қушларни овлашни ва улар билан савдосотик тадбирларини назорат қилувчи Халқаро Конвенция - **СИТЕС**.



**БУХОРО ВИЛОЯТИ ВА УНГА ЧЕГАРАДОШ ХУДУДЛАРДА УЧРОВЧИ
НОДИР ВА АЙРИМ КАМ СОНЛИ ҚУШ ТУРЛАРИ РЎЙХАТИ**





| Т/р | Турлар | Турнинг бирлиги ва мақоми | Турнинг учраш хусусияти | | | | | Учраш биотоплари | Манба муаллифлари |
|---|---|---|----------------------------|---------------------------------------|-----------------|---------------------|----------------------------|---|--|
| | | | Ўтрок турлар | Уя қуриш учун келиб-кетувчи турлар | Қишловчи турлар | Учинб ўтувчи турлар | Нодаврий учровчи турлар | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| Туркум: Қуракоёқчилар-Веслоногие-Pelesaniiformes | | | | | | | | | |
| Оила: Бирқозонлар ёки Мешикончилар-Пеликановые-Pelecanidae | | | | | | | | | |
| 1 | Пушти сақоқуш- Розовый пеликан- <i>Pelecanus onocrotalus</i> |  Ў.Қ.К | | | | + | | Вилоятнинг йирик сув хав- заларида баҳорги ва кузги миграция давларида учрайди. Қиш илик келган йиллар оз сонда қишлаб қолади. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Сагитов, 1987 Тураев, 2006 |
| 2 | Жингалак сақоқуш- Қудрявый пеликан – <i>Pelecanus crispus</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р. | | | | + | | Вилоятнинг йирик сув хавзаларида баҳорги ва кузги миграция давларида учрайди. Қиш илик келган | Маслов, 1947 Салихбаев, Остапенко, 1967 Сагитов, 1987 |










| | | | | | | | | | | |
|---|---|--|---|--|--|--|--|--|--|---|
| | | | | | | | | | йиллар оз сонда кишлаб колади. | Тураев, 2006 |
| Оила: Қоравойлар-Баклановые-Phalacrocoracidae | | | | | | | | | | |
| 3 | Кичик қоравой- Малый баклан <i>Phalacrocorax rugosus</i> |  У.Қ.К  Х.Қ.Р | + | | | | | | Вилоятнинг аксарият сув хавзалари - дарё, кўл, сув омбор ва балиқчилик ховузларида учрайди. Замонбобо, Қорақир, Зикри, Денгизкўл, Тўдакўл, Когон ва Бухоро балиқчилик хўжаликлари сувликларида уялайди. | Бакоев, 1987 Сагитов, 1987 М.Тўраев, 2003, 2006 |
| Туркум: Лайлаксимонлар- аистообразные- ciconiiformes | | | | | | | | | | |
| Оила: Қарқаралар-Цаплевые-Ardeidae | | | | | | | | | | |
| 4 | Кичик ок қарқара- Малая белая цапля – <i>Egretta garzetta</i> |  У.Қ.К | + | | | | | | Баҳорги ва кузги миграция даврида, баъзан эса кишлашда вилоят сувликларида кайд этилади. Хадича, Зикри, Қорақир, Замонбобо кўллари ва Тўдакўл сув омбори ҳамда Когон, Бухоро балиқчилик хўжаликлари қамишзорларида уялайди. Сўнги йилларда Жондор, Қоракўл, Олот ва Ромитан туманлари марказий хиёбонларидаги | М.Тураев,2003, 2006,2008,2012,2014 |










| | | | | | | | |
|---|---|---|---|--|--|--|-------------------------------------|
| 5 | <p>Миср қарқараси-цапля- <i>Bubulcus ibis ibis</i></p> | Н | + | | | <p>дарахтзорларда ушбу турнинг уялари хаккушлар билан биргаликда ҳосил бўлган колонияларда қайд этилмоқда.</p> | |
| | | | + | | | <p>Республикамикиз фаунасида нодаврий учровчи турлардан бири сифатида рўйхатга олинган. Аммо 2009 йилда “Жайрон” экомарказида илк бор учиб ўтишда қайд этилган бўлса, 2011 йилда Бухоро вилоятининг Олот тумани марказидаги “Дўстлик” истироҳат боғидаги дарахтзорда қарқаранинг уя қуришда иштирок этиши қайд этилди. Шунингдек, 2016 йил 14 сентябрда кузги миграцияда бўлган ушбу тур вақиллари (2 та қуш) Тўдақўл сув омбори худудида қайд этилди.</p> | Сагитов,1987, М.Тураев,2012,2016 |








| | | | | | | | |
|---|--|---|---|---|---|---|---|
| 6 | Сарик кўтон- Желтая цапля- <i>Ardeola ralloides</i> |  Ў.Қ.К | + | + | + | Мигрант турлардан саналлади. Сув хавзаларининг қалин қамишзорларида учрайди. Ушбу турнинг худудда уя қуриши қайд этилган. | Бақоев, 1987 |
| Оила: Ибислар-Ибусовые-Threskiornithidae | | | | | | | |
| 7 | Қошиқбурун- Коллица – <i>Platalea leucorodia</i> |  Ў.Қ.К | + | | | Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Сувликларнинг саёз қисмида озикланишда, қалин қамиш билан қопланган қисмларида уя қуриб кўпайишда учрайди. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Сағитов, 1987 М.Тураев, 2003, 2006, 2009 |
| 8 | Қоравой- Қаравайка – <i>Plegadis falcinellus</i> |  Ў.Қ.К | + | | | Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Сувликларнинг саёз қисмида озикланишда, қалин қамиш билан қопланган қисмларида уя қуриб кўпайишда иштирок этади. | М.Тураев, 2003, 2006, 2009 |
| Оила: Лайлаксимонлар-Аустовые-Ciconiidae | | | | | | | |
| 9 | Оқ лайлак- Белый аист – <i>Ciconia ciconia</i> |  Ў.Қ.К | | | + | 1980 йилларгача вилоятда, жумладан Бухоро шаҳрида уя қуриб кўпайишда учраган. Ҳозирги кунда вилоятнинг кам сонли мигрант турларидан бири саналади. Баҳорги ва кузги миграциялар даврида | Маслов, 1947 Салихбаев, Остапенко, 1967 Бақоев, 1987 Сағитов, 1987 Митропольский, 2007 М.Тўраев, 1990, 2006. |









| | | | | | | | | | | |
|---|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|
| | | | | | | | | | вилытнинг Тўдакўл, Хадича ва Қорақир кўллари агрофида кайд этилади. | |
| 10 |  Қора лайлак-Черный аист – <i>Ciconia nigra</i> | | | | | | | | Вилоятдаги кам сонли мигрант турларидан бири. Бахорги ва кузги миграциялар даврида Тўдакўл, Хадича ва Қорақир кўллари агрофлорада кайд этилади. | Сагитов, 1987 Митропольский, 2007 М.Тўраев, 2013 |
| Туркум: Кизилқанотсимонлар-Фламингообразные-Phoenicopteriformes Оила: Кизилқанотлилар-Фламинговые-Phoenicopteridae | | | | | | | | | | |
| 11 |  Кизилғоз-Обыкновенный фламинго – <i>Phoenicopterus roseus</i> | | | | | | | | Вилоятдаги кучли шўрланган сувликларнинг саёз жойларида бахорги ва кузги миграция даврида учрайди. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Кашкаров, 1987 Митропольский, 2007 Тўраев, 2006, 2013 |
| Туркум: Ғозсимонлар-Ғусеобразные-Anseriformes Оила: Ұрдаклар-Утиные-Anatidae | | | | | | | | | | |
| 12 | Окпешонали Ғоз-Белолобый гусь – <i>Anser albifrons</i> | | | | | | | | Вилоятнинг кам сонли мигрант турларидан бири. Бахорги ва кузги миграциялар даврида Тўдакўл сув омбори, Қорақир, Замонбобо, Зикри, Хадича кўллари агрофлорадаги саёзликларда учрайди. | Кашкаров, 1987 Митропольский, 2007 М.Тўраев, 2013. |








| | | | | | | | | | | |
|----|---|--|---|--|--|--|--|---|--|--|
| 13 | Оқ пешонали кичик ғоз- Гусь -пискулька – <i>Anser erythropus</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | | | | | | | Вилоятнинг кам сонли мигрант турларидан бири. Баҳорги ва кузги миграциялар даврида вилоятдаги кўлларнинг теъарагида кичик сонда учрайди. | Кашкаров, 1987 Митропольский, 2007 Тўраев 2013 |
| 14 | Вишилдоқ окқуш- Лебедь-шипун – <i>Cygnus olor</i> |  Ў.Қ.К | + | | | | | | Вилоятнинг аксарият сув хавзалари – кўл, сув омбор ва балиқчилик ховузларида кўпайишда учрайди. Қорақир, Зикри, Оёқоғитма кўллари ҳамда Когон ва Бухоро балиқчилик хўжаликларида, Денгизкўл ва Тўдакўл хавзаларининг кампозорларида, Хадича кўлидаги оролчаларда ерга уя куради. | Маслов,1947 Салихбаев, Остапенко, 1967 Кашкаров, 1987 Митропольский,2007 7 Тўраев,2006 |
| 15 | Қийқирдоқ окқуш- Лебедь-кликун – <i>Cygnus cygnus</i> |  Ў.Қ.К | | | | | | + | Мигрант тур. Вилоятдаги Тўдакўл сув омборида, Замонбобо ва Қорақир кўли сувликларида вишилдоқ окқушлар билан кичик гуруҳ хосил қилган холда учрайди. | Маслов,1947 Салихбаев, Остапенко, 1967 Кашкаров, 1987 Митропольский,2007 7 Тўраев,2006 |
| 16 | Кичик окқуш- Малый лебедь – <i>Cygnus bewickii</i> | Н | | | | | | + | Вилоят сувликларида баъзан кузги ва баҳорги миграцияда учрайди. | АVIKA материаллари |









| | | | | | | | | | |
|---|--|--|---|---|--|--|--|--|---|
| 17 | Қизилтомок <i>Краснозобая казарка</i> <i>Rufibrenta ruficollis</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | | | | | | Бахорги ва кузги миграциялар даврида дам олишда ва озикланишда саёз сувликларда учрайди. | Кашкаров, 1987 Митропольский, 2007 М.Тўраев, 2006. |
| 18 | Мармар чуррак <i>Мраморный чирок</i> <i>Marmaronetta angustirostris</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | + | | | | | Вилоят сувликларида бахорги ва кузги миграциялар даврида учрайди ва сувликлардаги кампизорларда кичик сонда уялашда иштирок этади. | Кашкаров, 1987 Мухина, 1993 М.Тўраев, 1990, 2006, 2013. |
| 19 | Олаканот ўрдак - <i>Белоглазая чернеть</i> <i>Aythya nyroca</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | | + | | | | Вилоят сувликларида бахорги ва кузги миграциялар давомида учрайди ва кичик сонда уялашда иштирок этади. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Бакоев, 1987 Кашкаров, 1987 Тўраев, 2006 |
| 20 | Оқбош ўрдак <i>Савка</i> – <i>Oxyura leucoserphala</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | | + | | | | Вилоятнинг кам сонли кишловчи ва учиб ўтувчи турларидан. Кушнинг жўжали оиласи Тўдакўлдаги кампизорда қайд этилган. Қишлашда асосан Денгизкўлда учрайди. | Мухина, 1993 Тўраев, 2006 |
| Туркум: Лочинсимонлар- Соколообразные- falconiformes | | | | | | | | | |
| Оила: Скопалар-Скопные-Pandionidae | | | | | | | | | |
| 21 | Сувқийгир <i>Скопа</i> – <i>Pandion haliaetus</i> |  Ў.Қ.К | | | | | | Вилоятнинг мигрант турларидан бири бўлиб, киш илик келган йиллар вилоят сувликларида кишлаб қолади. | Митропольский, 1987 Тўраев, 1990, 2006. |





| | | | | | | | | | | | | | |
|--|--|--|---|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | | | | | | | | Балик захирасига бой сув-ликлар атрофида тез-тез учраб туради. | |
| Оила: Қарчигайлар-Ястребиные-Accipitridae | | | | | | | | | | | | | |
| 22 | Чўл бўктаргиси- Степной лунь – Circus macrourus |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | | | | | | | | | | Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Баъзан сув хавзалари атрофида ҳам учрайди. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |
| 23 | Илонхўр бургут- Змеяд – Circus gallicus |  Ў.Қ.К | + | | | | | | | | | Мигрант тур Қумли чўлларда учрайди, уяларини саксовул, қандим, черкез каби дарахт ва буталарда жойлаштиради. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Бакоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |
| 24 | Кичик бургут- Орел-карлик- Hieraaetus pennatus |  Ў.Қ.К | | | | | | | | | | Вилоят худудида мигранциялар вақтида учрайди. Кичик сонда кишлайди. | Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |
| 25 | Қирғий бургут- Ястребиный Hieraaetus fasciatus |  Ў.Қ.К | + | | | | | | | | | Мигрант тур Қизилқумдаги тоғли қояларда баъзан кўпайишда иштирок этади. | Бакоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |
| 26 | Дашт қатта бургут- Большой подорлик - Aquila clanga |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | + | | | | | | | | | Вилоятнинг мигрант турларидан Учиб ўтишда барча биотопларда кам сонда кузатилади. | Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |
| 27 | Қиронқора- Могильник – Aquila heliaca |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | + | | | | | | | | | Вилоятнинг мигрант турларидан Учиб ўтишда чўл биотопларида кузатилади. | Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |

| | | | | | | | | | | |
|----|--|--|--|---|--|--|--|--|---|--|
| 28 | Бургут-Беркут – <i>Aquila chrysaetos</i> |  Ў.Қ.К | | | | | | | Вилоятнинг мигрант турларидан. Учиб ўтишда чўл биотопларида қўлда кузатилади. Чўлда саксовулларга, тоғ тизмалари ва жарликларда уя қуриб кўпаяди. | Бакоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |
| 29 | Чўл бургут - <i>Стелпной орел</i> – <i>Aquila nipalensis</i> |  Ў.Қ.К | | + | | | | | Вилоятнинг мигрант турларидан. Вилоятнинг чўл зоналарида уя қуриши кузатилади. | Бакоев, 1987 Митропольский, 1987 М.Тўраев, 2013 |
| 30 | Узундумли сувбургут - <i>Орлан-долгохвост</i> - <i>Haliaeetus leucoryphus</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | | | | | | | Вилоятдаги сувликлар атрофида учиб ўтишда учрайди. Кам сонда кишлайди. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Сагитов, Пукинский, 1989 Тўраев, 2010 |
| 31 | Ок думли сувбургут - <i>Орлан-белохвост</i> – <i>Haliaeetus albicilla</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | | | | | | | Вилоятдаги сувликлар теъарагида учиб ўтишда учрайди. Кам сонда кишлайди. | Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |
| 32 | Болгаюгар - <i>Бородач</i> – <i>Gypaetus barbatus</i> |  Ў.Қ.К | | | | | | | Вилоятнинг кам сонли мигрант турларидан бири. Тоғли биотопларда кемирувчилар ва ўлган хайвонларнинг тана қолдиқлари билан озикланади. | Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 |

| | | | | | | | | | |
|--|--|--|----|---|--|----|---|---|--|
| 33 | Кал жўрчи- Стервятник – <i>Neorhon persporterus</i> | О  Х.Қ.Р | + | + | | | Вилоятнинг мигрант турларидан. Кичик сонда уя куриб кўпаяди. Уясини тоғ тепаликларидаги карнизларда жойлаштиради. | Маслов, 1947 Салихбаев, Остапенко, 1967 Тўраев, 2012 | |
| 34 | Таскара- Черный гриф – <i>Aegurius tonachus</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | + | + | | + | Вилоятнинг мигрант турларидан бўлиб, чўл зоналаридаги тоғ тизмаларида уя куриши кузатилган. | Бакоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 | |
| 35 | Окбош кумой- Белоголовый сип – <i>Bups fulvus</i> |  Ў.Қ.К | +? | + | | + | Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Чўл зоналаридаги тоғ тизмаларида уя куриши кузатилган. Озиқа излаб паст текисликлар ва тоғ ён бағирларида гушади. | Бакоев, 1987 Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 | |
| Оила: Лочинлар-Соколиные-Falconidae | | | | | | | | | |
| 36 | Итолни- Балобан – <i>Falco cherrug</i> |  Ў.Қ.К  Х.Қ.Р | + | | | | Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Манбаларда Қизилқум марказидаги колдик тоғларда уя куриши тахмин қилинган. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Бакоев, 1987 | |
| 37 | Сахро лочини- Шахин – <i>Falco peregrinoides</i> |  Ў.Қ.К | | | | +? | Вилоятнинг мигрант турларидан бири. Вилоят паст текисликларида баҳорги ва кузги учиб ўтишда кам сонда учрайди. | Митропольский, 1987 | |
| 38 | Лочин- Сапан– |  Ў.Қ.К | | | | + | Вилоят худудида учиб ўтишда учрайди. Кам | Митропольский, 1987 Тўраев, 2013 | |

| | | | | | | | | | |
|---|---|--|---|--|--|--|--|--|--|
| | <i>Falco peregrinus</i> | | | | | | | сонда кишлайди. | |
| 39 | Куйка- <i>Степная пустельга</i> <i>Falco naumanni</i> |  У.К.К  Х.К.Р | + | | | | | Паст текисликлардаги жарликлар, тепаликлар ва куриллиш иншоотларида уя куриб кўпайишда иштирок этади. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Митропольский, 1987 |
| Туркум: Товуксимонлар- Курообразные-Galliformes | | | | | | | | | |
| Оила: Кирговуллар-Фазановые-Phasianidae | | | | | | | | | |
| 40 | Каклик- <i>Кеклик –</i> <i>Alectoris chukar</i> | О | + | | | | | Вилоятнинг Кулжуктов, Томдитов ва кичик тоғ колдик тизмаларида уя куриб кўпаяди. | Остапенко. Назаров, 1987 Тўраев, 2013 |
| 41 | Зарафшон кирговули- <i>Фазан –</i> <i>Phasianus colchicus zerafschanicus</i> |  У.К.К | + | | | | | Вилоят фаунасининг доимий турларидан бири. Вилоятнинг агроландшафтларида, тўқайзорларида уя куриб кўпаяди. | Маслов, 1947 Остапенко, Назаров, 1987 Тўраев, 2013 |
| Туркум: Турнасимонлар-Журавлеобразные-Gruiformes | | | | | | | | | |
| Оила: Тувалоклар- Дрофиные-Otididae | | | | | | | | | |
| 42 | Тўхта тувалок- <i>Дрофа –</i> <i>Otis tarda</i> |  У.К.К  Х.К.Р | + | | | | | Вилоятнинг чўл ва чала чўл зоналарида миграциялар даврида учрайди. | Мекленбурцев, 1987 Тўраев, 2013 |
| 43 | Бизгалок- <i>Стрепет –</i> <i>Tetrao tetrao</i> |  У.К.К  Х.К.Р | + | | | | | Вилоятнинг чўл ва чала чўл зоналарида баҳорги ва кузги миграциялар вақтида учрайди. | Салихбаев, Остапенко, 1967 Мекленбурцев, 1987 Тўраев, 2013 |

| | | | | | | | | |
|--|---|--|----|--|--|---|---|--|
| 44 | Йўрға тувалоқ- Дрофа красотка – <i>Chlamydotis macqueenii</i> |  У.Қ.К  Х.Қ.Р | + | | | | Мигрант тур. Вилоятдаги кумли чўлларда учрайди ва уя куриб кўпайишда иштирок этади. | Маслов, 1947 Бакоев, 1987 Мекленбургцев, 1987 Тўраев, 2013 |
| Туркум: Ржанкасимонлар- ржанкообразные- charadriiformes | | | | | | | | |
| Оила: Ржанкалар- Ржанковые- Charadriidae | | | | | | | | |
| 45 | Таргоқ- Кречетка – <i>Chettusia gregaria</i> |  У.Қ.К  Х.Қ.Р | + | | | | Вилоят сувликларида бахорги ва кузги миграциялар вақтида жуда кам сонда учрайди. Тўдакўл сув омбори, “Жайрон” экологик марказидаги кўллар атрофида кузги миграцияда кайд этилган. | Маслов, 1947 Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1990 Тўраев, 2012, 2013 |
| Оила: Лойхўрақлар- Бекасовые- Scolopaciidae | | | | | | | | |
| 46 | Кичик узунбурун- Тонкоклювий кронинен- <i>Numenius enuirostris</i> |  У.Қ.К  Х.Қ.Р | +? | | | + | Учиб ўтиш даврида вилотдаги кўллар ва кўлмақларнинг ботқоқлашган кирғоқларида учратилган. | Маслов, 1947 Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1990 |
| Оила: Жиктоқлар- Туркушковые- Glareolidae | | | | | | | | |
| 47 | Чўл жиктоғи- Степная туркушка <i>Glareola nordmanni</i> |  У.Қ.К  Х.Қ.Р | +? | | | + | Мигрант жиктоқлар орасида баъзан кам сонда учраши мумкин. | Маслов, 1947 Сагитов, Пукинский, 1989 |

| Оила: Балиқчилар- Чайковье-Laridae | | | | | | |
|---|--|--|--|---|---|--|
| 48 | Қорабошли балиқчи- <i>Черноголовой хохотун- Larus ichthyæetus</i> |  У.Қ.К | | | + | Вилоят сувликларида балиқчи кушлар галасида кишлада учрайди. Мекленбургцев, 1990 Тўраев, 2007 |
| Туркум: Капгарсимонлар- голубеобразные- columbiformes | | | | | | |
| Оила: Булдуруклар- рябовые- pteroclididae | | | | | | |
| 49 | Окбовур- <i>Белобрюхий рябок Pterocles alchata</i> |  У.Қ.К | | + | | Учиб ўтишда кам сонда учрайди. Салихбаев, Остапенко, 1967 Третьяков, 1990 |
| Оила: Капгарлар- Голубиные- Columbidae | | | | | | |
| 50 | Кўнгира капгар- <i>Бурый голубь- Columba eversmanni</i> |  У.Қ.К  Х.Қ.Р | | + | + | Вилоят худудидаги айрим аҳоли кам фаолият юритадиган стацияларда учиб ўтишда учрайди. Маслов, 1947 Мекленбургцев, 1990 |
| 51 | Гуррак- <i>Обыкновенная горлица- Streptopelia turtur L.</i> | О | | | + | Мигрант тур. Вилоятнинг дарахтзор, буттазор ва вохаларида уя куриб кўпайишда иштирок этади. Аммо сўнги ўн йилликларда сон жихатидан кескин камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Маслов, 1947 Бакоев, 1987 Мекленбургцев, 1987 Тўраев, 2013 |

Изох: Вилоят худудида учровчи хар бир тур, унинг учраш хусусиятидан (хох у уя куришда иштирок этса, хох кишлада учраса, хох у мигрант тур ёки ўтрок тур бўлса), катъий назар улар хилма-хил биотошларда учрайди ва ушбу биотошларда кузатилаётган ўзгаришлар уларнинг хулк- атворида, тарқалиш экологиясида маълум маънода ўз аксини топади. Шу асосда худудда кушларнинг учраш хусусиятлари ўзгариб туриши мумкин ва у узлуксиз кузатишларни талаб этади. Шундай экан, келтирилган ушбу маълумотларимиз кейинги мониторинг тадбирлари учун ўзига хос дастур бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ВА УНГА ЧЕГАРАДОШ ХУДУДЛАРДА УЧРОВЧИ НОДИР ВА КАМ СОНЛИ ҚУШЛАРНИНГ БИОЭКОЛОГИК ТАСНИФИ

1. Пушти сақоқуш – Розовый пеликан – *Pelecanus onokrotalus* (Linnaeus, 1758)



Дунёда ареали қисқариб бораётган, уя қурувчи ва қишловчи жанубий ғарбий Палеарктик, тур. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 2(VU:D) киритилган.

Республикамизнинг деярли барча йирик сув ҳавзаларида баҳорги ва кузги учиб ўтишда қайд этилади. Жумладан, жанубий Оролбўйи сувликларида уялашда, Амударё, Зарафшон ва Сирдарё ҳавзаларида учиб ўтиш ва қишлашда қайд этилади. Ўзбекистондан ташқарида Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатлари, Қозоғистон, шарқий Европа жанубида уялашда, ғарбий Осиё, Ҳиндистон ва Африкада уялаш ва қишлашда қайд этилади. Бухоро вилоятидаги сув ҳавзаларида кам сонда баҳорги ва кузги учиб ўтишда, баъзан қишлашда учрайди (Мухина, Лановенко, Шерназаров, Тўраев ва бошқ. 2003, Тўраев, Шерназаров, 2005).

Пушти сақоқуш ихтиофаг тур бўлганлиги сабабли миграция даврида балиқ захирасига бой бўлган сув омборлари, йирик кўллар ва балиқчилик хўжаликларининг ҳовузларида озикланишда қайд этилади. Ёз мавсумида эса кўпайишда иштирок этмайдиган, қари шунингдек, ҳали кўпайишга киришмаган ёш вакиллари вилоятнинг Денгизкўл, Қорақир, Замонбобо, Оёқоғитма кўллари ҳамда, Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборлари ҳавзаларида сақланиб қолади ва бир сув ҳавзадан иккинчисига кўчиб юради. Қиш иллик келган йиллари бир неча ўнлаб қушларни вилоятдаги Тўдакўл, Қуйимозор сув омборлари, Хадича, Зикри кўлларида ва асосан Денгизкўл сувликларида қишлаб қолиши кузатилади (Крейцберг- Мухина ва бошқалар, 2003, Тўраев, Шерназаров, 2006). Юқоридагилардан кўриниб

турибдики, мазкур тур вилоят сув ҳавзаларида йил давомида учрайди.

Республикамизда пушти сақоқушларни овлаш қатъиян ман этилган ва уни дунёдаги бир неча ҳайвонот боғларида кўпайтириш йўлга қўйилган. Республикамизда ушбу нодир қуш тури уя қуриш вақтида Жанубий Оролбўйи сувликларида, айниқса Судочье кўлида, миграция ва қишлаш даврида эса, Тузкон, Қорақир ҳамда Денгизкўл буюртмахоналарида муҳофазага олинган.

2. Жингалакли сақоқуш – Кудрявый пеликан- (*Pelecanus crispus* Druch.1832)

Дунё орнитофаунасида сони ва тарқалиш ареали қисқариб бораётган уя қурувчи ва қишловчи Палеарктик тур. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 2(VU) ҳамда, Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг (ТМХИ) Қизил рўйхатига (LR-CD) киритилган.



Ўзбекистон ҳудудида Амударё ва Зарафшон дарёларининг қуйи оқими ҳамда Сирдарёнинг ўрта оқимидаги сув ҳавзаларида уя қуриши қайд этилган. Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий вилоятларнинг сувликларида учиб ўтишда ва қишлашда кузатилади. Ўзбекистондан ташқарида Қозоғистонда, шарқий Европанинг жанубида уялашда, Ғарбий Осиё ва Ҳиндистонда қишлашда қайд этилади.

Бухоро ҳудудидаги барча йирик сув ҳавзаларида учиб ўтишда учрайди. Сўнги йилларда Денгизкўл, Тўдакўл, Оёқоғитма, Қуйимозор, Қорақир, Хадича, Зикри каби қатор сув ҳавзаларида мазкур турнинг ёз фасли давомида мунтазам учраши қайд этилмоқда. Жингалакли сақоқуш вилоятдаги сув ҳавзаларида 2001 йилдан бошлаб қиш фаслида ҳам 100 га яқин сонда қишлаб қолаётганлиги, ҳатто қиш қаттиқ совуқ келган 2008 йилда ҳам Қуйимозор сув омборида 28 та сонда қайд этилди (Тураев 2008). Барча гидрофил қушлар қатори жингалак сақоқушлар ҳам сув ҳавзаларида кузатилган броконерлик,

безовталантириш, сув сатҳининг ўзгартирилиб туриши каби турли антропоген омиллардан зиён кўради.

Шунингдек, қиш мавсумида кузатиладиган туманли кунларда, Тўдакўл сув омборининг шимолий қирғоғи бўйлаб чўзилган юқори кучланишли электр тармоғида жингалак сақоқушларнинг тўқнашиши натижасида ўнлаб қушларнинг ҳалок бўлиш қайд этилган (29.01.2003, 27.02.2004, 19.01.2011).

Мазкур турни овлаш қатъиян таъқиқланган. Вилоят сувликларида Қорақир ва Денгизкўл кўлларида муҳофаза қилинади.

3. Кичик қоровой – Малый баклан – *Phalacrocorax pygmaeus* (Pallas, 1773)



Кичик қоровой куракоёқлилар туркумининг қоровойлар оиласига мансуб. Мақоми бўйича заифга яқин, уя қурувчи ва қишловчи, жануби-ғарбий Палеарктика тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 3(NT) ва Табиат ва

табiiй ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг (ТМХИ) Қизил рўйхатига (LR-NT) киритилган.

Кичик қоровойнинг Ўзбекистондаги асосий тарқалиш ҳудудларига Оролбўйи сув ҳавзалари, Амударёнинг ўрта ва қуйи оқими, Қашқадарё ҳавзалари, Сирдарёнинг ўрта оқимини киритиш мумкин. Бу ерларда у уялаш ва қишлашда қайд этилади. Ўзбекистондан ташқарида Қозоғистонда уялашда, Шарқий Европа жануби, Ғарбий Осиёда уялаш ва қишлашда учрайди.

Сўнгги йилларда Бухоро вилоятидаги сув ҳавзаларида ҳам кичик қоровойнинг сони ошиб, тарқалиш доираси кенгайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Вилоят сувликларида мазкур турнинг илк бор уя қуриш ҳаракатлари 1991 йилда Қорақир кўлида қайд этилган бўлса (Шерназаров, 1992), 2001 йилда биз мазкур турнинг уя қуриш ҳаракатларини вилоятнинг Замонбобо кўлида, Тўдакўл сув омборида ва Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузларида қайд этдик.

Қишлаб қолувчи қоравойлар вилоятнинг турли типдаги сувликларида, кўлларда, сув омборларда, балиқчилик хўжаликлари ҳовузларида, дарё ва каналлар ёқасида шакилланган кўлмақларда, зовурларда озикланадишда учрайди. Апрель ойининг ўрталаридан бошлаб май ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар уя қуриш ҳаракатлари кузатилади. Уяларини ҳавзадаги қамиш ва кўға уюмларининг устида, баъзан эса юлғун шохларига жойлаштиради. Уяда 4-8 тагача оқ рангли тухум қўяди ва уларни 27-30 кун давомида босиб ётади. Полапонлари июн ойидан бошлаб учиб чиқади. Кичик қоравойлар сувликлардаги майда балиқлар билан озикланади ва балиқ човоқлари тайёрлашга ихтисослаштирилган хўжаликларда баъзан иктисодий зарар етказиши мумкин. Аммо кичик қоравойларнинг сони республикамизда катта бўлмаганлиги учун улар муҳофазага муҳтож тур саналади. Республикамизнинг Судочье, Тузкон, Қорақир, Денгизкўл сувликларида муҳофазага олинган. Овлаш таъқиқланади.

4. Кичик оққўтон – Малая белая цапля-Egretta garzetta (Linnaeus, ssp. garzetta (Linnaeus, 1766))

Кичик оқ қўтонлар лайлаксимонлар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб тур бўлиб, мақоми бўйича заиф, уя қурувчи ва қишловчи номинал кенжа тур. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D) киритилган.



Республикамизнинг Сирдарё ҳавзаларида, Жанубий Оролбўйи ва Амударёнинг ўрта оқимидаги сув ҳавзаларида кўчманчи, мигрант ва уя қуриб кўпайишда, баъзан қишлаб қолувчи тур саналади. Ўзбекистондан ташқарида Қозоғистоннинг марказий ва жанубий вилоятларидаги қатор сувликларда, шарқий Европанинг жануби, Жанубий Осиё ва Африка мамлакатларида уялашда, Ўрта Ер денгизи, ғарбий Осиё ва шимолий Африкада қишлашда учрайди.

Республикамизда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Оролбўйи сувликларида юзага келган экологик ўзгаришлар

туфайли кичик оқ қарқараларнинг республикамиздаги тарқалиш ареали жанубий шарқий йўналишда кенгайганлиги кузатилди.

Республикамизда кичик оқ қарқараларнинг уялари Оролбўйи ҳавзаларидан ташқари 1995 йилда илк бор Алан кўлларида қайд этилган бўлса (Шерназаров, 1995), 2000 йиллардан бошлаб Бухоро вилоятидаги Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузларида, Тўдакўл сув омборининг жанубий-ғарбидаги кўлмакнинг қамишзорларида, Замонбобо, Қорақир, Хадича, Зикри кўлларида қайд этилди (Тўраев 2003).

Кичик оқ қарқараларда уя қуриш ҳаракатлари апрел ойининг ўрталаридан бошланиб, май ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар давом этади. Уяларини қамиш, қўға уюмларилари устида, баъзан эса юлғун шохларида жойлаштиради ва уяларга оч ҳаворанг тусдаги 4- 6 тагача тухум қўяди. Тухумларни 21–25 кунгача босиб ётади. Полапонлари июн ва июл ойларида учирма бўлади. Кузги учиб ўтиши сентябр ва октябр ойида кузатилади. Қушнинг озиқаси асосан майда балиқлар, итбалиқлар, криветка ва бошқа сувда учровчи умуртқасизлар ташкил этади.

Бухоро вилояти сувликлари теварагидаги қамишзорларнинг бирмунча сийраклиги, сувликларда ёз мавсумларида сув сатҳининг тез-тез ўзгартирилиб турилиши, сувликлар теварагидаги қамишзорларга ўт қўйиш туфайли сўнгги йилларда бир қатор суволди қушлари (ҳаққушлар, миср қарқаралари) сингари, кичик оқ қарқаралар ҳам вилоятнинг шаҳар марказларидаги истироҳат боғларида гўнг қарғалар билан аралаш колония ҳосил қилиб уя қуришда иштироки кузатилмоқда. Кузатишларимиз давомида 2007 йилнинг 27 майида Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Дўстлик маданий истироҳат боғидаги дарахтзорда гўнгқарға ва ҳаққушлар колониясида кичик оқ қарқараларнинг 2 та уяси рўйхатга олинган эди. 2011 йил 22 майида худди шу колония кўздан кечирилганда тухум босиб ётган қушлар орасида оқ қарқараларнинг 7 та уялари қайд этилди. Ёки 2011 йил 15 майида Жондор тумани марказидаги дарахтзорда гўнгқарға, ҳаққуш уяларидан ташкил топган колонияда ҳам кичик оқ қарқараларнинг 2 та уяси рўйхатга олинди.

Кичик оқ кўтон ҳозирги вақтда республикамизнинг Судочье, Қорақир, Денгизкўл буюртмахоналарида муҳофазага олинган. Овлаш таъқиқланган.

5. Миср қарқараси–Египитское цапля–*Bubulcus ibis ibis* (Linnaeus, 1758)

Дунё фаунасида Миср қарқарасининг иккита шарқий *Bubulcus ibis ibis* ва ғарбий *Bubulcus coromandus* кенжа турилари тарқалган бўлиб,

Ўрта Осиёда жумладан Ўзбекистонда *Bubulcus ibis ibis* кенжа тури учрайди.

Мазкур турнинг дунёда тарқалиш ареали Ўрта–Ер денгизи атрофи, Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлари ҳисобланади. Қишлашда улар Африка қитъасининг марказий ва жанубий қисмидаги Конго, Зимбабведа, баҳорги ва кузги миграцияларда Африканинг марказий ва шимолий районларида ҳамда Ўрта-Ер денгизи ва Каспий денгизининг жанубий-ғарбий ҳудудларида учрайди. Баъзан қиш иллик келган йилларда Ўрта-Ер денгизи атрофидаги мамлакатларда қишлаб қолишда кузатилади.

Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида Каспий бўйи давлатлари Озарбайжон, Арманистон ва Грузияда (Спангенберг, 1951), сўнгги йилларда, Туркманистон ва Россияда учиб ўтишда ва кам сонда уя қуришда учрайди (Митропольский, 2007).

Миср қарқарасининг Ўзбекистон ҳудудида учрашига доир маълумотлар жуда кам. Бу ҳол, мазкур турнинг республикамиз ҳудудида мунтазам учрамаслигидандир, шу боисдан адабиётларда баъзан мазкур тур Ўзбекистон фаунасининг кам сонли, тасодиқий учровчи тур сифатида қайд этилган бўлса



(Сагитов, 1987), айрим манбаларда ушбу турни республикамиз орнитофаунаси рўйхатига киритилмаган (Митропольский, Митропольский 2010).

Миср қарқараси республикамиз ҳудудида илк бора 2010 йилда “Жайрон” экологик маркази ҳудудида учратилиб суратга олинган эди (Қайсаров, 2010). Ушбу далилий маълумот турнинг тарқалиш экологиясида кузатилаётган ўзгаришлардан дарак беради. Чунончи, мазкур турнинг тарқалиш ареали “Жайрон” экологик марказидан олисда, яъни Туркманистоннинг жанубий-ғарбий қисмидаги Каспий денгизи қўлтиғида, Атрек дарёси ва Россиянинг Урал дарёларининг дельталарида жойлашган. Кейинчалик биз кузатувларимиз давомида миср қарқарасининг Ўзбекистонда уя қуришини илк бора Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Дўстлик маданий истироҳат боғида 27.05.2011 йилда қайд этдик. Куш уялари истироҳат боғидаги дарахтзорда, гўнг қарғалар, ҳаққушлар ва кичик оқ қарқараларнинг уя коллониялари марказида жойлаштирилган эди. Уялардан бири қайрағоч дарахтининг ён шоҳида, ердан 16 метр баландликда жойлашган бўлиб, унда 4 та тухум қўйилган эди. Уянинг қурилиш материали сифатида асосан уя жойлашган дарахтнинг қуриган новдаларидан, қисман уя жойлашган жойдаги шўрадошлар оиласига мансуб ўтчил ўсимликларнинг пояси, барги, илдизи, барги ва гул рўвагидан фойдаланилган. Тухумлар хаворанг тусда бўлиб, қайд этилган вақтда она куш томонидан қаттиқ босиб ётилган эди.

Турнинг кузги миграцияда бўлган вакилларини 2016 йил, сентябр-октябр ойларида олиб борган кузатувларимиз давомида Тўдакўл сув омборининг шимолий қисмида сув қирғоқларида қайд этдик 14.09.2016, 29.09.2016.

Шу тариқа миср қарқараларини республикамиз фаунасининг вакили сифатида рўйхатга киритишга тўлиқ ҳақлимиз. Миср қарқаралари республикамиз фаунасида жуда кам сонда эканлиги ва республикамиз фаунасига кириб келаётган тур сифатида унинг тарқалиш экологиясига доир махсус кузатишлар олиб бориш ва уни муҳофазасини ташкил этишимиз лозим.

6. Сарик қўтон- Желтая цапля- *Ardeola ralloides* (Scopoli, 1769)

Республикамизнинг кам сонли турларидан бири сифатида, Ўзбекистон “Қизил китоби” га заиф, қисқариб бораётган, локал тарқалган, учиб ўтувчи тур 2(VU:D) мақоми билан қайд этилган.



Сарик қўтонлар Амударёнинг ўрта ва қуйи оқими сув ҳавзаларидаги қамишзор ва тўқайларида кичик сонда уя қуришда ва ўрта оқим бўлимларида учиб ўтишда учрайди.

Ўзбекистондан ташқари Қозоғистон, Туркманистон, Жанубий Европада уялашда учрайди. Осиёнинг ғарбий қисми ва Африкада эса ўтроқ турлар уялайди ва мигрантлар қишлайди.

Республикамизда қушнинг баҳорги учиб ўтиш муддати бир мунча кеч – апрел ойдан бошланади ва бу ҳаракатлар баъзан май ойларигача давом этади. Сарик қарқараларнинг уя қуриш ҳаракатлари май ойининг сўнгги кунлари кузатилади. Уяларда 4 – 7 тагача тухум қўяди ва уларни 22-24 кун давомида босиб ётади. Полопонларни июн, июл ойи давомида турли сув ҳашаротлари, кичик балиқлар, креветкалар билан озиқлантиради. Жўжалар июл ойининг сўнгги кунларида уяларни тарк этишади ва галалашиб август ойининг сўнгги кунларигача сувликларнинг буттазор бўлимларида, саёзликларида озиқланишади ва кузги миграцияга тайёрланишади. Сарик қарқараларнинг кузги миграцияси август ойининг сўнгги кунларидан сентябр ойи охиригача кузатилади.

Вилоятимиз сувликларида ушбу тур баҳорги ва кузги миграциялар вақтида қарқаралар галаси таркибида аралаш ҳолда кичик сонда учрайди. Кузатишларимиз давомида ушбу тур вакиллари вилоятнинг “Шимолий коллектор”нинг Қорақир кўлига қуйилиш бўлимида 2013 йил 17 августда учратдик. Республикамизда сарик қарқаралари сонининг камайиши асосан қушнинг уя қуриш ҳавзаларида сув режимининг тез-тез ўзгартирилиб турилиши, сув ҳавзаларда қамишзор ва буттазорлар майдонининг қисқартирилиши, броконерлик

саналади. Қуш кам сонли бўлганлиги муносабати билан овлаш таъқиқланган. Уя қуриш ҳудудлари, айниқса, Судочье буюртмахонасида муҳофаза остига олинган.

7.Қошиқбурун – Кольпица – *Platalea leucorodia* (Linnaeus, 1758)



Қошиқбурун-лайлаксимонлар туркумининг ибисларлар оиласига мансуб бўлиб, Ўзбекистон орнитофаунасининг заиф, сони камайиб, тарқалиш ареали қисқариб бораётган учиб ўтувчи ва уя қурувчи турлардан саналади. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D) киритилган.

Республикамизнинг Оролбўйи, Сирдарё, Амударё ва Сурхондарё ҳавзаларида ҳамда Фарғона водийсидаги сув ҳавзаларда учиб ўтишда ва уялашда учрайди. Ўзбекистондан ташқарида Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги қатор сув ҳавзаларида учиб ўтишда ва уя қуришда кузатилади. Шунингдек, Сибирнинг жанубида, Узоқ Шарқ, Муғулистон, Хитойнинг шимоли, Ғарбий Осиё, Европа ва Шимолоий Африкада уя қуришда, Ҳиндистонда уя қуриш ва қишлашда, Хитойнинг жануби ва Марказий Африкада қишлашда учрайди.

Мазкур тур Бухоро вилоятидаги сув ҳавзаларида учиб ўтишда ва уя қуришда қайд этилади. Унинг уя қуриши илк бор 2001 йил вилоятдаги Тўдакўл сув омборининг жануби ғарбидаги қамишзорда, катта қоравойлар билан биргаликда шаклланган колонияда қайд этилди (Тўраев ва бошқ. 2003). Бугунги кунда қошиқбурунлар вилоятнинг Қорақир, Хадича, Зикри, Замонбобо кўлларида, шунингдек, Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузлари ҳудудида уя қуриши кузатилмоқда.

Қошиқбурун уяларини қамиш пояларидан ҳосил бўлган уюмларда жойлаштиради. Уялар учбурчак кўринишида бўлиб унда 3-5 тагача йирик кўнғир доғли, оқ тухумлар кўяди. Вилоятдаги ҳавзаларда қошиқбурунларнинг тухум кўйиши апрел ойининг иккинчи ярмидан (18.04.2003,16.04.2006) бошланади. Тухумлар 21-25 кун мобайнида ҳар икки жинс иштирокида босилади. Май ойининг иккинчи ярмидан бошлаб тухумлардан

жўжалар чиқади ва июн, июл ойларида жўжалар уяларни тарк этиб, сув ҳавзаларининг саёз қирғоқларида озикланиш учун тарқалишади.

Қошиқбурунлар озиқа таркибининг асосини сувда яшовчи турли умуртқасизлар, майда балиқлар ва бақалар ташкил этади. Август ойининг сўнгги кунларидан бошлаб, учиб кетишга тайёрланади ва сентябр ойида вилоятнинг айрим сувликларидагина, жумладан, Тўдакўл сув омбори, Когон балиқчилик ҳовузлари, Денгизкўл ва Зикри кўллари қирғоқларида сўнгги вакилларгина озикланишда учрайди. Куз иллик келган йилларда қошиқбурунларнинг кузги учиб кетиши октябр ойининг сўнгги кунларигача (29.10.2013) чўзилиши мумкин.

Қошиқбурунларни овлаш таъқиқланган. Республикамиздаги Судочье, Тузкон, Қорақир, Денгизкўл сувликлари ҳудудида муҳофазага олинган. СИТЕС нинг II - Иловасига киритилган.

8 . Қоравой - Каравайка – *Plegadis falcinellus* (Linnaeus, 1766)

Лайлаксимонлар туркумининг ибислар оиласига мансуб бўлган ушбу космополит тур, кам сонлилиги туфайли Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D), мақоми бўйича заиф ва сони қисқариб бораётган куш сифатида киритилган.



Адабиётлардаги маълумотларга кўра, республикамизнинг мигрант турларидан бўлган қоравойлар асосан республикамизнинг Жанубий Оролбўйи сувликларида уя қуриб кўпаяди. Аммо ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларда Оролбўйи ҳавзаларида юз берган ўзгаришлар қоравойларнинг экологиясида ҳам бир қатор ўзгаришларнинг намоён бўлишига олиб келди. 1994 йилда қоравойларнинг уя қуриш ареаллари Амударёнинг ўрта оқимигача етиб келган. Қуш уялари Қашқадарё вилоятидаги Алан кўллар тизимида қайд этилган эди (Шерназаров, 1994).

Бухоро вилоятида ушбу турнинг уя қуриши илк бор 2003 йилда Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузларидаги қамишзорда,

кейинчалик, Тўдакўл сув омборининг ғарбий бўлимидаги кўлмакдаги қамишзорларда, Хадича, Замонбобо ва Қорақир кўлларида ҳам қайд этилди (Тураев 2003,2006, 2008).

Қоравойларнинг уялари лайлаксимонлар туркумининг бошқа вакиллари кичик оқ қарқара, кўк қарқара, қошиқбурун, саман қарқара томонидан шаклланган колонияларда жойлашади. Бунда қоравойлар ўз уяларини колониянинг энг пастки ярусда қамиш, кўға уюмлари орасида сув сатҳидан 5 – 10 см баландликда жойлашганлигини кўрсатди. Уя қуриш ҳаракатлари апрел ойининг ўрталаридан бошланиб, май ойининг ўрталаригача давом этади. Уяга 4-6 та тўқ ҳаворанг тусли тухум қўйилади. Тухумлардан жўжаларнинг очиб чиқиши май ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Июн ойидан уядаги полапонлар учирма бўлишади ва июл-сентябр ойларида кузги миграцияларга тайёрланиш ҳаракатлари кузатилади. Қушларнинг озиқ таркибини сув ҳашаротлари, креветкалар ва майда балиқлар ташкил этади. Уяни тарк этган қушлар кичик галаларда тўпланиб, сув ҳавзаларнинг қирғоққа яқин саёзликларида овқатланишда бўлади. Сентябрь ойида қоравойлар вилоят сувликларини тўлиқ тарк этишади.

Қоравойларни овлаш таъқиқланган. Республикамизнинг Тузкон, Судочье, Қорақир, Денгизкўл, буюртмахоналарида муҳофазага олинган.

9. Оқ лайлак – Белый аист – *Ciconia ciconia* (Linnaeus, 1758)



Оқ лайлаклар, лайлак-симонлар туркумининг лайлаклар оиласига мансуб тур бўлиб, Ўзбекистонда унинг туркистон оқ лайлаги–*Ciconia ciconia asiatica* (Severtzov, 1873) кенжа тури учрайди. Ушбу Палеарктик тур Ўзбекистон Қизил китобига 3(NT), мақоми бўйича заифга яқин, тарқалиш ареали қисқариб бораётган қуш сифатида киритилган.

Ўзбекистон худудида туркистон оқ лайлаги йил давомида учрайди. Албатта, унинг учраш хусусияти республикамиз худуди бўйлаб мозаик кўринишни касб этади. 1980 йилларгача оқ лайлакларнинг республикамиздаги асосий учраш ва уя қуриш марказлари Хоразм, Бухоро ва Самарқанд воҳалари ҳисобланган. Кейинчалик ушбу худудларда лайлакларнинг озикланиш, уя қуриб кўпайиши учун зарурий шароитларнинг қисқариши оқибатида ушбу худудларни тўлик тарк этишди ва бугунги кунда ушбу воҳаларда улар фақат миграциялар вақтида кичик сонда учрайди.

Ҳозирги кунда оқ лайлакларнинг асосий уя қуриб кўпаядиган худудлари республикамизнинг Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида бир неча юзтаси, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятларида, бир неча ўнтаси уя қуради, кам сонда ва номунтазам равишда Самарқанд вилояти ва Сурхондарё вилояти худудида уя қуриб кўпаяди ва қишлашда қайд этилади.

Ўзбекистондан ташқарида Тожикистон, Қозоғистон, Хитойнинг ғарбида уя қуради, Эрон, Ҳиндистон, Шири-Ланкада қишлайди.

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда Ўзбекистонда лайлакларнинг 1,5 минг жуфти уя қуради, бу сон мазкур турнинг дунё популяциясининг 70-80% ни ташкил этади, мазкур миқдорнинг асосий қисми Фарғона водийси вилоятлари худудига тўғри келади. Қиш иллик келган йилларда республикамизда лайлаклар кичик сонда қишлаб қолади.

Туркистон оқ лайлагининг баҳорги миграцияси ҳаво ҳароратига қараб феврал ойининг иккинчи ярмидан март ойи давомида кузатилса (26.02.2008; 19.02.2010), кузги миграция август ойининг сўнгги ўн кунлигидан октябр ойининг охиригача (29.09.2008; 24.10.2011) давом этади. Уя қуриш муддати апрел-май ойларида тўғри келади. Оқ лайлаклар колония ҳолида уя қуришади. Уя қуриш жойидаги имкониятга қараб 1-2 тадан 112 тагача уялар бир жойда жойлашади (Намангандаги Қуштепа қишлоғи, 1995 йил). Уялар дарахтларда, миноралар, тарихий ёдгорликларнинг гумбазлари устида, электр линияларининг таянчларида жойлаштирилади. Уяларини ҳар йили янги материаллар билан қайта таъмирлаб боради ва кўп йиллар

давомида ундан фойдаланади. Баъзан кўп йиллар давомида таъмирлаб борилган уялар йириклашиб, қулайди, бунда электр тармоқларининг таянчларида жойлаштирилган уялар баъзан тармоқларда қисқа туташувларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бухоро вилоятида ўтган асрнинг 80 йилларигача уя қуриб кўпайиши қайд этилган. Вилоятда лайлақлар яшашини таъминловчи омилларнинг чекловчи даражага етиши, яъни уларга озика базасини яратувчи ботқоқлар ва кўлларнинг қуритилиши ва яшаш жойларининг экинзорларга айлантирилиши оқибатида 1982 йилдан бошлаб вилоят худудини тарк этишига олиб келганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Бугунги кунда Туркистон оқ лайлақлари Бухоро вилоятидаги Денгизкўл, Хадича кўллари ва Тўдакўл сув омборининг шарқий қисмидаги сайёзликларда баҳорги ва кузги миграцияларда кичик сонда (2-4 тагача) учрайди. Туркистон оқ лайлақи махсус кўпайтирилмайди, уни овлаш таъқиқланган.

10 . Қора лайлақ- Чёрные аист – *Ciconia nigra* (Linnaeus, 1758)



Қора лайлақ - *Ciconia nigra* (Linnaeus, 1758), лайлаксимонлар туркумининг лайлақлар оиласига мансуб тур бўлиб, мақоми бўйича заиф, табиатан камёб тур сифатида, Ўзбекистон “Қизил китоби”га 2(VU:R) киритилган, Палеарктик тур. Ўзбекистонда учраш хусусиятига кўра уя қурувчи ва учиб ўтувчи тур саналади. Ғарбий Тёншон, Ғарбий Помир-Олойда уя қуришда, республикамизнинг текисликлари ва паст тоғли худудларда учиб ўтишда қайд этилади. Ўзбекистондан ташқарида Қозоғистонда, Европа, Ғарбий Осиё, Сибир, Узоқ Шарқ, Корея, Хитойнинг шимолида уя қуради ва Африка, Ҳиндистон, Хитойнинг жанубида қишлайди.

Қора лайлақларнинг уя қуриш биотоплари, тоғ воҳаларининг денгиз сатҳидан 700-2000 метргача бўлган қоялари ҳисобланади. Республикамизнинг Шарқий ва Жанубий районларидаги тоғликлар қора лайлақларнинг асосий уя қуриш

районлари сифатида қайд этилади. Шунингдек, республикамизнинг жанубий ва марказий районларидан Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида ҳам қушнинг кўпайишда иштирок этиши кузатилади.

Адабиётларда кўпайишда иштирок этувчи лайлакларни вилоятнинг чегарадош районларида - Нурота тоғликларида ва Кармана тоғликларида учраши ҳақида маълумотлар келтирилади (Сагитов, 1987). Биз айнан ушбу тоғликнинг жанубий қисмида жойлашган Сармушсой сойликларида олиб борган кузатувларимиз давомида, фаол озикланишда бўлган 2 жуфт қора лайлакни май ойининг сўнгги кунларида мунтазам учрашини қайд этдик (17.05-28.05.2012, 12.05-21.05.2014) ва гарчи ҳудудда қуш уяларини учратмаган бўлсакда, адабиёт маълумотларига асосланиб, бу жуфтликларни ушбу тоғликда уя қуриш эҳтимоли йўқ эмас.

Ўзбекистонда қора лайлакларнинг сони доимо кам бўлган. Уя қурувчи вакиллари атиги 20 жуфтгача, учиб ўтишда эса бир неча ўнтаси қайд этилади. Уларнинг баҳорги миграцияси март ойининг сўнгги кунларидан апрел ойи давомида кузатилса, кузги миграцияси сентябр ойининг сўнгги кунларидан, октябр ойи давомида қайд этилади. Бунда улар республикамизнинг текисликларидаги сув ҳавзалари атрофида озикланади ва дам олишда бўлади. Вилоятимизда баҳорги ва кузги учиб ўтиш даврида қора лайлаклар, Тўдакўл сув омбори, Қорақир, Зикри ва Хадича кўллари, ҳамда Когон балиқчилик хўжаликларида 1-4 тагача сонда учрайди. Нисбатан хушёр қуш, бирор шарпани сезиши билан қирғоқдан бирмунча узоқлашади ва сувликларнинг оролчаларига учиб кетади. Республикамизда ушбу турни овлаш қатъиян ман этилган. Вилоят ҳудудидаги Қорақир, Денгизкўл буюртмахоналарида барча кам сонли ва нодир турлар сингари ҳимояга олинган.

11. Қизилғоз – Фламинго – *Phoenicopterus roseus* (Pallas, 1811)

Дунё орнитофаунасининг табиатан камёб, заиф Афро-Евроосиё тури бўлиб, Ўзбекистондан ташқарида Евро-Осиёнинг жанубий-ғарби, Шимолий ва Жанубий Африкада уя қуришда, Каспий денгизи жануби, Ўрта Ер денгизи, Ҳиндистон ва

Покистонда кишлашда бўлади. Ўзбекистонда учиб ўтишда ва Оролбўйи сувликларида номунтаззам уя қуришда қайд этилади. Ўзбекистон Қизил китобида 2(VU:R) ареали қисқариб бораётган тур сифатида киритилган.



Республикамизнинг шимолий районларидан Амударё ва Сирдарё сув ҳавзаларида учиб ўтишда, Орол денгизининг жанубий қирғоқларида эса катта бўлмаган сонда уя қуриб кўпайишда учратилар эди. Аммо ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, республикамизнинг шимолий районлари сувликларида, айниқса, Орол бўйи районларида юзага келган танг экологик вазиятда ушбу турнинг уя қуриш ҳаракатлари қисқариб борганлиги ва ҳатто умуман тўхтаб қолганлиги қайд этилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган оқилона сиёсат туфайли Оролбўйи районларидаги экологик вазиятни назоратга олинганлиги туфайли бугунги кунга келиб, ушбу сувликларда 1000 жуфт фламинголарни қайта уя қуришга киришганлиги кузатилмоқда.

Адабиётларда ўтган асрлар давомида фламинголарнинг вилоят сувликларида кичик сонда (2-4 тагача) учраши кўрсатилган бўлса, 2000 йиллардан бошлаб вилоятнинг Қорақир, Хадича, Зикри, Оёқ-оғитма кўллари, Когон ҳамда Бухоро балиқчилик хўжаликлари ҳовузларида баҳорги миграция даврида юзга яқин сонда фламинголар учраши кузатилмоқда. Ҳатто 2012 йилда мазкур турнинг ёш ва кўпайишда иштирок этмайдиган 126 та фламинголарнинг, ёз мавсуми давомида Оёқ-оғитма кўлида озиқланишда қолганлигининг гувоҳи бўлдик (19.06.2012). Қизилғозлар асосан сув ўсимликлари ва умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади. Келгусида вилоят сувликларида ушбу нодир турни муҳофазасига доир тадбирлар режасини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда ушбу турни овлаш таъқиқланган. Республикамиздаги Судочье буюртмахонасида муҳофазага олинган. СИТЕСнинг II –Иловасига киритилган.

12. Оқ пешонали кичик ғоз – Гусь-пискулька–*Anser erythropus*-(Linnaeus, 1758)

Ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар оиласига мансуб тур. Мақоми бўйича заиф, табиатан камёб, Ўзбекистон Қизил китобига 2 (VU:R) ҳамда ТМХИ нинг Қизил рўйхатига (VU) киритилган.



Ўзбекистонда учраш хусусияти бўйича учиб ўтувчи ва қишлоғчи тур саналади. Республикамиз худудида кенг тарқалган бўлсада, кам сонда учрайди. Оқ пешонали кичик ғознинг Амударё ва Сирдарё ҳавзалари, Жанубий Оролбўйи сув ҳавзалари, Денгизкўл, Айдаркўл, Чордара ва Сурхор сув омборларида учиб ўтиш ва қишлоғда учрайди. Республикамиздан ташқарида Евроосиёнинг шимолидаги тундра зонасида уя қуриб кўпайишда, Россия, Қозоғистон ва Туркманистон сув ҳавзаларида учиб ўтишда ва қишлоғда учрайди. Вилоятнинг Тўдакўл, Хадича, Замонбобо, Денгизкўл, Қорақир, Зикри кўллари ва Шўркўл сув омбори атрофида баҳорги ва кузги миграцияларда 2-4 тагача оқ пешонали кичик ғозлар, кулранг ғозлар галасида учрайди. Ғозларнинг баҳорги учиб ўтиши феврал-апрел ойида, кузги учиб ўтиши эса октябр ойида кузатилади. Қушлар сув ҳавзалари ва унинг атрофидаги қирғоқбўйи ўсимликлари билан озиқланади.

Республикамизда қушни овлаш тақиқланган. Республикамизнинг Тузкон, Судочье, Қорақир ва Денгизкўл буюртмахоналарида муҳофаза қилинади.

13. Вишилдоқ оққуш, оққул –Лебедь-шипун – *Cygnus olor* (Gmelin, 1789)

Ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар оиласининг вакили. Ўзбекистон Қизил китобига, мақоми бўйича заифга яқин 3(NT) тур сифатида киритилган. Ушбу шимолий Палеарктика турининг дунё бўйича тарқалиш ареали нисбатан тор. Ўрта Осиёдан ташқарида Евроосиёнинг шимолида учрайди.



Республикаимиз сувликларида оққушлар учиб ўтувчи, уя қурувчи ва қишлоғчи тур саналади.

Республикаимизда ўтган асрнинг сўнги ўн йилликларига қадар қушнинг уя қуриб кўпайиш худудлари

сифатида Қуйи Амударё сув ҳавзалари ва Орол денгизининг жанубий соҳиллари кўрсатилган бўлса, Қизилқум сувликлари бўйлаб учиб ўтиш ва қишлоғда қайд этилади деб кўрсатилар эди. Оролбўйи районларида кузатилган экологик ўзгаришлар туфайли бир барча сув ва суволди турлар қатори оққушларнинг тарқалиш ареали ва уларнинг учраш хусусиятларида ҳам ўзгаришлар кузатилди. Бугунги кунда ушбу турнинг республикаимиз сувликларида тарқалиш ареали бирмунча кенгайганлиги қайд этилмоқда. Жумладан, адабиёт манбаларида яқин йилларга қадар оққушларнинг Бухоро вилояти сувликларида учиб ўтувчи ва баъзан қишлоғ қолувчи тур сифатида кўрсатилар эди (Сагитов,1989). Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз давомида мазкур турнинг вилоятдаги сув ҳавзаларида йил давомида мунтазам учрашини ва 2000-2002 йиллардан бошлаб, тур вакилларининг кўпайишда иштироки ҳам кузатила бошланди. Бугунги кунда оққушларнинг уя қуриб кўпайиши вилоятнинг Тўдакўл сув омбори, Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузлари, Қорақир, Оёқоғитма, Хадича ва Зикри кўлларида қайд этилмоқда (Тўраев, 2003; Тўраев, 2008, 2012). Уялар сув ҳавзаларидаги экологик шароитларга боғлиқ ҳолда, Тўдакўл сув омбори ва Когон балиқчилик хўжалигида қамиш уюмларида, Қорақир кўлида қалин қамишзор оролларида ерда, Хадича кўлида қамишсиз очиқ қумли оролчаларда жойлаштирилганлиги кузатилди. Оққушларнинг кўпайиш муддати апрел-май ойларида кузатилиб, бунда уяларда 3-9 тагача йирик оқ рангли тухумлар қўйилади. Инкубация даври 35 кунни ташкил этади. Август ойидан бошлаб полапонлар уялардан учиб чиқади. Қушнинг кузги миграцияси октябр ойида

кузатилади, ноябр ойидан февралгача қишлаш учун танлаган сувликларида тўпланади. Окқушларнинг қишловчи вакиллари вилоятнинг Қуйимозор ва Тўдакўл сув омборларида, Оёқоғитма, Хадича, Девхона, Денгизкўл ва Қорақир кўлларида қайд этилади. Окқушлар одатда чучук ва шўр сувли ҳавзаларда гидрофил турлар билан бирга гала ҳосил қилиб яшайди. Озиқа таркибини сув ўсимликларининг вегетатив ва генератив қисмлари ҳамда сув ҳашаротлари ташкил этади. Ўзбекистонда бу қушни овлаш таъқиқланган. Судочье, Тузкон, Қорақир ва Денгизкўлда муҳофазага олинган.

14. Қийқирдоқ окқуш – Лебедь кликун – *Cygnus cygnus* (Linnaeus, 1758)

Қийқирдоқ окқуш-ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар оиласига мансуб тур. Мақоми бўйича заиф, камёб, Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:R) киритилган, шимолий Палеарктика тури.



Ўзбекистонда учраш хусусияти бўйича учиб ўтувчи

ва қишловчи тур саналади. Текисликдаги сув ҳавзалари ва Орол денгизининг жанубий қисмида учиб ўтишда, Жанубий Сурхон сув омбори, Тузкон ва Айдар кўлларида қишлашда учрайди. Ўзбекистондан ташқарида Евросиёнинг шимолида уя қуради, Ўрта ер денгизи, Қора денгиз ва Каспий денгизларининг ҳавзаларида, Ўрта Осиё, Ғарбий Осиё, Узоқ Шарқ ҳамда Хитойда қишлайди.

Бухоро вилоятидаги сув ҳавзаларида асосан баҳорги ва кузги миграциялар даврида, баъзан қиш илиқ келган йилларда кам сонда қишлашда учрайди. Баҳорги ва кузги миграциялари Денгизкўл, Оёқ-оғитма кўлларида ва Тўдакўл сув омборларида кичик сонда қайд этилади. Баҳорги миграцияси феврал-апрел ойларида кузатилса, кузги миграцияси октябр, ноябр ойларида амалга ошади. Қишлаш муддати декабр, феврал ойларига тўғри келади. Бу даврда улар йирик сув ҳавзаларнинг ўсимликлар ғуж бўлиб ўсган жойларини хуш кўради. Қийқирдоқ окқушлар сув ҳавзаларида сув ўтлари ва сув умуртқасизлари билан озиқланади.

Овлаш таъқиқланган. Судочье, Қорақир, Тузкон, Денгизкўл сув ҳавзаларида ташкил этилган буюртмахоналарда муҳофазага олинган.

15. Қизилтомоқ ғоз – Краснозобая казарка- *Rufibrenta ruficollis* (Pallas, 1769)



Ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар оиласига мансуб тур. Мақоми бўйича заиф, табиатан камёб, Ўзбекистон Қизил китобига 2 (EN) ҳамда ТМХИ нинг Қизил рўйхатига (EN) киритилган, шарқий Палеарктика тури.

Ўзбекистонда учиб ўтиш ва қишлашда кам сонда учрайди. Қорақир, Айдаркўл, Тузкон, Денгизкўл, Чордара, Оқтепа сув омбори, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари, Жанубий Оролбўйи сув ҳавзаларида учиб ўтишда ва баъзан қишлашда кам сонда учрайди.

Ўзбекистондан ташқарида Шимолий Сибирнинг тундра зонасида уя қуради, Каспий денгизининг жанубида, Эрон ва Ироқда қишлайди, Қозоғистон ва Туркманистонда учиб ўтишда учрайди.

Бухоро вилоятида Оёқ-оғитма, Замонбобо, Денгизкўл, Қорақир, Зикри кўллари ва Зарафшон сув омбори атрофларида кулранг ғозлар галасида учраши қайд этилган. Қизилтомоқ ғозларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрел ойларида, кузги учиб ўтиши октябр ойида кузатилади. Декабрь-феврал ойларида қишлашда бўлади. Қушлар сув ҳавзаларидаги ва унинг атрофидаги қирғоқбўйи ўсимликлари билан озиқланади.

Қушларни овлаш тақиқланган. Республикамининг Денгизкўл, Қорақир, Тузкон буюртмахоналарида муҳофаза қилинади. СИТЕС нинг II -Иловасига киритилган.

16. Мармар чуррак – Мраморный чирок– *Marmaronetta angustirostris* (Menetries, 1832)

Ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар оиласига мансуб тур. Мақоми бўйича йўқ бўлиб кетаётган, Ўзбекистон Қизил китобига 1(EN) ҳамда ТМХИ нинг Қизил рўйхатига (VU) киритилган, жанубий ғарбий Палеарктика тури.

Ўзбекистонда учиб ўтиш, уя қуриш ва қишлашда кам сонда учрайди. Мармар чурраклар Амударё ҳавзасининг Термиздан Ургенчгача бўлган қисмида ва Зарафшон дарёси воҳасидаги ҳавзаларда кам сонда уя қуришда, Денгизкўлда қишлашда қайд этилади.



Ўзбекистондан ташқарида Қозоғистон, Туркманистон, Озарбайжонда уя қуришда, Испания, Шимолий Африка ва Ғарбий Осиёда уя қуриш ва қишлашда, Ҳиндистон ва Покистонда қишлашда кузатилади. Республикамиздаги сув ҳавзаларининг гидрологик режимидаги ўзгаришлар натижасида мазкур турнинг учраш хусусиятларида тебранишлар ва номунтазамликлар кузатилади. Бухоро вилоятининг Тўдакўл сув омбори, Қорақир, Денгизкўл, Хадича кўлларида баҳорги ва кузги миграциялар даврида ўнлаб мармар чурраклар рўйхатга олинган. Мазкур турнинг уя қуриши “Жайрон” экологик марказида қайд этилган (Мухина, 1989). Мармар чурракларнинг вилоятда баҳорги учиб ўтиш ҳаракатлари феврал, март ойларида, кузги миграцияси эса, октябр ойида кузатилади. Май ойида кўпгина гидрофил қушлар қатори уя қуриш ҳаракатлари бошланади. Уялари қамишзорларда ерга қурилади ва уяларда 9-15 тагача тухум қўйилади. Қуш тухумларини 25-27 кун мобайнида босиб ётади. Ўрдаклар сув ўтлари ва сувдаги умуртқасизлар билан озиқланади. Мармар ўрдаклар Европанинг бир қатор парваришхоналарида ва ҳайвонот боғларида кўпайтирилмоқда. Қушларни овлаш тақиқланган. Вилоятимизнинг Денгизкўл буюртмаҳонасида муҳофаза қилинади.

17. Олақанот ўрдак – Белоглазый нырок – *Aythya nyroca* (Guelden, 1770)

Ҳозирда туркумининг ўрдаклар оиласига мансуб тур. Мақоми бўйича заифга яқин, Ўзбекистон Қизил китобига 3(EN), ҳамда ТМХИ нинг Қизил рўйхатига (EN) киритилган, жанубий Палеарктика тури. Ўзбекистон орнитофаунасининг кам сонли турларидан бири бўлган олақанот ўрдаклар Амударё, Сирдарё

ва Зарафшон дарёларининг сув ҳавзаларида учиб ўтишда, уя куришда ва кишлашда қайд этилади.



Ўзбекистондан ташқарида эса Шарқий Европанинг жануби, Сибирнинг жануби, Хитойнинг Синжон вилоятида ва Муғулистонда уя куришда, Ғарбий Европанинг жануби, Шимолий Африка мамлакатлари, Эрон, Покистон ва Ҳиндистондаги сув ҳавзаларда кишлашда қайд этилади.

Бухоро вилоятидаги Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборлари, Денгизкўл, Қорақир, Замонбобо, Хадича, Зикри кўлларида ва Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузларида худудида учиб ўтишда, кичик сонда кишлашда ва уя куришда қайд этилади. Мазкур турнинг баҳорги миграцияси феврал ойидан март ойининг биринчи ўн кунлигига қадар давом этади. Апрель-май ойларида сув ҳавзалардаги камишли оролчаларда ерга уя куриб, 6-12 тагача тухум қўяди. Тухумларни босиш давомийлиги 24-25 кун. Полопонлари август ойининг ўрталаридан бошлаб уча бошлайди. Ўрдақларнинг кузги учиб ўтиш ҳаракатлари сентябр-октябр ойларида кузатилса, ноябрдан-феврал ойларида кишлашда иштирок этади. Олақанот ўрдақлар сув ҳавзалардаги сув ўсимликлари ва сув ҳашаротлари билан озикланишади. Олақанот ўрдақлар ҳозирги кунда Европада парваришхоналарда ва ҳайвонот боғларида кўпайтирилмоқда. Республикамизнинг Тузкон ва Судочье кўлларида, вилоятимиздаги Қорақир ва Денгизкўл буюртмахоналарида муҳофаза қилинади.

18. Оқбош ўрдак – Савка – *Oxyura leucoserphala* (Scopoli, 1769)

Оқбош ўрдак ғозсимонлар турку-мининг ўрдақлар оиласига мансуб кам сонда учровчи турларидан бири. Мақоми бўйича йўқ бўлиб кетаётган, жануби-ғарбий Палеарктика тур бўлиб, Ўзбекистон Қизил китобига 1(EN) ҳамда ТМХИнинг Қизил рўйхатига (EN) ки-ритилган. Республикамиздаги Жанубий Оролбўйи сувликларида, Зарафшон дарёсининг қуйи оқими

сувликларида баъзан қишлашда ва уя қуришда, Марказий Қизилқум, Хоразм воҳаси ва Мирзачўл сувликларида учиб ўтишда қайд этилади. Ўзбекистондан ташқарида Ғарбий Сибирнинг жануби, Қозоғистон, Волга дарёсининг қуйи оқими, Туркманистон, Туркия, Покистон



сувликларида уя қуради, Жанубий Европа, Шимолий Африка, Озарбайжон, Эрон, Покистон, Ҳиндистонда қишлайди.

Оқбош ўрдаклар 1930 йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон сувликларида 30 мингдан кўпроқ сонда учратилган бўлса, ҳозирги вақтда 2 мингга яқин ўрдак ушбу ҳудудда уя қуради ва бу сон турнинг дунё популяциясининг 20% ни ташкил этади. Шунингдек, учиб ўтишда ва қишлашда бўлган ўрдаклар сони 5 мингдан ортади.

Республикамизда 2000 йиллардан бошлаб мазкур турнинг Судочье кўлида уя қуриши кузатилган бўлса (Мухина, Лановенко, 1995), биз 24.05.2004 да Тўдакўл сув омбори ёнидаги кичик кўлмақда оқбош ўрдакнинг жўжаларни эргаштириб юрган 2 та оиласини учратдик (Тураев, 2006). Бу оқбош ўрдакларнинг вилоят сувликларида уя қуриши ҳақидаги илк маълумот. Шунингдек, 2003 йилда, кейинчалик 2016 йилларда оқбош ўрдакларнинг Бухоро вилоятидаги Денгизкўл, Зикри, Хадича, Тўдакўл ва Оёқ-оғитма кўллари ҳавзаларида катта сонда (500-7000 тагача) миграцияда бўлганлиги ва баъзан қишлаб қолиши кузатилди.

Овлаш таъқиқланган. Республикамининг Судочье, Тузкон ҳавзаларида Бухоро вилоятидаги Денгизкўл, Тўдакўл ва Қорақир кўлларида муҳофаза этилади.

19. Сувқийғир–Скопа – *Pandion haliaetus haliaetus* (Linnaeus, 1758)

Сувқийғир лочинсимонлар туркумининг сувқийғирлар оиласига мансуб, космополит тур. Мақоми бўйича заиф, камёб, Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:R) киритилган. Республикамиз орнитофаунасида табиатан кам сонли бўлган

ушбу тур, кузги ва баҳорги миграциялар давомида сув ҳавзалари бўйлаб кенг тарқалади ва шу даврда уни республикамизнинг деярли барча сувликларида учратиш мумкин.



Ўзбекистонда Хоразм вилоятида уя қуришда, деярли қолган барча ҳудудларда учиб ўтишда қайд этилади. Ўзбекистондан ташқарида Европа, Осиё (шимолдан ташқари), Африка шимолида уялашда, Осиё жануби ва Африкада

қишлашда қайд этилади. Бухоро вилоятида ушбу ихтиофаг тур киш илиқ келган йилларда барча сув ҳавзаларида учрайди. Кузги миграциясидан (август ойининг сўнги кунларидан) бошлаб, баҳорги миграциясининг сўнги кунларига қадар (май ойининг охиригача) балиқ захирасига бой бўлган Қорақир, Замонбобо, Денгизкўл, Зикри, Хадича, Оёқоғитма кўлларида, Тўдакўл, Қуйимозор, Шўркўл сув омборлари ҳамда Когон ва Бухоро балиқчилик хўжаликлари ҳудудида 1-3 тагача сонда доимий учрайди. Амударёнинг қуйи оқими сувликлари яқинида кам сонда ва номунтазам уя қуриши кузатилади. Овлаш таъқиқланган. Судочье, Тузкон ҳавзаларида, Бухоро вилоятида Денгизкўл, Тўдакўл ва Қорақир сув ҳавзаларида муҳофаза этилади.

20. Узун думли сув бургут –Орлан-долгохвост–*Haliaeetus leucoryphus* (Pallas, 1771)



Узундумли сув бургут лочинсимонлар туркумининг қарчиғайлар оиласига мансуб тур бўлиб, мақоми бўйича йўқ бўлиб кетаётган, Ўзбекистон Қизил китобига 1(EN) ва ТМХИ Қизил рўйхатига (VU) киритилган. Ўзбекистон фаунасининг учиб ўтувчи ва

қишловчи турларидан бири. Жанубий Оролбўйида учиб ўтишда, Амударё ҳавзасининг Термиздан Урганчгача бўлган ҳудудларида

учиб ўтиш ва қишлашда, Қизилқум чўлида учиб ўтишда учрайди. Унинг республикамизда уя қуришига доир айрим тахминлар ҳозиргача тасдиқланмаган. Ўзбекистондан ташқарида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Сибирнинг жануби, Мўғулистон ва Хитойда уя қуришда, Покистон ва Ҳиндистонда уя қуришда ва қишлашда, Туркманистон ва Ғарбий Осиёда қишлашда учрайди. 1960 йилларда бир неча ўн донаси учраган, ҳозирги вақтда жуда кичик сонда, асосан учиб ўтувчи ва қишлоғчи вакиллари учрайди. Баҳорги учиб ўтиши март-май, кузги учиб ўтиши сентябр-октябр, қишлаши ноябр-феврал ойларига тўғри келади. Сув қушлари, балиқлар ва кемирувчилар билан озиқланади. Сонининг камайишига сабаб бўлувчи асосий омиллар бу,- Орол денгизидаги сув режимининг ўзгариши натижасида яшаш жойларининг йўқотилиши ва броконьерлик фаолиятларидир. Махсус кўпайтириш жорий этилмаган. Яшаш жойларини текисликлардаги йирик сув ҳавзалари ва дарё қайирларидаги тўқайзорлар ташкил этади.

Бухоро вилоятидаги сув ҳавзаларидан Қуйимозор, Тўдакўл сув омборлари, Зикри, Қорақир, Хадича, Замонбобо, Денгизкўл кўллари атрофида кузги миграция вақтида қайд этилади. Қиш илиқ келган йилларда вилоятнинг йирик ҳавзалари (Тўдакўл, Қуйимозор сув омборлари, Зикри, Хадича, Денгизкўл кўллари) теварагида оқ думли сув бургутлар билан биргаликда 1-2 тагача қуш қайд этилган.

Сони камлиги сабабли балиқчилик хўжаликларига зарар етказмайди. Келажақда мазкур турнинг тарқалиш ареалларида муҳофазасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Овлаш таъқиқланган. СИТЕСнинг II- Иловасига киритилган.

21. Оқдумли сув бургут–Орланбелохвост–*Haliaeetus albicilla* (Linnaeus, 1758)

Оқдумли сув бургут лочинсимонлар туркумининг қарчиғайлар оиласига мансуб тур бўлиб, мақоми бўйича заиф, табиатан камёб, Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:R) ва ТМХИ Қизил рўйхатига (LR-NT) киритилган. Ўзбекистонда оқдумли сув бургутнинг *Haliaeetus albicilla albicilla* (Linnaeus, 1758) кенжа тури учрайди. Вазни 3,7-6,5 кг. Ўзбекистонда Жанубий Оролбўйида уя қуришда, баланд тоғлар ва Фарғона водийсидан




ташқари деярли барча ҳудудларда учиб ўтиш ва қишлашда учрайди. Ўзбекистондан ташқарида Шимолий ЕвроОсиёда уя қуриши, Шарқий Европа, Ғарбий, Ўрта ва Жануби-шарқий Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Корея, Японияда қишлашда учрайди. Яшаш жойлари сифатида текислик ва тоғ этакларидаги йирик сув ҳавзаларини танлайди. Ўзбекистонда сони доимо кам бўлган. Якка ҳолда, жуфт ва гуруҳ бўлиб учиб ўтади. Кам сонда ва номунтазам уя қуради. Баҳорги учиб ўтиши феврал-март ойларига тўғри келади. Қояларда қурган уясига март-апрелда 1-3 та тухум қўяди. Тухум босиш давомийлиги 35-40 кун. Полапонлари июн-июлда учирма бўлади. Кузги миграцияси сентябр-октябр ойларига, қишлаши ноябр-феврал ойларига тўғри келади. Сув қушлари, балиқлар ва баъзан ўлаксалар билан озиқланади. Яшашни чекловчи омиллардан бири бу Орол денгизи сув режимининг ўзгариши натижасида яшаш жойларининг йўқотилиши ва броконьерлик. Дунё ҳайвонот боғларида кўпайтирилади. Адабиёт маълумотларига кўра, Бухоро вилоятида оқ думли сувбургутларининг сони жуда кам ва улар Олот туманида, Газли яқинида, Учқудукнинг жанубидаги ҳавзаларда, Кўкча совхози ҳудудида сентябр ойининг охирларидан март ойининг ўрталаригача кам сонда учрайди (Бақоев, 2003). Озиқа таркибини асосан балиқлардан зоғора, кумуштовон, оқ сла, қушлардан қашқалдоқ, ғоз, ўрдаклар, кўтонлар, қарғалар, кемирувчилар, типратиканлар ва қуёнлар ташкил этади.

Ушбу тур вилоятдаги йирик сув ҳавзаларидан Зикри, Хадича, Қорақир кўлларида, Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларида кузги миграция даврида ва қишлашда учрайди.

Овлаш таъқиқланган. Судочье, Тузкон, Денгизкўл, Қорақир кўллари буюртмахоналарида муҳофазага олинган. СИТЕСнинг I-Иловасига киритилган.

22. Болтаютар - Бородач – *Gypaetus barbatus* (Linnaeus, 1758)

Табиатан кам сонли, локал тарқалган турлардан. Болтаютар асосан тоғли биотопларнинг ўрта ва юқори бўлимларида, денгиз сатҳидан 1000–4300 метргача бўлган қояларда уялашда учрайди.



Бу тур республикамизнинг баланд тоғли районларида Ғарбий Тёншон, Ғарбий Помир-Олой тизмалари ва унинг турли кичик тоғларида Кўхитанг, Боботоғ, Ҳисор, Зарафшон, Туркистон, Нурота, Чотқол, Қурама, Пском, Угом тоғларида уялашда учраса, кўчиб ўтиш даврида текисликларда, тоғолди районларда қайд этилади.

Вилоят ҳудудида баҳорги ва кузги миграциялар вақтида кичик сонда учрайди. Қушнинг уя қуриш муддати декабр ойидан- феврал ойига қадар бўлган муддатни ўз ичига олади. Уяларини қоя ковакларида жойлаштириб унда 1-2 тагача тухум қўяди. Бу тур ҳам тухумларини жуда узок вақт, 55-60 кун давомида босиб ётади, жўжалари май – июн ойларида учирма бўлади. Қушнинг озиқаси асосан ўлаксалар, кемирувчилар ва майда қушлардан иборат бўлади. Қиш фаслидаги номунтаззам ҳарорат ва қўйилган тухумлар сонининг камлиги, биотопда озиқ манбааларининг камлиги ва антропоген таъсирлар туфайли турнинг сони сўнгги йилларда камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бугунги кунда бир қатор мамлакатлардаги ҳайвонот боғларида ушбу турни кўпайтиришга эътибор қаратилган. Шунингдек, ушбу турнинг уя қуриши қайд этилган қўриқхоналарда муҳофазага олинган.

СИТЕСнинг II -Иловасига киритилган. Овлаш қатиян ман этилган.

23. Оқбош қумой- Белоголовый сип –*Gyps fulvus* *Nablizl.* 1783

Республикамиз фаунасининг нотекис, мозаик тарқалган, кам сонли турларидан бир бўлиб, Ўзбекистон “Қизил китоби”га 3(NT) заифга яқин тур сифатида киритилган. Республикамиз



худудида тоғ этакларида, тоғ тизмаларининг ўрта баландликдаги денгиз сатҳидан 700 – 2500 м. бўлимларида уя қуриб кўпаяди. Адабиётларда оқбош кумойларнинг уя қуриш ҳаракатлари республикамизнинг Нурота, Оқтов, Туркистон, Чотқол ва Ҳисор тоғларида учраши қайд этилади. Кўчиб ўтишда эса

респуб-ликаимизнинг деярли барча тоғ ва тоғолди районларида ва текисликларда учрайди. Қуш ўз уяларини душмандан ҳимояланган тоғларининг тик қояларида жойлаштиради ва уяларга феврал март ойлари мобайнида қўйилган 1 дона тухумни 52-53 кун давомида босиб ётади. Июл, август ойларида жўжалари учирма бўлади. Шу вақт мобайнида полопонлар ота-она қуш томонидан турли ўласка озиқ қолдиқлари билан озиқлантирилади.

Юқорида қайд этилгани сингари ушбу турнинг сони ҳам фаунамизда камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бунга сабаб, қушнинг кам сонда тухум қўйиши, тухум қўйиш муддатининг эрта бошланиши, озиқ манбааларининг камайиб бораётганлиги ва броконьяерлик ҳаракатлари деб қаралади.

Бухоро вилояти шароитида оқбош кумойларнинг асосий учраш жойи вилоятнинг шимолий чегарасида жойлашган Қулжуктау тоғ қолдиқлари тевараги ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда қушни овлаш қатъиян ман этилган. Тоғ кўрикхоналарида ва миллий боғларда муҳофазага олинган.

Ушбу тур ҳам СИТЕСнинг II - Иловасига киритилган.

24. Тасқара-Черный гриф – *Aegypius monachus* (Linnaeus, 1766)

Тасқаралар лочинсимонлар туркуми, қарчиғайлар оиласига кирувчи тур бўлиб, Ўзбекистон “Қизил китоби”га ўзининг мақоми бўйича 3(NT) заифга яқин тур сифатида, ТМХИнинг Қизил рўйхатига (NT) киритилган. Ушбу тур республикамиз тоғ ва тоғолди районларида, Ғарбий Тёншон, Ғарбий Помир-Олой

тоғликларида, Хисор тоғликлари, Бойсунтов, Нурота, Бўкантов, Томдитов қолдиқ тоғларида баҳорги ва кузги миграциялар вақтида мунтаззам учрайди ва баъзи манбааларда қайд этилишича кичик сонда уя қуриш ҳаракатлари ҳам кузатилади. Тасқаралар баҳорги ва кузги



миграциялар вақтида вилоятимизнинг шимолий районлардаги тоғ қолдиқларида қайд этилади. Қуш ўз уяларини тоғ қояларида, ёки қоялардаги дарахт буталарида январ ойининг сўнгги кунларидан уя қуриш ҳаракатларини бошлайди ва февралдан-апрел ойигача бўлган вақт мобайнида 1 дона тухум қўяди. Тухумни салкам икки ой (54-56 кун) босиб ётади. Қушнинг кам сонда тухум қўйиши, озиқ манбааларининг камайиб бораётганлиги, баъзан ҳаво ҳароратидаги кескин тебранишлар ва броконьерлик фаолиятлари туфайли тасқараларнинг сони дунё бўйича камайиб бораётганлиги қайд этилмоқда. Бугунги кунда бир қатор мамалакатлардаги ҳайвонот боғларида тасқараларнинг кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ушбу турнинг уя қуриши қайд этилган қўриқхоналарда муҳофазага олинган. СИТЕСнинг II -Иловасига киритилган. Қушни овлаш қатиян ман этилган.

25. Илонхўр бургут –Змеяяд – *Circaetus gallicus* (Gmelin, 1788)

Илонхўр бургут лочинсимонлар туркумининг қарчиғайлар оиласига мансуб тур бўлиб, мақоми бўйича заиф ва сони қисқариб бораётган тур сифатида, Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:R) киритилган. Ўзбекистонда илонхўр бургутнинг Туркистон кенжа тури (*Circaetus gallicus heptneri* (Dementiev, 1932) учрайди. Ушбу



тур Ўзбекистон фаунасининг уя қурувчи, мигрант турларидан саналади. Республикамиз-нинг деярли ҳамма жойида (баланд тоғлар ва ҳайдаладиган ерлар бундан мустасно) тарқалган.

Ўзбекистондан ташқарида Ўрта Осиё, Қозоғистон, Мўғулистонда уя қуради, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда қишлайди. Қушнинг асосий яшаш битопларига қумлоқ чўллар, тўқайзорлар, қолдиқ тоғлар, чўллашган тоғолди районларида, тоғларнинг денгиз сатҳидан 2500 м.гача баландликда бўлган ўрта минтақалари киради. Республикамиз ҳудудида 1970 йилларда 20 тага яқин жуфтнинг уя қуриши, 50 тага яқин алоҳида вакиллари учраши қайд этилган. Айти пайтда уларнинг сони кескин қисқарган. Баҳорги учиб ўтиши март-апрел, кузги миграцияси сентябр-октябр ойларида кузатилади. Дарахтлар, буталар, жарликлар ва қояларда уя қуради. Апрель-май ойларида уяларида 1-2 дон тухум қўяди ва тухумларини 35-47 кун босиб ётади. Полапонлари август-сентябрдан учирма бўлади.

Илонхўр бургут вилоятнинг чўл зонасида Ауминзатау ва Қулжуктау тоғлари оралиғида уя қуриши аниқланган. Бухоро вилояти шароитида илон бургутларнинг озик таркибини ўқ илон, чипор илон, қум бўғма илончаси ва дашт агамаси каби судралиб юривчилар ташкил этиши аниқланган. Кейинги 30 йилда бутун Ўзбекистонда, жумладан, вилоят ҳудудида яйлов ва чўлларнинг кенг ўзлаштирилиши ҳамда қушнинг серпуштлигини паст бўлиши ушбу тур сонининг кескин камайишига олиб келди. Келажакда илонхўр бургутнинг тарқалиши, биологияси ва экологиясини чуқур ўрганиш, уя қуриш жойларини аниқлаш ва уларни муҳофазасига доир тадбирларни янада кучайтириш зарур. Ушбу турни махсус кўпайтириш йўлга қўйилмаган. Овлаш таъқиқланган, қўриқхона ва миллий боғларда муҳофазаланади. СИТЕС нинг II -Иловасига киритилган.

26. Чўл бўктаргиси- Степной лунь –*Circus macrourus* G.Gmelin, 1771

Чўл бўктаргиси лочинсимонлар туркумининг вакили бўлиб, бугунги кунда нафақат республикамиз фаунасида балки бутун тарқалиш ареалида сони камайиб бораётган турлардан саналади. Шу муносабат билан ушбу тур бугунги кунда Ўзбекистон “Қизил

китоби”га ва ТМХИ нинг Қизил рўйхатига 3(NT) заифга яқин қуш сифатида рўйхатга олинган.

Қуш Ўзбекистонинг Қизилқум чўлида, Амударё, Зарафшон, Сурхондарё ва Сирдарё воҳаларидаги текисликларда учратилса, республикамиздан ташқарида Кавказ, Шарқий Европа, Қозоқистон, Ғарбий Сибир, Кавказ, Кавказорти, Шимолий



Эронда уялашда, Африка мамлакатларида, Ироқ, Ҳиндистон, Покистон мамлакатларида қишлашда учрайди. Республикамизда мигрант тур, унинг миграция муддати кўпчилик мигрантларнинг учиб ўтиш даврига мос кузатилади. Баҳорги миграцияси март-апрел ойларига ва кузги миграцияси август – октябр ойларига тўғри келади. Қиш иллик келган йиллар вилоят сувликлари яқинида, далаларда, кичик сонда учрайди.

Республикамизда чўл бўктаргисининг сони сўнгги 30-40 йилликда кескин камайиб кетди. Бундай ўзгаришнинг бош омили бу республикада кўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ. Қушнинг асосий озиқ спектрини далалардаги кемирувчилар, судралиб юрувчилар ва майда қушлар ташкил қилади. СИТЕСнинг II -Иловасига киритилган. Овлаш тақиқланган.

27. Чўл бургути–Степной орел–*Aquila rapax* (Temminck, 1828)

Чўл бургути лочинсимонлар туркумининг қарчиғайлар оиласига мансуб тур бўлиб, мақоми бўйича, заифга яқин тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига 3(NT) киритилган. Вазни 2,7-4,3 кг. Ўзбекистонда Устюрт платосида уя қуриш, учиб ўтишда,



текисликлар ва паст тоғлик ҳудудларда учиб ўтиш ва қишлашда қайд этилади. Ўзбекистондан ташқарида Ғарбий Қозоғистон, Россиянинг Европа қисмини жануби, Марказий ва Шарқий

Қозғиғистон ҳамда Ғарбий Сибирнинг жануби, Хитой, Мўғулистон, Ўрта Осиё, Ғарбий ва Жануби-шарқий Осиё, Шарқий Африка, Ҳиндистонда учрайди.

Якка ҳолда ва кичик гуруҳ ҳолида (2-3), баъзан йирик гала ҳолида (100 га яқин) сонда учиб ўтади. Номунтазам равишда қишлайди. Баҳорги учиб ўтиши март-апрель, кузгиси миграцияси октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади. Декабрь-февраль ойларида қишлайди.

Апрель ойида ерда қўйилган уясида 1-3та тухум қўяди ва 45 кун давомида босиб ётади. Полапонлари июлда учирма бўлади. Озиқа таркибини кемирувчилар ва ўлаксалар ташкил этади. Сонинг камайишига қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши ва электр ўтказгичлар билан тўқнашувлар сабаб бўлмокда. Дунёнинг кўплаб ҳайвонот боғларида кўпайтирилади.

Марказий Қизилқумда чўл бургутини баҳор фаслида мартнинг биринчи ярмидан бошлаб учратиш мумкин. Қуш Бухоро вилояти учун ўткинчи, қисман қишлоғчи тур саналади. Масалан, адабиётларда 1978 йили Конимех, Зарафшон шаҳри йўналиши бўйлаб олиб борилган кузатувлар давомида кунига 15 та чўл бургути қайд этилганлиги, ёки Газли ва Учқудук шаҳарлари яқинида ҳам бир неча чўл бургутлари шу даврда рўйхатга олинганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Юқорида таъкидланганидек вилоят ҳудудида чўл бургутларининг кузги миграцияда ва баъзан қишлашда ҳам учрайди. Ушбу нодир қушни муҳофа қилиш муҳим аҳамиятга эга ва бу борада жойларда аҳоли кенг қатлами орасида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бориш зарур. Овлаш таъқиқланган, СИТЕСнинг II - Иловасига киритилган.

28. Дашт катта бургути-Большой подорлик - *Aquila clanga Pallas, 1811*

Дашт катта бургути республикамиз нинг кам сонли учиб ўтувчи турлардан бири бўлиб, заиф, табиатан камёб тур мақоми билан 2(VU:R) Ўзбекистон “Қизил китоби”га ҳамда, ареали қисқариб бораётган тур сифатида ТМХИнинг (VU) Қизил рўйхатига киритилган. Қуш республикамизнинг тоғ, тоғолди районлари ва текисликларида учиб ўтишда учрайди. Республикамиздан ташқарида Евроосиёнинг шарқий

йўналишида Европадан бошлаб Приморьегача бўлган масофадаги ўрмонзорларда уя қуриб кўпайишда иштирок этади. Ғарбий ва Жанубий Осиёда қишлайди.

Бухоро вилояти ҳудудида учиб ўтишда учрайди. Қушнинг учиб ўтиши феврал ойидан май ойигача, кузги учиб ўтиши эса октябр – ноябр ойларида кузатилади. Вилоятнинг Аму – Бухоро канали ёқасидаги дарахтзорлардан ушлаб олинган, қаноти шикастланган қуш бир неча йиллар давомида



Жайрон экомарказида парвариш этилди. Дашт катта бургути учиб ўтиш вақтида сув ҳавзалар бўйида баъзан сув қушлари, судралиб юрувчилар ва майда сут эмизувчилар билан озиқланади. Миграциялар вақтида ушбу тур вакиллари юқори кучланишли электр тармоқларига тўқнашиб, қисқа туташувларнинг сабабчиси сифатида нобуд бўлиши тез-тез кузатилади. Шунингдек, ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликлар давомида республикада кўриқ ерларнинг ўзлаштирилишининг жадаллашуви тур вакиллари озиқланиш ареалини қисқаришига ва оқибатда ушбу тур вакиллари сон жихатдан камайишига олиб келди. Бир қатор мамлакатларнинг ҳайвонот боғларида кўпайтирилиши йўлга қўйилган. Республикада тур вакиллари овлаш таъқиқланади. СИТЕСнинг II -Иловасига киритилган.

29. Қиронқора-Могильник – *Aquila heliaca* (Savigny, 1809)

Республикада фаунасининг кам сонли турлар қаторидан жой олган. Қушнинг сони ва тарқалиш ареали қисқариб бораётганлиги туфайли тур Ўзбекистон “Қизил китоби”га 2 (VU:D) мақоми берилган ва заиф, қисқариб бораётган тур сифатида ТМХИ нинг “Қизил рўйхати”га (VU) киритилган.



Республикамизнинг шимолий худудлари - Усюрт ясси текисликларида уя куриши кузатилади. Республика-миздан ташқарида эса, Европа ва Ғарбий Сибир, Қозоғистон, Муғул-истон, Хитой ва Ғарбий Осиёда уялашда, ҳамда вилоятимизнинг шимолий чегараларидаги Бўкантов қолдиқ тоғли учрайди. Ғарбий-Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё, Ҳиндистон ва

Шарқий Африкада қишлайди.

Қушнинг баҳорги учиб ўтиши феврал апрел ойларида кузатилади. Улар учиб келиши билан жуфтлашиб, уя куриш ҳаракатида бўлади. Қуш уялари қояларда жойлаштиради ва 1-3 тагача тухум қўйиб, уни 43 кун давомида босиб ётади. Июнь ойининг сўнгги кунларидан бошлаб уяларда жўжалар парвариши бошланади ва август ойининг дастлабки кунларидан жўжалар учирма бўла бошлайди. Қуш асосан кемрувчилар, баъзи судралиб юрувчилар, тошбақа ва ўлаксалар билан озиқланади. Қуш сонининг кескин камайишига олиб келган асосий омиллар сифатида турли антропоген омиллар, чўл ва чала чўлларнинг ўзлаштирилиши, броконерлик фаолиятларидир. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб ҳайвонот боғларида кўпайтириш йўлга қўйилган. Овлаш таъқиқланган. СИТЕС нинг 1-Иловасига киритилган.

30. Бургут–Беркут–*Aquila chrysaetos* (Linnaeus, 1758)



Бургут лочинсимонлар туркумининг қарчиғайлар оиласига мансуб бўлиб фаунамизнинг кам сонли турларидан саналади. Шу муносабатда бургутлар, заиф, табиатан камёб тур сифатида 3(NT) Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Вазни 3,4-4,2 баъзан 6,0 кг гача ётади. Бургут Ўзбекистоннинг

Устюрт ясси текислиги, Жанубий Оролбўйи, Қизилқум ва тоғли ҳудудларида локал тарқалган ўтроқ тур саналади. Ўзбекистондан ташқарида Англия, Ғарбий Европанинг жануби, Ғарбий Осиё, Туркменистон, Ўрта ва Марказий Осиё тоғларида тарқалган.

Асосий яшаш битопларига қумлоқ чўллар, қолдиқ тоғлар, тоғ этагидаги жарликлар, тоғларнинг ўрта ва баланд қисмидаги қояликлар киради. Сони доимо кам бўлган, 1970-80 йиллар давомида тур вакилларида республикамизда 80-100 жуфти уя қурганлиги ҳисобга олинган. Уясини қоялар, жарликлар, дарахтлар, электр узатиш устунларида куради.

Бухоро вилоятида бургутнинг уялари чўл зонасидаги Кулжуктау, Қизилравот, Зарафшон шаҳри атрофида қайд этилган. У, воҳалар ва дехқончилик қилинадиган жойларни ёқтирмайди, аммо баъзан қишда ин қилмайдиган районларда ҳам қайд этилади. Кейинги йилларда чўл ҳудудида электр узатиш линияларининг кўпайиб бориши бургутларнинг уя қуриши учун бир қадар қулайликлар яратмоқда, яъни дарахтлардан холи бўлган чўл массивларида ҳам уялаш ва тарқалиш имкониятлари пайдо бўлмоқда.

Бу тур ўз уяларини вилоятнинг чўл массивларидаги электр устунларидан ташқари қолдиқ тоғларнинг қояларига, йирик саксовулларга, қандим, қум акациясига жойлаштиради ва уялардан бир неча йиллар давомида фойдаланади. Уяларнинг эни 90-160 см бўлади. Тухум қўйиш анча эрта, яъни январь ойининг охирларида бошланади. Ёппасига тухум қўйиш Қизилқумда февралдан то мартнинг ўрталаригача давом этиши кузатилган. Бир инга 1-3 та тухум қўйилади. Жўжалар уяда 2 ойгача, ҳатто бундан ҳам кўпроқ сақланади. Учирма бўлган полапонлар ота-она назоратидан тез узоқлашиб кетмайди. Бургутларнинг озик таркибини чўл жониворлари - юмронқозиклар, қумсичқонлар, толай товушқони, ёш тулкилар, йўрға тувалоқ, каклик ва асосан чўл тошбақаси ташкил этади. Вилоят ҳудудида бургутлар сонининг камайиши унга йиртқич қуш сифатида нотўғри муносабатда бўлинганлиги билан боғлиқ. Шунингдек, чўлда кемирувчилар колонияларини йўқ қилиш, тошбақа овининг кўпайиши, яшаш жойларининг турли мақсадларда ўзлаштирилиши, қуш ишқибозлари томондан полапонларининг

турли мақсадларда олиниши каби ҳолатлар мазкур тур сонининг камайиши сабаб бўлувчи асосий омиллардир.

Дунёнинг кўплаб ҳайвонот боғларида кўпайтирилади. Овлаш таъқиқланган, кўриқхона ва миллий боғларда муҳофазаланади. СИТЕС нинг II-Иловасига киритилган

31. Қирғий бургут- Ястребиный орел- *Hieraetus fasciatus* (Vieillot,1822)



Республикамиз фаунасида кам сонли турларидан бири. Шу туфайли ушбу тур Ўзбекистон “Қизил китоби”га I(CR) ёввойи табиатдан бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида бўлган тур мақоми билан қайд этилган.

Қирғий бургутлар ўтган юз йилликнинг сўнгги йилларида республикамизда Қизилқумдаги қолдиқ тоғ этакларида уялашда учратилган бўлса, бугунги кунда улар республикамизнинг текисликлари ва тоғолди районларида Ҳисор, Нурота, Олой тоғлари ва Зарафшон дарёси қайирларида баъзан кичик сонда учиб ўтишда учраши адабиётларда қайд этилади. Вилоятимизнинг Жайрон экомарказида ва вилоятнинг шимолий чегарасидаги қолдиқ тоғларда қирғий бургутлар рўйхатга олинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қуш асосан тоғ қояларида, баъзан дарахт ва бутта шоҳларида ўз уясини жойлаштиради. Уяларда 2 дона тухум қўйиб уни 40 кун давомида босиб ётади.

Жўжаларини июн ойининг ўрталаридан учиради. Озиқаси асосан қирғовул, каклик, каптар ва баъзи чумчуқсимонлардан иборат бўлади.

Қуш сонининг камайишига асосий сабаб, бу ерларнинг ўзлаштирилиши, озиқ таркибини ташкил этувчи манбааларнинг ареалини торайиб бориши ва броконерлик фаолият ҳисобланади.

Республикамизда ушбу турни овлаш таъқиқланган. СИТЕСнинг II -Иловасига киритилган.

32. Кичик бургут- Орел-карлик- *Hieraetus pennatus* (S.G.Gmelin, 1788)

Кичик бургут Ўзбекистоннинг Тёншон, Ғарбий Помир Олой, Сирдаё ҳавзасида уялашда ва республиканинг барча тоғолди ҳамда текисликларида, дарахтзор ва ўрмонларда учиб ўтишда қайд этилади. Ўзбекистондан ташқарида республи-



камиз билан чегарадош бўлган шимолий ва шарқий республикалар Қозоғистон, Россиянинг Жанубий Сибирь ўрмонларида, шунингдек Қирғизистон, Тожикистон ва ҳатто Муғилистон мамлакатларида уялаши кузатилса, қишлаши Покистон, Ҳиндистонда кузатилади. Республикамининг унча баланд бўлмаган тоғ ва тоғолди текисликларидаги дарахтзорларда жумладан Нурота тоғликларида, Туркистон, Зарафшон, Чотқол тоғларида кам сонда уя қуриши қайд этилган. Вилоятимиз худудида баҳорги ва кузги учиб ўтиш даврида кичик сонда учрайди. Кузатишларимиз давомида Аму-Бухоро канали ёқасидаги дарахтзорда учиб ўтишда бўлган кичик бургут қайд этилди (10.04.2014).

Қушнинг уя қуриш ҳаракатлари баҳорги миграцияси тугаши билан, апрел ойининг сўнгги кунларидан бошланади, баъзан бу ҳаракатлар май ойининг биринчи ярмигача давом этади. Қуш ўз уяларини дарахт буталарда жойлаштиради. Барча йиртқич турлар сингари кичик бургутларнинг ҳам уяда қўядиган тухумлар сони кўп эмас, 1- 3 тани ташкил этади ва уни 38 кун мобайнида босиб ётади. Уяларда июл ойининг ўрталаридан бошлаб жўжалар парвариши бошланади. Полопонлар ҳар икки қуш иштирокида, икки ой давомида парвариш этилади. Август ойидан уяни тарк этган жўжалар турли қуш жасадлари, кичик кемирувчилар, баъзи судралиб юрувчилар билан озиклантирилади. Ўтган юз йилликнинг сўнгги йилларида атроф муҳит муҳофазасидаги камчиликлар, дарахтзорлар ва тўқайзорларнинг аёвсиз кесилиши, тоғ воҳаларининг ўзлаштирилиши оқибатида, кичик бургутларнинг тарқалиш ареалини қисқариши кузатилди. Қуш

сонининг қисқариб бораётганлигининг яна бир омили бу, маҳаллий аҳоли томонидан олиб борилган броконерлик фаолияти ҳисобланади. Кичик бургут СИТЕСнинг II -Иловасига киритилган. Овлаш қатиян ман этилган.

33. Чўл миққийси – Степная пустельга- *Falco naumanni* *Fleischer, 1818*



Куйка ёки чўл миққийси лочинсимонлар туркумининг вакили бўлиб, бугунги кунда нафақат республикамиз фаунасида балки бутун тарқалиш ареалида сони камайиб бораётган турлардан. Шу муносабат билан ушбу тур Ўзбекистон “Қизил китоби”га ва ТМХИ нинг Қизил

рўйхатига 3(NT) заифга яқин тур сифатида киритилган. Чўл миққийси Ғарбий Тёншон, Ғарбий Помир-Олой, Қизилқумнинг қолдиқ тоғлари, Амударёнинг қуйи оқими ва Зарафшон дарёси воҳасида учиб ўтишда ва уялашда учрайди. Қуш тарқалган биотоп асосан, республиканинг текисликлари ва тоғолди ҳудудлари бўлиб, тепаликларда дам олади, озиқ излайди ва кўпайишда иштирок этади. Вилоятимиз ҳудудида чўл миққийсининг баҳорги учиб ўтиши март–апрел ойларига, кузги миграцияси август ойининг сўнгги кунларидан бошланиб октябр ойига қадар давом этади. Тоғ тепаликларининг ён бағирларидаги ковак ва ўйиқларда уя қуради ва 3-5 тагача тухум қўйиб, 28 кун мобайнида уни босиб ётади. Жўжаларини июн ойидан бошлаб учирма қилади. Дастлабки кунлар ота – она ёрдамида озиқланувчи жўжалар кейинчалик мустақил озиқлана бошлайди. Қушнинг озиқ спектри асосан ҳашаротлардан иборат бўлсада, баъзан калтакесаклар, кемирувчилар ва қуш жўжалари билан ҳам озиқланади.

Кейинги йилларда жойларда кузатилаётган турли кўринишлардаги антропоген таъсирларнинг кучайиши, даштларда кимёвий перепаратларнинг кўп қўлланилиши, броконерлик фаолиятларнинг кўплиги, ноқонуний ов, қуш

тарқалган ареалларнинг ўзлаштирилиши туфайли чўл миқийларининг сон жиҳатдан кескин камайишига олиб келмоқда. Қўриқхоналарда, асосан тоғ қўриқхоналарида муҳофазага олинган, шунингдек СИТЕС нинг II - Иловасига киритилган. Овлаш таъқиқланган.

34. Итолғи–Балобан–*Falco cherrug* (Gray, 1834)

Итолғи лочинсимонлар туркуми лочинлар оиласига мансуб бўлган, мақоми бўйича заифга яқин тур сифатида, Ўзбекистон Қизил китобига 3(NT) ва ТМХИ Қизил рўйхатига (EN) киритилган. Ўзбекистонда итолғининг учта кенжа тури учрайди. Ушбу кенжа турлар Ўзбекистонда итолғиларнинг кўпайишда иштирок этиш учун келиб кетувчи, ҳудуддан учиб ўтишда учровчи ва қишлаш учун



келиб кетувчи вакиллари учратиш мумкин. Кенжа турнинг ушбу учраш хусусиятларини инобатга олиб, уларни ўтроқ турлар қаторига киритиш хато бўлмайди. Республикамизнинг текисликлар ва паст тоғлик ҳудудларда тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида Ўрта Осиё, Қозоғистон жануби, Россиянинг Осиё қисми, Эрон, Хитой (Синжон), Афғонистон, ҳамда Ҳиндистонда учрайди. Уя қуришда соз тупроқли жарликлар, паст тоғликлар ва қолдиқ тоғларнинг қоялари ва баъзан электр линиялари таянчларини танлайди. Республикамизда тахминан 120-150 жуфти уя қуради, 500-700 таси миграциялар даврида учраса, қишлашда жанубий ҳудудларда 100-150 таси, қолган ҳудудларда бир неча ўнтаси қайд этилади.

Феврал ойининг сўнгги кунлари, март ойининг дастлабки ўн кунлигидан бошлаб уяларда тухум қўяди ва уни 28 кун давомида босиб ётади. Апрель ойи давомида полапонлар ҳар икки жинс иштирокида парвариш этилади ва улар май-июнь ойларида учирма бўлади. Итолғининг озиқаси таркибини кемирувчилар (қумсичқон, сариқ юмронқозик), қушлар (ёввойи каптар, каклик,

тўрғай) ва дашт агамаси ташкил этади. Кемирувчилар сонининг ўзгариб туриши, ноқонуний овлаш, уяларининг бузиб ташланиши, ҳамда электр линияларида тўқнашишлар туфайли кўплаб нобуд бўлиши итолғилар сонининг камайишига олиб келди. Вилоятимизнинг шимолий чегараларида, Марказий ва Жанубий Қизилқумдаги қолдиқ тоғлардан Букантау, Аумзатау, Кулжуктауда уя қуриши иштирок этади. Мазкур турнинг Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари оралиғидаги электр устунларида, ҳамда Жонгелди давлат хўжалиги ҳудудида уя қуриб жўжа очгани қайд этилган. Кейинги йилларда итолғининг сони анча тикланганлиги ва уя қуриш ареали кенгайганлиги кузатилмоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда махсус кўпайтирилиши йўлга қўйилган. Республикамизда овлаш таъқиқланган бўлиб, қўриқхоналар ва миллий боғларда муҳофазаланади. СИТЕСнинг II-Иловасига киритилган.

35 Лочин – Сапсан– *Falco peregrinus* Tunstall, 1771



Ушбу космополит тур, республикамиз фаунасининг кам сонли қушларидан бири сифатида, Ўзбекистон “Қизил китоби”га 2 (VU:R), заиф, табиатан камёб тур мақоми билан киритилган. Республикамизнинг текисликлари ва тоғолди районларида учиб ўтади, кичик сонда қишлайди. Ўзбекистондан ташқари Евроосиё ва Тундранинг ўрмон зоналарида уялашда ва Шимолий Ҳиндистон, Фарбий ва Ўрта Осиёда қишлашда қайд этилади.

Республикамизда лочинларнинг баҳорги учиб ўтиши март –апрел ойларида, кузги учиб ўтиши октябр – ноябр ойларида кузатилиб, қишлаши ноябрдан феврал ойига қадар давом этади. Вилоятимиз ҳудудида баъзан баҳорги ва кузги миграциялар вақтида, номунтазам, якка ҳолда учрайди.

Қушнинг озиқ таркиби кумирувчилар ва асосан қушлардан иборат бўлади. Овлаш таъқиқланган. СИТЕС нинг I-Иловасига киритилган.

36. Маллабош лочин–Рыжеголовый сокол–*Falco pelegrinoides* (Tem. 1829)

Маллабош лочин лочин-симонлар туркуми лочинлар оиласига мансуб тур бўлиб, мақоми бўйича заиф ва табиатан камёб тур. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:R) киритилган. Ўзбекистонда маллабош лочиннинг *Falco*



pelegrinoides babylonicus (Sclater, 1861) кенжа тури учрайди. Ушбу кенжа тур Ўзбекистонда ўтроқ ҳолда яшайди. Ғарбий Тёншон, Ғарбий Помир-Олой ва Қизилқумдаги қолдиқ тоғларда уя қуришда учрайди, қолган барча ҳудудларда кўчиб юради. Ўзбекистондан ташқарида Ўрта ва Марказий Осиё, Қозоғистон, Эрон, Афғонистонда уя қуради, Ҳиндистонда қишлайди. Республикамизда уя қуришда соз тупроқли жарликлар, паст тоғликлар ва қолдиқ тоғ қояларини танлайди. Сони доимо кам бўлган ва 1990 йиллардан бошлаб эса янада камайиб бормоқда. Эҳтимол жами 15-20 жуфти уя қуради. Жанубий ҳудудларда камдан-кам сонда қишлайди. Февраль-апрель ойларида уяда 3-5 та тухум кўяди. Тухум босиш давомийлиги 28-30 кун. Полапонлари май-июнь ойларида учирма бўлишади. Куз ва қиш ойларида кенг ҳудуд бўйлаб кўчиб юради. Баҳорги миграцияси март ойига тўғри келади. Майда ва ўртача катталиқдаги қушлар ва баъзан кемирувчилар билан озиқланади. Сонининг камайишига асосан жойларда кузатиладиган ноқонуний ов ёки броконерлар томонидан уялардаги тухум ва жўжаларни олиб кўйиш сабаб бўлмоқда. Бухоро вилоятида маллабош лочинлар баъзан кўчманчи тур сифатида учрайди. Адабиётларда Марказий Қизилқумда Томдитау ва Букантауда мазкур турнинг уя қуриши, жўжа очиши ҳақида маълумотлар бор. Қушнинг ниҳоятда кам сонлигини ҳисобга олиб, уларни учиб ўтишда, уя қуриш жойларида ва урчиш даврида безовта қилмаслик лозим.

Европа питомникларида кўпайтирилади. Ўзбекистонда овлаш таъқиқланган. Сурхон ва Ҳисор кўрикхоналарида муҳофазаланади. СИТЕС нинг I-Иловасига киритилган.

37. Кал жўрчи- Стервятник –*Neophron percnopterus*



Лочинлар туркумининг, қарчиғайлар оиласи вакили бўлган кал жўрчилар, республикамиз фаунасининг табиатан кам сонли қушларидан бири. Республикамининг ўрта ва паст тоғли зоналарда тарқалган. Бугунги кунда кал жўрчилар гарчи республикамиз Қизил китобига киритилмаган бўлсада, тарқалиш ареали асосан антропоген таъсирлар қуршовида қолиб бораётганлиги туфайли сўнгги йилларда уларнинг тарқалиш ареали қисқариб, сони камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Вилоятимиз фаунасининг мигрант ва кичик сонда уя қуриб кўпайишда иштирок этувчи турлардан бири. Қушнинг баҳорги учиб келиши барча мигрантлар сингари феврал, март ойларида, кузги миграцияси эса сентябр- октябр ойларида кузатилади.

Қушнинг уя қуриш ҳаракатлари, вилоятнинг шимолий чегарисидаги Бўкинтов, Томдитов қолдиқ тоғ тепаликларида кузатилади. Бугунги кунда Оёқоғитма посёлкасидаги қолдиқ тоғ ва тепаликларда -7 жуфт кал жўрчилар кўпайишда иштирок этади. Апрель ойидан бошлаб кўпайишга киришади. Қуш ўз уяларини тепаликлардаги ковакларда жойлаштиради. Жўжаларни дастлаб кичик кемирувчилар, қушлар ва судралиб юрувчилар билан озиклантиради, кейинчалик озика таркиби бирмунча рангба-рангликка асосланади ва кемирувчилар, судралиб юрувчилар, қушлар ва тошбақалардан иборат бўлади. Қуш кам сонли бўлганлиги сабабли, ҳар томонлама муҳофазага олиниши лозим.

38. Зарафшон қирғовули–Зарафшанский фазан-*Phasianus colchicus* Linnaeus, 1758

Ўзбекистон фаунасида учровчи кенжа турлар орасида тарқалиш ареали қисқариб бораётган ва мақоми бўйича 3 (NT) заифга яқин бўлган ўтроқ тур. Зарафшон қирғовуллари республикамизда Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқими районларида, ўтмишда эса Қашқадарё воҳасида тарқалган.

Зарафшон қирғовулининг кенжа тур популяцияларининг жаҳондаги тарқалиш ареали Тожикистон, Ғарбий ва Ўрта Осиё, Қозоқистон, Афғонистон, Узоқ Шарқ, Хитой, Кореяда рўйхатга олинган.



Зарафшон қирғовуллари асосан тўқайзор ва қамишзорларни хуш кўради, агроценозларда эса, бедазор, буғдойзорларда март ойидан бошлаб июн-июл ойлари мобайнида ерда уя қуриб жўжа очади. Кўпайиш даврида уядаги тухумлар сони 4-12 тагача, баъзан бу сон 16-18 тагача етади. Тухум 23-24 кун мобайнида босилади ва полопонларини сентябргача учирма қилади. Тухум босиш ва жўжаларни парваришlash асосан она қуш зиммасига тушади. Хўрозлар доим оила вакиллари билан биргаликда бўлади. Қирғовулларнинг озик таркиби асосан майда ҳашаротлар, ўтчил ўсимликларнинг мева ва уруғларидан иборат бўлади. Собиқ иттифоқ давридаги пахта яккаҳоқимлигига қаратилган бир томонлама сиёсат туфайли жойларда тўқайзорларни кескин қисқартирилиши, далаларда захарли химикатларни ҳаддан зиёд кўп қўлланилиши ва броконерлик фаолиятлар туфайли ушбу кенжа турнинг тарқалиш ареалини қисқариб боришига ва сонини камайишига олиб келди. Бугунги кунда ушбу тур респуб-ликамининг бир қатор кўриқхоналарида айниқса, Зарафшон, Қизилқум кўриқхоналарида муҳофазага олинган тур сифатида ҳимоя қилинади. Овлаш таъқиқланган.

39. Тувалоқ–Дрофа–*Otis tarda tarda* (Linnaeus, 1758)

Тувалоқ турнасимонлар туркумининг тувалоқлар оиласига мансуб бўлган, мақоми бўйича бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасидаги тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига 1(CR) ва ТМХИ Қизил рўйхатига (VU) киритилган.

Ўзбекистонда тувалоқнинг учиб ўтувчи Европа кенжа тури *Otis tarda tarda* (Linnaeus, 1758) учрайди. Республикамининг Устюрт ясси текислигида учиб ўтишда, Жануби-Ғарбий Қизилқум, Зарафшон дарёси воҳаси, Сурхондарё ва



Шерободдарё дарёларининг қуйи оқимида учиб ўтишда ва ўтмишда қишлашда, Мирзачўл ва Далварзин чўли, Нурота тоғ тизмасининг этакларида учиб ўтиш ва ўтмишда уя қуришда қайд этилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Ўзбекистондан ташқарида Европа, Шимолий Африка, Қозоғистон, Ғарбий Сибирь жануби, Ғарбий Осиё, Туркменистон, Тожикистон, Шарқий Сибирь жануби,

Мўғулистон ва Приморьеда учрайди.

Республикамизда қушнинг яшаш жойларига тоғ этакларидаги баланд ўсувчи ўт ўсимликли текисликлар, чала чўллар ва бедазорлар киради. Ўтмишда уя қуришда кам сонда учраган, қишлашда одатий бўлган. Айни пайтда уя қуришда ва қишлашда учрамайди. Учиб ўтишда якка ҳолда ва кичик гуруҳ ҳолида учрайди.

Баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Апрель-майда ерга қурилган уясига 2-3 дона тухум қўяди. Тухум босиш давомийлиги 21-28 кун. Полопонлари июнь-июль ойларида учирма бўлади. Кузги миграцияси октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади. Сонининг камайишига чала чўл зонасида қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида яшаш жойларининг йўқ қилиниши сабаб бўлган. Европадаги питомникларда кўпайтирилади.

Бухоро вилоятининг чўл зонасида кузда ва баҳорда қайд этилган. Аммо кейинги йилларда ушбу турга тегишли янги маълумотлар йўқ. Келажакда тувалоқнинг биологияси ва экологиясини ўрганиш зарур.

Овлаш таъқиқланган. СИТЕС нинг II -Иловасига киритилган.

40. Йўрға тувалоқ – Дрофа красотка– *Chlamydotis undulata* (Jacquin, 1784)

Йўрға тувалоқ турнасимонлар туркумининг тувалоқлар оиласига мансуб бўлган, мақоми бўйича заиф, сони камайиб бораётган тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D) ва ТМХИ Қизил рўйхатига (VU) киритилган. Илгари қишлоқ

воҳаларидан ташқари барча текист-ликларда учраганлиги қайд этилади. Ҳозирги вақтда республикада йўрға тувалоқнинг унча йирик бўлмаган популяциялари Устюртда, Қизилқумда, Мирзачўлда, Қарши чўлида сақланган. Ўзбекистондан



ташқарида Қозоғистон, Туркман-истон, Тожикистон, Кавказorti, Миср, Ғарбий Осиё, Олтой, Мўғулистонда уя қуришда, Ғарбий Осиё жануби, Ҳиндистонда қишлашда учрайди. Яшаш биотопи сифатида уя қуришда чўлларнинг барханли ва шўрхок қисмларини, учиб ўтишда воҳалардан ташқари барча текисликларни танлайди. Маълумотларга қараганда республикада 1,5-3 минг та қуш уя қуради, 20 мингга яқини учиб ўтади. 1960-1980 йилларда йўрға тувалоқларнинг сони камайган ва ареали қисқарган. Қушнинг баҳорги учиб келиши февраль-март ойларига тўғри келади, апрель-майда ерга 2-5 та тухум қўяди ва тухумларни 21-24 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда учирма бўлади. Кузги учиб ўтиши август-ноябрь ойларига тўғри келади. Озиқа таркибини ўтлар, уруғлар, умуртқасизлар, майда кемирувчилар ва судралиб юрувчилар ташкил этади.

Йўрға тувалоқ сонининг камайиши кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, браконьерлик, назоратсиз ов, тухуми ва жўжаларининг йиғиб олиниши каби омиллар билан боғлиқ. Ўзбекистонда айни вақтда Бирлашган Араб Амир-лиги билан ҳамкорликда йўрға тувалоқни кўпайтиришга мўлжалланган 2 та питомник Бухоро ва Навоий вилоятларида фаолият юритмоқда. Маълумотларда қараганда, бу ерда махсус инкубацияларда кўпайтирилган жўжалар парвариш этилади ва уларнинг бир қисми табиатга чиқариб юборилмоқда. Йўрға тувалоқни овлаш тақиқланган. Қарнабчўл буюртмахонаси ва “Жайрон” экомарказида муҳофазага олинган. СИТЕС нинг I-Иловасига киритилган. Йўрға тувалоқ Бухоро вилоятининг Жануби-Ғарбий Қизилқум, Газли, Ромитан, Денгизкўл, Қоравулбозор, Қарнабчўл ҳудудларида учрайди. Бухоро вилоятида баҳордан кузгача чўлнинг ўтчил ўсимликлари ва бутталари паст бўйли ва сийрак бўлган, баланд бўлмаган қум барханли, зич тупроқли

ва тошлоқ текисликларида уя куради. Тухум кўйиш вилоят шароитида март апрел ойлари давомида кузатилади. Тухумдан полапонларнинг чиқиши апрель-майда кузатилади. Тухумдан чиққан полапонларининг ўртача вазни 47,4 гр бўлиб, улар кузда тез ўсади, 3 ойлик бўлганда уларнинг вазни 1,4-1,6 кг бўлиб, деярли ота-оналари вазнига тенглашади. Бухоро вилоятида кейинги 30 йил давомида чўл ҳудудларининг жадал ўзлаштирилиши, нефть ва газ қазиб олиш билан боғлиқ фаолиятларнинг жадаллашуви йўрға тувалоқларнинг яшаши учун бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Келажакда бу турнинг сони тиклаш ва унинг табиий кўпайишини таъминлашда у тарқалган ареалга муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд (кўрикхона, буюртмахона, резерват ва бошқ.) мақомини бериш, мақсадли овлаш устидан қатъий назоратни ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда, ушбу турнинг учраш хусусиятлари кечадиган барча ареаллари жойлашган давлатларда халқаро муҳофаза қилиш чора-тадбирларини, жумладан халқаро дастурларини ишлаб чиқиш самарали натижа бериши мумкин.

41. Бизғалдоқ – Стрепет–*Tetrax tetrax* (Linnaeus, 1758)



Бизғалдоқ турнасимонлар туркумининг тувалоқлар оиласига мансуб бўлган, мақоми бўйича заиф ва сони камайиб бораётган тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D) ва ТМХИ Қизил рўйхатига (NT) киритилган. Ўзбекистондаги текисликларда учиб ўтишда, Ўзбекистоннинг жанубида қишлашда учрайди.

Туркистон тоғ тизмасида эса уя куриши мумкинлиги тўғрисида маълумотлар бор. Ўзбекистондан ташқарида Шимолий Африка, Жанубий ва Шарқий Европа ва Қозоғистонда уя куришда, Ғарбий Осиё, Туркменистон ва Тожикистонда қишлашда учрайди.

Яшаш жойлари сифатида учиб ўтишда чўл, чала чўл ва тоғ этакларидаги текисликларнинг сийрак бутали ўсимлик қопламларига эга бўлган биотопларини, қишлашда эса кузги экинзорлар билан банд далаларни танлайди. Якка ёки кичик

гуруҳ холида учиб ўтади. Қушнинг баҳорги миграцияси март-апрель ойларида, кузги миграцияси эса октябрь-ноябрь ойларида кузатилади. Ерга қурилган уяда апрель-май ойларида 2-5 та тухум қўяди ва бу тухумларни 20-22 кун давомида босиб ўтади. Полапонлари июнь-июлда учирма бўлишади. Озиқа таркибини ҳашаротлар ва ўсимликларнинг яшил қисмлари ташкил этади. Ушбу тур сонининг камайишида кўрик ерларнинг ўзлаштирилиши ва браконьерлик сабаб бўлган. Бухоро вилоятининг чўл зонасида ва чўл билан чегарадош районларидаги беда ва буғдой экин далаларида учрайди. Кузатувларимиз давомида Шифиркон туманининг шимолий чегарасида жойлашган бедапояда 10 та бизгалдоқ қайд этилди (24.04.2012).

Республикамызда бизгалдоқларни овлаш тақиқланган. СИТЕС нинг II -Иловасига киритилган.

42. Торғоқ–Кречётка–*Chettusia gregaria* (Pallas, 1771)

Торғоқ ржанкасимонлар туркумининг ржанкалар оиласига мансуб бўлган, мақоми бўйича заиф ва табиатан камёб тур сифатида, Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D) ва ТМХИ Қизил рўйхатига (CR) киритилган. Мазкур тур Ўзбекистонда Жанубий Оролбўйи, Каттакўрғон ва Чордара



сув омбори, Айдаркўл кўлида ва Сирдарёнинг ўрта оқимида учиб ўтишда, Ўзбекистондан ташқарида Украина, Россиянинг ғарби ва Қозоғистоннинг дашт зоналарида уя қуришда, Шимолий Африка, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда қишлашда учрайди. Яшаш жойи сифатида текисликлардаги сув ҳавзаларининг ботқоқлашган қирғоқларини танлайди.

Республикамызда торғоқлар сони доимо кам бўлган. Баҳорги учиб ўтиши февраль-апрель, кузги миграцияси эса июль-октябрь ойларига тўғри келади. Озиқ таркибини сув умуртқасизлари ташкил этади. Республикамызда торғоқлар сонининг камайиши Жанубий Оролбўйида сув режимининг ўзгариши ҳамда Қозоғистон даштларининг ўзлаштирилиши оқибатида яшаш жойларининг бузилиши билан боғлиқ. Судочье ва Тузкон кўлларидаги

буюртмахоналарда муҳофазага олинган. Республикамизда торғоқларнинг кузги учиб ўтиш йўлини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотларимиз торғоқларнинг миграция йўллари бугунги кунда бирмунча кенгайганлигини кўрсатди. Ҳозирги вақтда торғоқлар республикамизнинг жанубий ва марказий районларида жойлашган сув ҳавзалари, жумладан Тўдакўл сув омборининг жануби-шарқий қисмида, Жайрон экологик марказидаги Тузли кўл қирғоқларида ва энг йирик концентрацияси Қашқадарё вилоятининг Талимаржон сув омбори ва унга чегарадош даштларида (16.10.2012; 26.10.2015; 08.11.2015) кузатилди.

Республикада торғоқларни самарали муҳофаза қилишни ташкил этиш мақсадида Судочье ва Тузкон кўлларидаги буюртмахоналари билан бир қаторда Талимаржон ва Тўдакўл сув омборларида ҳам муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Махсус кўпайтирилмайди. Овлаш таъқиқланган.

43. Чўл жиктоғи–Степная тиркушка–*Glareola nordmanni* (Nord., 1842)



Чўл жиктоғи ржанкасимонлар туркумининг жиктоқлар оиласига мансуб бўлган, мақоми бўйича заиф ва табиатан камёб тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D) ва ТМХИ Қизил рўйхатида (NT) киритилган. Мазкур мигрант тур республикамизнинг Жанубий Оролбўйи сувликлари яқинидаги текисликларида учиб ўтишда учрайди. Ўзбекистондан ташқарида Украина, Россиянинг ғарби ва Қозоғистонинг дашт зоналарида уя қуришда, Шимолий Африкада қишлашда учрайди. Яшаш жойи сифатида текисликлардаги сув ҳавзаларининг ботқоқлашган қирғоқларини, Оролбўйи кўлларидаги майда оролларни танлайди. Сони доимо кам бўлган. Учиб ўтишда ва ёзда Оролбўйида бир нечта ўнтаси учрайди. Баҳорги учиб ўтиши апрел -май, кузгиси август-сентябр ойларига тўғри келади. Озиқ таркибини сув умуртқасизлари ташкил этади. Чўл жиктоғи сонининг камайиши ҳам Жанубий

Оролбўйида сув режимининг ўзгариши ҳамда, Қозоғистон даштларининг ўзлаштирилиши оқибатида яшаш жойларининг бузилиши билан боғлиқ. Бухоро вилоятидаги сув ҳавзаларида чўл жиктоғининг баҳорги ва кузги миграциялар вақтида кичик сонда бошқа сув олди қушлари галаси таркибида учраши қайд этилади. Махсус кўпайтирилмайди. Овлаш таъқиқланган. Судочье кўлидаги буюртмахонада муҳофазага олинган.

44. Қорабошли балиқчи– Черноголовый хохотун – *Larus ichthyaetus* (Pallas, 1773)

Қорабошли балиқчи ржанкасмонлар туркумининг балиқчилар оиласига мансуб бўлган, мақоми бўйича заиф ва сони камайиб бораётган ўтроқ тур. Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D) киритилган. Мазкур тур Ўзбекистоннинг Жанубий Оролбўйи сувликларда уя



қуриш, текисликлардаги сув ҳавзаларида учиб ўтишда, Сирдарё ва Амударёнинг ўрта оқимларида қишларда қайд этилади. Ўзбекистондан ташқарида Қрим, Кавказолди, Каспийбўйи, Қозоғистон ва Мўғулистонда уя қуришда, Шимолий Африка, Каспийбўйи, жанубий Қозоғистон, Ҳиндистон, Фарбий, Ўрта ва Жануби-шарқий Осиёда қишларда учрайди. Текисликлардаги шўр кўлларнинг орол ва қирғоқларидан уя қуришда фойдаланади. Текисликлардаги йирик сув ҳавзаларида ва балиқ кўпайтириш ҳовузларида учиб ўтиш ва қишларда бўлади. Республикаимизнинг шимолий сувликларида қорабошли балиқчиларнинг учраши илгари одатий бўлган. 1960-70 йилларга қадар республикаимизнинг Орол денгизи қирғоқларида тахминан 3 мингтага яқин қора бошли балиқчилар уя қурганлиги қайд этилган бўлса, ҳозирда фақат бир неча юзтаси учиб ўтади ва қишлайди. Баҳорги учиб ўтиши март-апрел, кузги миграцияси сентябр-октябр ойларига тўғри келади. Ноябрьдан-февралгача қишлайди. Апрельда ерга колония ҳолида уя қуради ва уясига 2-3 дона тухум қўяди. Тухумларини 25-29 кун давомида босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда учирма бўлади. Озиқасини балиқ ва ҳашаротлар ташкил этади. Республикаимизда ушбу турнинг

сонини камайиб кетиши Оролбўйида сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг бузилиши ва браконьерлик билан боғлиқ. Махсус кўпайтирилмайди. Овлаш таъқиқланган. Судочье, Тузкон, Қорақир буюртмахоналарида муҳофазага олинган. Оролбўйида вужудга келган танг экологик вазият мазкур тур вакиллариининг миграция йўлини республикаимиз сув ҳавзалари бўйлаб қайта шаклланишига олиб келмоқда. Шу асосда Бухоро вилоятидаги сув ҳавзаларида ҳам қорабошли балиқчилар жуда юзга яқин сонда учиб ўтишда ва қишлашда қайд этилади.

45. Оқбовур–Белобрюхий рябок–*Pterocles alchata* (Linnaeus, 1776)



Оқбовур каптарсимонлар туркумининг булдуруқлар оиласига мансуб бўлган, мақоми бўйича заиф ва сони камайиб бораётган тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига 2(VU:D) киритилган. Ўзбекистонда оқбовурнинг шарқий кенжа тури *Pterocles alchata*

caudacutus (Gmelin, 1789) учрайди. Ушбу кенжа тур Қизилқум чўлида уя қуриш (ўтмишда қишлаш), Қарши ва Сандикли чўллари, Нурота тоғ тизмасининг этаклари, Амударё, Сурхондарё ва Зарафшон дарёси водийларида уя қуриш, текисликларда учиб ўтишда учрайди. Ўзбекистондан ташқарида Шимолий Африка, Ғарбий ва Ўрта Осиё, Қозоғистонда уя қуришда, Эрон, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонда қишлашда учрайди. Уя қуриш жойи сифатида қумли, тупроқли ва тошлоқли чўлларни, кўчиб юришда ғалла экин майдонларини танлайди. Ўтмишда учраши одатий бўлган. 1960-1970 йиллар локал популяцияларда ҳар гектарда ўртача 3 тагача, сув ичиш жойларида ҳар соатда 200 тагача қайд этилган. 1970 йиллардан сони кескин камайиб кетган ва ҳозирги вақтда уя қуриш ва учиб ўтишда бир неча мингтаси учрайди.

Баҳорги учиб ўтиши март-апрель, кузгиси сентябрь-ноябрга тўғри келади. Май-июнь ойларида колония ёки алоҳида жуфт холида ерга уя қуради ва уяда 2-3та тухум қўяди. Тухум босиш

давомийлиги 19-25 кун. Полопонлари августда учирма бўлади. Кўчиб юриши август-сентябр ойларига тўғри келади. Озиқасини ўсимликларнинг яшил қисмлари ва уруғлар ташкил этади. Мазкур турнинг сонини камайиши чўл зонасидаги кўрик ерларнинг ўзлаштирилиши ва ноқонуний ов ҳисобланади. Бухоро вилояти шароитида бу тур сонининг камайиши чўлдаги чорва молларига мўлжаллаб қазилган кўпчилик қудуқларнинг ишдан чиқиши, чорва туёғи зичлигининг санокли қудуқлар атрофида ошиши ва турнинг яшаш жойининг деградацияси каби омилларга боғлиқ. Махсус кўпайтириш йўлга қўйилмаган. Овлаш таъқиқланган. Унинг сонини сақлашда уя қуриш ва учиб ўтишда учрайдиган жойларда муҳофазасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

46. Ғуррак–Обыкновенная горлица–*Streptopelia turtur* L.

Ғуррак каптарсимонлар оиласига мансуб жуда жозибали қуш бўлиб, республикамизнинг мигрант, уя қурувчи турларидан бири.



Ғурраклар учиб ўтишда республикамиз барча вилоятларида жумладан Бухоро вилоятида учрайди ва уя қуришда дарахтзор ўрмонлар, буттазорлар, текисликларда

баъзан антропоген биотопларда, истироҳат боғларида, дарахтлар сийрак бўлган жойларда бутта ва ток шохларида ҳам ўз уясини жойлаштиради.

Ғурраклар каптарсимонлар орасида ўзининг бирмунча зийраклиги ва тевараклардаги безовталанишга жуда сергаклиги билан ажралиб туради. Республикамизда ушбу турнинг баҳорги миграцияси апрел ойининг иккинчи ўн кунлигидан кузатилса, орадан икки ҳафта ўтгандан сўнг уя қуриш ҳаракатларини амалга оширади ва уяда одатда 2 та баъзан, 3 тагача оқ рангдаги доғсиз тухум қўяди. Тухумлар ҳар икки жинс иштирокида 13-15 кун давомида босилади. Уялар бирмунча нозик бўлганлиги сабабли кучли шамол вақтида баъзан уядаги тухумлар ва ҳатто ёш жўжалар ерга тушиб нобуд бўлади. Шунингдек уяларнинг

очик ҳолда бўлиши баъзан зағизфонлар томонидан тухумларни олиб кетилишига сабаб бўлади.

Ғурракларнинг озиқ таркибини асосан ёввойи (читир, жағ-жағ, нўхатак, буғдойик) ва маданий донли экинларнинг (буғдой, макажухори, тарик) уруғлари ташкил этади. Ғурракларнинг кузги миграцияси август ойининг сўнгги кунларидан бошланиб, сентябр ойининг охирларигача давом этади.

Кузги миграция даврида ғурраклар фаоллашиб, беъзоталангандек учиш маниёрини тез-тез ўзгартиради ва галалашиб учади. Бунда улар ҳаваскор овчилар томонидан катта сонда овланади. Статистик маълумотларга кўра баъзи йилларда ҳаваскор овчилар томонидан каптарсимонлар учун амалга оширилган ов таркибини 30% ғурраклар сонига тўғри келади.

Шунингдек 1980 йиллардан бошлаб республикамиз фаунасида кумриларнинг кириб келиши билан ғурракларнинг бирмунча сийраклашиб бораётганлиги сезилмоқда. Бу ҳол, кумриларнинг ғурракка нисбаттан бирмунча йирик жуссадорлиги ва тажавускорлиги туфайли ушбу икки тур орасида рақобат кузатилмоқда. Шундан бўлса керак 2000 йиллардан бошлаб республикамиз фаунасида, ғурраклар сони баъзи биотопларда сийраклашиб бормоқда. Бу ҳол турни муҳофазасига доир зудлик билан муҳофаза чорларини кўриш лозимлигини талаб этади.

ВИЛОЯТДА ҚУШЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ

Қушлар ер шарининг деярли барча ҳаётий муҳитида учрайдиган ва хилма-хиллик жиҳатидан умуртқали ҳайвонлар орасида энг кўп турларга эга бўлган синфлардан биридир. Қушлар, ер юзидаги барча биотопларда учраши билан бирга, муҳит шароитидаги ўзгаришларни илк бор намоён этувчи “индикатор” тур сифатида ҳам шакилланганлиги бизга аён. Кишилик жамиятининг ҳозирги босқичида инсон ҳаёти учун ўта долзарб бўлган масалалардан бири - бу табиий экотизмларда кузатилаётган салбий ўзгаришлар, уни келтириб чиқарувчи манбааларни аниқлаш ва бу жараёни ижобий бартараф этиш орқали ҳудудда табиий компонентларнинг нобуд бўлиш жараёнини тўхтатишдан иборат. Албатта бу осон иш эмас, аммо

жараённи силлиқлаштириш ва салбий таъсир кучини юмшатиш бажарилиши мумкин бўлган ишдир. Минг йиллар давомида шаклланган ва бугунги кунгача етиб келган биологик хилма-хилликни асраб қолиш инсоният олдидаги бош вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1995 йил май ойида Олий Мажлис қарори билан биологик хилма-хилликни сақлаш ҳақидаги Халқаро Конвенцияга қўшилган эди. Ўтган вақт давомида мамлакатда бу соҳада анча ижобий ишлар бажарилди. Республикада Ўзбекистоннинг “Қизил китоб”ининг ташкил этилиши ва унда республикада ҳудудида сони камайиб бораётган турлар ҳақидаги маълумотлар келтирилиши йўлга қўйилган. Бизга маълумки, Республикада ҳудудидаги орнитофауна хилма-хиллиги бугунги маълумотларга кўра, 466 турдан иборат бўлиб, улар орасида 51 тур куш (кенжа турлар билан ҳисоблаганда) Республика “Қизил китоби”га киритилган. Ушбу турларнинг бугунги кундаги тарқалиш ҳудудларини белгилаш, сонини аниқлаш, биоэкологиясидаги ўзига хосликни таҳлил этиш ва энг муҳими бу турларни қишлаш, уя қуриш ва баҳорги, кузги миграция даврида асосий учраш жойларини белгилаб олиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Вилоятимизда ҳам атроф- муҳит муҳофазаси масаласи, айниқса қушлар оламини муҳофаза этиш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан:

1. Ўзбекистонда нодавлат ноижорат ташкилоти сифатида шаклланган **“Ўзбекистон Қушларни муҳофаза қилиш жамияти”** ва унинг жойлардаги **филиаллари** мамлакатимизда қушларни муҳофаза қилиш ишида фаол иштирок этиб келмоқда. 2007 йил 14 ноябрда Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ушбу жамият Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институти қошида фаолият юритади. Ҳозирги вақтда ўз атрофига юзлаб соҳа мутахассислари ва талабаларни бирлаштирган Нукус, Бухоро ва Самарқанд давлат университетлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университетиде мазкур жамиятнинг вилоят филиаллари фаолият юритади. Жамиятнинг асосий мақсади, Ўзбекистонда ўтроқ ва мавсумий равишда учровчи қуш турларини муҳофаза қилиш, қушларнинг яшаши учун қулай бўлган муҳим жойларини

аниқлаш, ўрганиш оркали ёш табиатшуносларни қушларни ўрганувчи соҳа «орнитология»га қизиқишларини уйғотишдан иборатдир.

2. 2005 йилнинг охирида Ўзбекистон яна бир халқаро дастур “*Important Bird Areas*” (ИВА) “**Муҳим орнитологик ҳудудлар**” (МОҲ) қатнашчиси бўлди. Бу дастур ҳам биохилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг ҳаётга тадбиқ этилишининг ўзига хос бир кўриниши ҳисобланади. ИВА Бутун жаҳон қушларни муҳофаза қилиш ташкилотини (*BirdLife International*) ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади. Бу ташкилот ўтган асрнинг 80-йилларида МОҲ концепциясини ривожлантирган ва 1989 йилга келиб Европадаги, 1994 йилда эса Яқин Шарқдаги МОҲ ҳақидаги ишларни эълон қилган эди. МОҲ алоҳида Европа мамлакатлари учун ҳам тайёрланган. Африка, Америка, қисман Осиёдаги МОҲ лойиҳалари мавжуд. Худди шундай Тинч океани, Ғарбий Сибирь регионларидаги МОҲни аниқлаш режалаштирилган.

МОҲ дастури даражасида халқаро аҳамиятга эга бўлган, қушларни сақлаб қолиш учун уларни ҳаётини хавфсизлигини таъминловчи жойлар рўйхати тузилади. Бундай жойлар стандарт глобал мезонлар асосида аниқланади. Қушларнинг энг муҳим яшаш жойларини белгилаб олиш кўзда тутилган. Шу ўринда қушларнинг биохилма-хиллигини умумий ҳолатини намоён этувчи индикаторлик хусусияти ҳам эътиборга олинган ва кўпчилик МОҲлар табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан бошқа ҳайвонлар ва ўсимликлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо МОҲ нинг дунё харитасида (унда 10000 дан ортиқ МОҲ белгиланган) Осиё регионида яқингача “оқ доғ” шаклида эди. Яъни бу ҳудудда қушларнинг сеvimли манзилгоҳлари алоҳида қайд қилинмаган эди. Регионни орнитофаунаси 2700 дан ортиқ турни қамраб олган бўлиб, бу дунёдаги қуш турлари хилма-хиллигини чорак қисмидан кўпроғи демакдир. Регионда аҳоли сонини ўсиши, иқтисодиётини фаол ривожланиши табиий экосистемаларда сезиларли таъсир этмоқда. Одам фаолияти натижасида деярли ҳамма жойда деградация рўй бермоқда, баъзи ҳудудларда даштлар, ўрмон-тўқайзорлар, намли жойлар тамоман йўқолмоқда. Анна шундай тайзиқни қушлар мисолида кўриш мумкин. Регионда 332 тур глобал йўқ бўлиб кетиш хавфи олдида турибди. ИВА нинг Осиё дастури 1996 йилда ўз ишини бошлаган эди. Унинг мақсади региондаги қушларни ва умуман

биоҳилма-хилликни сақлаб қолиш, уларни муҳофаза қилишдан иборат. 2005 йилнинг баҳорида *BirdLife International* ҳомийлигида ИВА дастури Ўзбекистонга фаолият кўрсата бошлади. Шундан бери ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимиздаги муҳим орнитологик ҳудудлар (МОҲ)ни аниқлаш борасида кўп ишлар амалга оширилди. Республикаимиздаги мутахасис-орнитологлар ихтиёрида бўлган, турли йилларда тўпланган маълумотлар асосида 56 та потенциал МОҲ рўйхати аниқланди ва 51га яқин МОҲлар учун ҳисобга олиш варақалари тўлдирилди. Муҳим орнитологик ҳудудларнинг яна бир жиҳати, бу фақатгина нодир ёки камайиб кетаётган турларни муҳофазасига қаратилган тадбир бўлибгина қолмай, балки Республика ҳудудида қушларнинг турли ҳаётий шароитларида-уялашда, баҳорги, кузги миграция давларида ёки қишлашда уларнинг учраш хусусиятларидан келиб чиқиб (қишлоқчи, учиб ўтувчи, ўтроқ) гуруҳларда қушларнинг асосий тўпланиш характери ёки кўринишини яқка ёки гала кўринишидалиги, соф ёки аралаш ҳолидалиги каби белгилари ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, ҳудудларда айниқса, сувликларда учрайдиган қушларнинг колониялари, колониядаги айрим тур вакилларининг сони ва унинг мақомлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Муҳим орнитологик ҳудудларни белгилашда бутун дунё миқёсида қўлланилиш шартлари келишиб олинган бўлиб бунга кўра қушлар 4 та категорияга ажратилади ва ҳар бир категориянинг ўзи ўз навбатида қушларнинг айрим хусусиятларига қараб яна гуруҳланади Бунда:

A1-Глобал, таҳликали турлар

A2-Эндемик ёки тор ареалли турлар учрайдиган ҳудуд.

A3-Жамоалар шаклланадиган ҳудуд, биом чегараси

A4-Уя қуришда, миграцияларда ёки қишлашда учраш жойи сифатида танланадиган ҳудудлар (2- жадвал).

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики Муҳим Орнитологик Ҳудудларни белгилашда турнинг фақатгина сони эмас, балки уларнинг учиб ўтиш йўллари, бунда улар ҳосил қиладиган гала таркиби, галадаги қушлар сони, дунё популяциясига нисбатан миқдор ҳамда улар қайд этиладиган жойнинг табиий шароитлари ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Аммо муҳим орнитологик ҳудудни белгилашда келтирилган мезонларнинг ҳеч бўлмаганда биртасидаги талаб шартлари

бажарилиши лозим. Акс ҳолда мазкур ҳудуд кўриқланадиган орнитологик нуқта бўла олмайди. Худди шунингдек, белгиланаётган ёки белгиланишга тавсия этилаётган хар бир нуқта, мезон шартларининг бир нечтаси талабларига бир вақтнинг ўзида мос келиши мумкин.

Бундай ҳолда ушбу нуқта қушларни муҳофазаси учун энг мақбул жой сифатида биринчи навбатда ҳимоя зонаси деб тавсия этилади.

Рўйхатга олинган муҳим орнитологик ҳудудларлар орасида Бухоро ва Навоий вилоятдан Тўдакўл, Шўркўл сув омборлари, Когон балиқчилик хўжалиги, Вардонзе табиат ёдгорлиги, “Жайрон” экологик маркази, Қарақир, Зикри, Денгизкўл, Оёқоғитма кўллари, Хужадават маскани, Қарнабкўл, Букантау, Оқтау, Нурота, Мингбулоқ ботиғи, Оқсой, Зарафшон шаҳри яқинидаги Шохдор (Рогате) кўли ва унинг атрофи, Сармишсой манзилгоҳлари ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Эндиликда ушбу марказлар Халқаро аҳамиятга молик нуқталар сифатида қушлар муҳофазасини ташкил этиш марказларидан саналади. Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида ҳудуд орнитофаунасининг тур таркиби таҳлил этилиб, кам сонли ва нодир турлар йиғиладиган асосий марказлари белгилаб олинди. Шунингдек қушлар ҳаётига таъсир этаётган табиий ва антропоген омиллар аниқланди ва уларни бартараф этишга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Мазкур фаолият ҳудуд орнитофаунаси муҳофазасини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлаш лозим. **3. Шунингдек вилоятнинг Қорақир массивида Араб амирликлари билан ҳамкорликда Халқаро аҳамиятга эга бўлган, кам сонли нодир турлардан бири *“Йўрға тувалоқ”ни кўпайтириш мақсадида ташкил этилган махсус “питомник”*** ушбу тур муҳофазасида алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Худди шундай тадбир Бухоро вилоятига чегарадош Навоий вилоятида ҳам амалга оширилмоқда. Бу ерда 2007 йилдан йўрға-тувалоқ қушини кўпайтириш ва парвариш қилиш бўйича «Emirates Centre for Conservation of Houbara» МЧЖ фаолият юритиб келмоқда. Олинган маълумотларга кўра, жамият томонидан 2012-2013 йиллар давомида 220 дан ортиқ йўрға-тувалоқ питомникда парваришланиб, табиатга қўйиб юборилган. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатида питомникда 1600 та йўрға-тувалоқ парваришда бўлган ва шу йил давомида 500 қушни табиатга қўйиб юборилди.

2- жадвал

Мухим Орнитологик Худудларни белгилашда қўлланиладиган категория шартлари

| Т/р | Категориялар | Критерийлар | Изоҳ |
|-----|---|---|---|
| 1 | A1 Глобал таҳликали турлар | Белгиланаётган худудда бир ёки бир неча нодир тур вакиллари мунгазам учрайди, глобал йўқолиш таҳликаси остида. Шунингдек яқин орада ушбу категорияга тушиши мумкин бўлган турлар. | МОҲ-шундай ҳолатда белгиланадики, агар Ушбу худудда критик ситуациядаги , йўқолиб кетиш таҳликасида бўлган турлар учраса ёки бундай турларнинг учраши тахмин қилинган. |
| 2 | A2. Тор ареалли ва эндемик турлар (Ўрта Осиё учун дахлдор эмас) | Ушбу ажратиладиган ёки белгиланаётган худудда тарқалиш ареали қисқариб бораётган, эндемик деб қайд этилган бир ёки бир неча тур вакиллари учрайди. | Агар белгиланаётган орнитологик худуднинг бир ёки бир неча бўлимларида эндемик тур вакилларидан бир ёки бир нечтаси учраса |
| 3 | A3 Жамоалар чегараланган биомлар | Ушбу белгиланаётган худудда бир ёки бир неча тур вакиллари каттагина сонда учраши кузатилади | Ушбу худудда биомга хос бўлган барча турларнинг учраши кузатилади. |
| 4 | A4. Уялаш миграциялар ёки қишларда тўпланадиган жой | (I) Ушбу белгиланаётган худуд маҳаллий сув ва суволди қушлар популяцияси вакилларининг 1 % дан кам бўлмаган миқдори гала ҳосил қилиши кузатилади ёки тахмин қилинади. (II) Ушбу белгиланаётган худудда сув ва суволди қуш турлари ёки қуруқлик қушларининг дунё популяциясининг 1%дан кам бўлмаган миқдори кузатилади. | Бу тахлил сув ва сув олди турларнинг Рауз ва Скотт (1977)лар томонидан қайд этилган турларига дахлдор. Мигрантлар орасидаги Марказий Осиё мигрант турлар популяциясини 1%ни ташкил этиши кўрсатдилар. Бу гуруҳга мигрант турлардан денгиз ва қуруқликда учратилмаган ва Роузе ва Скотт (1977)лар гуруҳлашига киритилмаганлари қиради.бу турлар сонини Дәне |

| | | |
|--|--|---|
| | | популяциясини 1%ни ташкил этиши кузатишган. |
| | (III) Ушбу худудда 20000 дан кўпрок микдорда сув ва суволди кушлари ёки 10000 жуфт денгиз кушларини бир ёки бирнеча тури учрайди. | Бу критерий Рамсар тахлили бўлиб, сув ва сув олди турларига тегишли бўлади. |
| | (IV) Тавсия этилаётган ушбу худуд мигрант турлар йўлида жойлашган ёки миграция йўлининг тикислашиб ўтган жойи эканлиги тахмин этилади. Шунинг учун мазкур жойда асосий мигрантлар учрайдиган худуд (ёки “бутылочного горлышка”) деб аталади. | Регионал ёки регионаллараро аҳамиятга эга бўлган химоя зонаси тавсия этилади. |

4. Вилоят ҳудудидаги сувликлардан Денгизкўлнинг Халқаро аҳамиятга эга бўлган сувликлар сифатида **Рамсар Конвенциясига** киритилганлиги ва айти вақтда Бухоро ва Навоий вилояти чегарасида жойлашган Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларини ушбу Конвенцияга киритишга тегишли бўлган барча ҳужжатлар расмийлаштирилган. Мазкур ҳавзалар ва уларнинг атрофида Ўзбекистон ва Халқаро “Қизил китоби”га киритилган 45 та тур рўйхатга олинган бўлиб, шундан 22 та тур Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ–IUCN) нинг “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати”га киритилган. Мазкур нодир турлардан 10 таси ушбу ҳавзалар ва уларга тегишли биотопларда уя қуриб кўпайишда иштирок этади.

5. Қорақир кўлли эса Қизилқум саҳролари бўйлаб учиб ўтувчи сув ва суволди қушлар ҳаётидаги тутган ўрни учун республика аҳамиятидаги **«орнитологик буюртмахона»** сифатида рўйхатга олинган. Бугунги кунда ушбу сувҳавза, мазкур йўналиш бўйлаб учиб ўтувчи сув ва суволди турларнинг асосий концентрация марказларидан бирига айланган.

ВИЛОЯТДА ТАЪСИС ЭТИЛГАН “МУҲИМ ОРНИТОЛОГИК ҲУДУДЛАР”

1. Қорақир кўли ИВА № UZ012

Кординатлари: 40° 24'N 63° 29' E


Д.с.баландлиги; 180-208 м.

Майдони; 64242 га.

Статуси; Қисман “Қорақир” буюртмахонаси ҳудудга тегишли

Критерийлари; А 1, А3, А4i, А4iii

Бухоро вилоятининг Пешкў туманида жойлашган. Қорақир кўли Газли шаҳарчасидан 30км жанубий шарқда, Бухоро шаҳридан 120 км. шимолий- ғарбида, Қизилқум чўлининг жанубий-ғарбидаги йирик сувликларидан бири. Кўл 1970 йилларда 3 та йирик Катта Қорақир, Кичик Қорақир ва Аквариум ташланма кўлларнинг бирлашиши ҳисобидан шаклланган.



Кўл вилоятнинг шимолий қисмидан оқиб ўтувчи “Шимолий коллектор” сувлари ҳисабидан шакилланган. Кўлда тушадиган сувнинг асосий массаси баҳор фаслига тўғри келади. Ёз фаслида коллектордан оқиб келаётган сув миқдорининг камайиши ва кўлдан сув буғланишининг юқорилиги ҳисобидан кўлнинг майдони 40-50%га қисқариши кузатилади. Кўл қирликлар бағрида шакилланганлиги сабабли унинг асоси бирмунча қаттиқ ил ётқизиқларидан иборат. Кўлнинг чуқурлиги 5,0 м. ўртача 2,3-3,0 м.ни ташкил этади. Кўл сувининг минераллашуви юқори.

Кўл сувида микроскопик планктон сув ўтларидан: *Scenedesmus acumintus*, *S. Obliguus*, *S. Guadricauda*, *S. Bijugatus*, *Ankistrodesmus acicularus*, *A. angustus*, кўк яшиллардан *OscillatRIA Chalybea*, *O. Geminata*, *O. Limosa*, *O. Princeps*, *O. Neglecta*, диатомлардан *Diatoma elongatum*, *Cyclotella meneghimiana*, *Synedra acus*, *Navicula radiosa*, *Cymbella affinis* ва бошқалар учрайди. Зообентоснинг 27 тури учрайди улар орасида хирономид личинкалари доминант тур саналади.

Баҳор фаслида коллекторда оқиб келаётган сув миқдорининг кўпайиши ҳисобидан кўл теварагидаги қумликларда захлашиш кузатилади ва бу намсевар ўсимликларни оқ саксовул, юлғун, янтоқ, камиш, черкез, астрагаллар кенг майдонда тарқалишини таъминлайди. Кўл акваториясининг тевараги қамиш, лух ва юлғунлар ҳисобидан қалин қопламни ҳосил қилган ва бу тўқайлар ёввойи ҳайвонлар, қушлар учун ўзига хос бошпана взифасини бажаради. Бу ерда қайд этилган 200 тур қушнинг 122 тури сув ва суволди қушлари ҳисобланади. Қишлашда 43 тур, уя қуришда эса 37 тур сув ва сув олди қушлари

рўйхатга олинган (Лановенко Е.Н., Тўраев М. М., 2008). Худудда нодир куш турларидан чўл жиктоғи (миграцияда), йўға тувалок, оқбовурлар (уя қуришда) учрайди. Чўл биотопи учун характерли бўлган йилқичи, саман тентакқуш, кўк кургалаклар, хўжасавдогар, тош сирчумчук, мойқут, жануб кургалаги, вьюроклар қайд этилади.

Кам сонли нодир ҳайвонлардан эчкемар –*Varanus griseus*, тошбақа- *Testudo horsfieldi*, сут эмизувчилардан жайрон – *Gazella subgutturosa* лар учрайди. Худуд табиатига броконерлик фаолиятларнинг юқорилиги, кўлда сув сатҳининг ўзгариб туриши, меъеридан ортиқ ҳайвонлар ва балиқ овлаш, чорва молларини боқишдаги назоратнинг бўшлиги ва саксавулларни йиғиш каби салбий таъсир яққол кўзга ташланади.

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|--|-------------------------|-----------------------------|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишлашда |
| А1 Глобал таҳликали турлар | | |
| Жингалакли бирқозон | | 44 қишлашда(2004); |
| Пискулька | | 30 қишлашда (2005); |
| Олақанот ўрдак | | 50 қишлашда(2004); |
| Оқбош ўрдак | 42 қишлашда(2006); | 5000қишлашда(2004-05); |
| Глобал таҳликали турлар (кам сонда учраганлиги учун А1 киритилмади) | | |
| Узундумли сув бургут | | 1 қишлашда(2000); |
| Йўрға тувалок | 2-14 қишлаш(1998,2000); | |
| А3 тарқалиши жиҳатдан “Евроосиё чўл ва чала чўл” биомига хос турлар | | |
| Йўрға тувалок | 2-14 (1998-2000); | |
| Малла тентакқуш | 2-14(1998-2006); | |
| Хўжа савдогар | 1(1998-2006); | |
| Жануб барматушкаси | 3-20(1998-2006); | |
| Жиқ-жиқ | 1-5(1998-2006); | |
| Саман вюрок | 2-6(1998-2006);ўтрок | |
| Сарик дехқон чумчук | 1-7(1998-2006); | |
| А4и сони тегишли тур популяцияининг 1% ёки ундан кўпни ташкил этади | | |
| Қанжир | | 3000 қишлашда (2000-05); |
| Катта қоравой | | 55-2040 қишлашда (2000-05); |
| Кичик қоравой | | 23-5560 қишлашда |

| | | |
|--|----------------------|----------------------------------|
| | | (2000-05); |
| Кўк ғоз | | 115-27695 қишлаш (2000-04); |
| Ёвойи ўрдак | | 917-12332 қишлаш (2000-5); |
| Олмабош ўрдак | | 1102-41700 қишлашда (2005); |
| Ҳайдаркокил | | 184-34050 қишлашда (2000-4); |
| Хитой ўрдак | | 1-790 қишлашда (2000-05); |
| Ёмон чераг, луток | | 2-491 қишлашда (2000-04); |
| Оқбош ўрдак | 42(2006) | 5000 қишлашда (2004-05); |
| Қашқалдоқ | | 5206-46000 қишлашда (2000); |
| A4iii сув ва суволдиқушлар 20000 ва ундан юқори сонда учрайди | | |
| Сув ва суволди қушлар | | 85070-144173 (37тур) қишлашда |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Пушти бирқозон | 35(2006);номунтаззам | 5 қишлашда(2004); |
| Кичик оқ қарқара | 18(2006);номунтаззам | |
| Қошиқбурун | 33(2006);номунтаззам | |
| Қоравой | 44(2006);номунтаззам | |
| Оққуш шипун | 23(2006);баъзан | 14 қишлашда(2004); |
| Оққуш кликун | | 3 қишлашда(2005); |

2. Вардонзе орнитологик маркази

IBA № UZ014

Кординатлари: 40°08 N; 64°27 E

Д.с.баландлиги; 240-252 м.

Майдони; 326 га.

Статуси; Қўриқланадиган ҳудуд, Вардонзе миллий ёдгорлиги

Критерийлари; А 1.

Вардонзе миллий ёдгорлиги, Бухоро шаҳридан 50 км. шимолий-шарқда, Шофиркон шаҳридан 7 км. шимолий-ғарбда жойлашган. Ҳудуд Қизилқум саҳросининг жанубий ғарбидаги кумликларнинг воҳа билан чегарада қисмида жойлашган. Ҳудуднинг характерли ўсимликларидан қора саксаул, черкез, жузғн, янтоқ ва бир қатор эфимер ўтчил ўсимликлардан иборат. Камсонли ҳайвонлари орасида Ўрта Осиё тошбақасини кўрсатиш

мумкин. Худуд орнитофаунасини асосан учиб ўтувчи турлар ташкил этади. Худудда 147 турдаги учиб ўтувчи, қишлоғчи ва уя қурувчи турлар қайд этилган. Бундай юқори хилма-хилликнинг асосини худуднинг географик ўрни билан изоҳлаш мумкин. Ушбу орнитологик худудда учровчи қушларнинг 21,1% қишлашда ва 20,4% уя қуришда учрайди улар орасида айниқса тўқайзор ва чўл биотопига мансуб бўлган зарафшон қирғовули, йилқичи, саман бойўғли, тентаққуш, укки ва айниқса кўк қарға каби турлар яққол ажралиб туради. Худудда антропоген трансформациянинг кучайиши оқибатида сўнгги йилларда йўрға тувалоқ, оқ қанотли қизилиштон каби турлар бугунги кунда худудни тарқ этганлигини қайд этиш лозим. Сўнгги ўн йилликлар давомида худуднинг инсоният томонидан ўзлаштирилиши ва чўл ландшафтнинг бутта, дарахтларининг чопиб олиниши туфайли худуднинг фауна ва флорасида сезиларли таъсир кўрсатганлиги кўзга ташланмоқда. Шундан келиб чиқиб, худудда махсус муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш лозим.

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|---|--------------------|-----------------------|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишлашда |
| A1 Глобал таҳликали турлар | | |
| Кўкқарға | 30-40 (2000,2006); | |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Зарафшон қирғовули | доимий ўтроқ | |

3. Тўдакўл ва Қуйимозор сув омбори IBA № UZ015

Кординатлари: 39°51 N; 64°50 E

Д.с.баландлиги; 222-262 м.

Майдони; 33648 га.


Статуси; Қисман қўриқланадиган худуд

Критерийлари; A 1, A4i, A4iii

Ушбу сув ҳавзалар Бухоро вилоятининг Когон тумани ва Навоий вилоятининг Қизилтепа туманлари чегарасида жойлашган ва ҳар икки вилоят учун муҳим орнитологик марказ сифатида белгиланган. Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборлари Бухоро шаҳридан 29 км шимолий шарқда жойлашган. Қуйимозор сув омбори 1957 йилда, Тўдакўл 1983 йилда ишга тушган ва ушбу сув омборлари бир биридан 1 км узоқликда жойлашган.

Ҳар иккала сув омбори ҳам бугунги кунда Аму-Бухоро каналидан тўйинади.

Тўдакўл шаклан айлана кўринишда бўлиб, айланаси-30 км, ўртача чуқурлиги-5-8 м. Сув сиғими 1200 млн м³, ҳозирги кундаги сув ҳажми 718,8 млн м³. Тўдакўл сув омборининг шимолий ва ғарбий қирғоқлари сув ўтлардан холи бўлсада, унинг жанубий ва шарқий қирғоқлари бўйлаб 10-200 м гача қалинликдаги қамиш, лух ва юлғун бутталаридан иборат ўсимлик қоплами билан ўзига хос тўқайзор ҳосил бўлган. Шунингдек Тўдакўлнинг ғарб томонида дамба ўрнатилган бўлиб, бу дамба сув омборининг чегаралаб туради. Дамба ортида эса 100 га. майдонга эга бўлган, қамиш билан қопланган ботқоқлашган сувлик мавжуд. Тўдакўл сув омбори ва унинг теварагидаги ушбу ботқоқлашган қамшзорлар сув ва суволди қуш турлари учун мавсумий мигратлар, қишлоғчи ва уя қуришда қолувчи бир қатор турлар учун муҳим бошпана бўлиб хизмат қилади. Қуйимозор сув омбори чўл зонаси туманларини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ташкил қилинган сув омбори бўлиб, унинг сув сиғими 320 млн м³, ҳозирги кундаги сув ҳажми 162,8 млн м³. Чуқурлиги 22 м, ўртача 8-10 м.



Ушбу сув омборининг теварагида сув ўтлари ўсмайди ва узоқ йиллардан бери зарурат ҳолларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Ушбу сув омбори

ҳам асосан қишлоғчи ва мигрант қушларнинг мавсумий тўпланиш маркази сифатида хизмат қилади. Сув омбори ҳудудида бир қатор кам сонли сув қушларининг қишлашда тўпланишини кузатишимиз мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар давомида ушбу сув омборлар ҳудудида уя қурадиган нодир сувда сузувчи турлардан: оқбош ўрдак – *Oxyura leucoserphala*, мармар ўрдак – *marmaronetta angustirostris* ва олақанот ўрдак – *Aythya nyroca*, қошиқбурун – *Platalea leucorodia*, каравайка – *Plegadis falcinellus*, кичик оқ қарқара – *egretta garzetta* ва кичик қоравой – *Phalacrocorax pygmaeus*; қишлашда ва учиб ўтишда кўп сонли қушлардан- жингалалакли бирқозон – *Pelicanus crispus* ва пушти бирқозон - *Pelicanus orocrotalus*, оққуш-шипун – *Cygnus olor*, гўзал турна– *Grus virgo*, сувқийғир – *Pandion haliaetus*, оқ думли сув бургут – *haliaetus albicilla*, бургут – *Aquila chrysaetos*, чўл бургут – *Aquila nipalensis*, қорабошли балиқчи – *Iarus ichthyaetus*., қизил ғоз - *phoenicopterus*, қишлашда пискулька – *Anser erythropus* қайд этилади (Крейцберг Е. А., Лановенко Е.Н., 2008).

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|--|--------------------------|--|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишлашда |
| A1 Глобал таҳликали турлар | | |
| Жингалакли бирқозон | | 100-300 миграция-6-800 қишлашда(1996-06) |
| Пискулька | | 8-51қишлашда (2001-02) |
| Мармар ўрдак | 11жуфт(1997) | 110қишлашда(1996-2000) |
| Олақанот ўрдак | Бир неча жуфт(1996-2006) | 175миграцияда (2006) |
| Оқбош ўрдак | 4жуфт (2003-04) | 71-278қишлашда(2004-5) |
| Глобал таҳликали турлар (кам сонда учраганлиги учун A1 киритилмади | | |
| Узундумли сув бургут | | 1 |
| A4i сони тегишли тур популяцияининг 1% ёки ундан кўпни ташкил этади | | |
| Кулранг чакка поганка | | 2-2000 учиб ўт.(1996-06) |
| Қорабўйин поганка | | 250-5800 учиб ўт.(1996-06) |
| Пушти бирқозон | | 2-2500 учиб ўт.(1996-06) |
| Жингалакли бирқозон | | 100-300 учиб ўт.(1996-06)/6-800 |

| | | |
|--|------------------------|--|
| Катта баклан | 300 жуфт (1996-2006) | 70-7800учиб ўт.(1996-06) |
| Кичик баклан | 12-50 жуфт (1996-2006) | 40-3200учиб ўт.(1996-06) |
| Катта оқ қарқара | | 1000 учиб ўтишда, 1080 қишлашда (1996-06) |
| Қошиқбурун | 18-120 жуфт(1996-2006) | |
| Кўк ғоз | 12-50 жуфт (2006) | 4800 қишлаш,миг.(1996) |
| Олақанот суксур | | 40-5500 қишлаш ,миг.(1996) |
| Ёввойи ўрдак | | 3000-15000 қишлаш |
| Мармар ўрдак | 11 жуфт (1997) | 110 қишлаш (1996-2000) |
| Олмабош ўрдак | бирнеча юз(1996-2006) | 28000 қишлаш(2005) |
| Ёмон чераг | | 50-770 қишлаш (1996-2005) |
| Катта чераг | | 2-300қишлаш(1996-2005) |
| Оқбош ўрдак | 4жуфт(2003-2004) | 71-278 қишлаш (1996-05) |
| Қашқалдоқ | | 60- 22000қишлаш,миг.(1996) |
| A4iii сув ва суволдиқушлар 20000 ва ундан юқори сонда учрайди | | |
| Сув ва суволдиқушлар | | 55345-168533қишлаш 2005 |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Кичик оқ қарқара | 8-150(1996-2006) | Доимий учиб ўтувчи |
| Қоравой | 30 жуфт (1996-2005) | |
| Сувқийғир | | 24 учиб ўтувчи(2000) |
| Оқдумди сувбургут | | 3-26 қишловчи(2000-06) |
| Сапсан лочин | | 2-24 қишловчи (2000) |

4. Когон Балиқчилик хўжалиги ИВА № UZ016

Кординатлари: 39°47 N; 64°4 1E

Д.с.баландлиги; 200-235 м.


Майдони; 1763 га.

Статуси; Қўриқланмайдиган ҳудуд

Критерийлари; А 1, А4i, А4iii

Бухоро шаҳридан 27 км шимолий-шарқда, Когон туманининг Тўдакўл сув омбори билан чегара ҳудудида, Бухоро Қизилтепа автомагистралидан 2 км.шарқда жойлашган. Балиқчилик хўжалиги Қарнабкўл тупроқлари билан туташган. 1970 йилда барпо этилган ушбу балиқчилик хўжалиги 5 та

ҳовуздан иборат бўлиб унинг майдони бугунги кунда 300 гектар. Ҳовузларнинг чуқурлиги 0,7-3,2 м. Хўжалик ҳовузларига сув Аму-Бухоро каналидан қуйилади. Ҳовуздаги сув сатҳи унга сувнинг кириши билан характерланади. Ҳовузлардаги ўзига хос хусусият ҳовузлар ташкил этилган жойнинг географик ўрни билан боғлиқ, яъни хўжалик ҳовузларининг асоси кучли минераллашган қатламлар билан қопланганлиги учун ҳовузлардаги сув тез шўрланади. Шу боисдан хўжалик тевагаида зовурлар чиқарилган бўлиб, ҳовуз сувлари мунтазам тозаланиб, зовурларга оқизиб турилади.



Хўжаликнинг Тўдакўл сувомборига яқинлиги ва балиқ захираларининг кўплиги ҳамда ҳовузларнинг саёзлиги хўжалик орнитофаунасининг ўзига хос комплексини шакиллантирган. Хўжалик ҳовузлари тевагаидаги қамишзор сувликлар бир қатор сув ва суволди қуш турларининг уя қуриб кўпайиши учун қулайликларни беради. Бугунги кунда хўжалик ҳудудида 153 турдаги қушларнинг учраши ва улар орасида 43 турдаги қушларнинг уя қуриб кўпайишда иштироки кузатилмоқда. Сув ва суволди қушлари 127 турни ташкил этади. Ушбу турлар орасида нодир ва камсонли қушлардан оққуш шипун - *cygnus olor*, каравайка - *plegadis falcinellus*, кичик оқ қарқара - *egretta garzetta*, қошиқбурун - *platalea leucorodia*, олақанот ўрдак - *Aythya nyroca* уя қуришда иштирок этади. Хўжалик ҳовузлари ҳудудида кишлашда, жингалак бирқозон-*pelecanus crispus*, узундумли сув бургут-*haliaetus leucorhphus* учиб ўтишда оқбош

ўрдак-oxuura leucosephala, мармар ўрдак-marmaronetta angustirostris нинг учраши сув ҳавзанинг муҳим ҳудуд эканлигидан далолат берса, сув ҳавзаси оролчалари ва қирғоқларида чигирчилар, жиктоқлар уялайди. (Тўраев М.М.,2008)

Хўжалик ҳовузлари теварагида антропоген таъсирларнинг юқорилиги ва олиб борилаётган қўриқлаш тадбирларининг сустлиги, ҳамда ҳовузларда сув сатҳининг бошқариб турилиши туфайли турлар хилма-хиллигига озор етмоқда. Ҳудудда аҳоли ва балиқчилар ўртасида тушинтириш ишларини олиб бориш лозим.

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|---|------------------|---------------------------|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишлашда |
| A1 Глобал таҳликали турлар | | |
| Жингалакли бирқозон | | 3-40учиб ўтишда(2006) |
| Олақанот ўрдак | | 10-150қишлашда(2006) |
| Оқбош ўрдак | | 10-200учиб ўтишда(2006) |
| Узундумли сув бургут | | 2-7 учиб ўтишда(2006) |
| Кўкқарға | 5-60(2006) | |
| Глобал таҳликали турлар (кам сонда учраганлиги учун A1 киритилмади) | | |
| Мармар ўрдак | 5-15(2006) | |
| A4i сони тегишли тур популяциясининг 1% ёки ундан кўпни ташкил этади | | |
| Кичик қоравой | Ўтроқ, куб сонли | 50-1500 учиб ўтишда(2006) |
| Қошиқбурун | 25-350(2006) | |
| Оқош ўрдак | | 10-200 учиб ўтишда(2006) |
| Ингичкаумшук балиқчи | | 60-2000 учиб ўтишда(2006) |
| Балиқчитумшук чигирчи | | 50-250 учиб ўтишда(2006) |
| Кичик чигирчи | | 60-1000 учиб ўтишда(2006) |
| A4iii сув ва суволдиқушлар 20000 ва ундан юқори сонда учрайди | | |
| Сув ва суволдиқушлар | | 20000 учиб ўтишда(2006) |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Пушти бирқозон | Учиб утувчи | |
| Кичик оқ қарқара | Уя қурувчи | 50-600 учиб ўтишда(2006) |
| Қоравой | Уя қурувчи | 30-350 учиб ўтишда(2006) |
| Фламинго | | 4-25 учиб ўтишда(2006) |
| Оққуш шипун | 10-40 (2006) | учиб ўтишда |
| Сувийғир | | 2-4 учиб ўтишда(2006) |
| Оқдумли сув бургут | | 2-7 учиб ўтишда(2006) |

| | | |
|-------------------|--|---------------------|
| Қорабошли балиқчи | | 10-25қишлашда(2006) |
| Оқбовур | | Кам сонли, кучманчи |

5. Жайрон экомаркази. Бухоро вилоят Когон туманида жойлашган.

ИВА № UZ017

Кординатлари: 39° 37' N , 64°39' E


Д.с.баландлиги; 219-332 м.

Майдони; 32709 га.

Статуси; Қисман “Жайон” экомаркази ҳудудга тегишли

Критерийлари; А 1, А3,А4i

“Жайрон” экологик маркази республикамизнинг нодир ва кам сонли ҳайвон турларини кўпайтириш ва улар биологиясини ўрганиш мақсадида 1977 йилда ташкил этилган бўлиб, экологик марказ Бухоро шаҳридан 42 км. жанубий-шарқда, Когон ва Қоравулбозор туманлари чегарасида, Бухоро-Қарши автомагистирали йўл ёқасида жойлашган. Экомарказнинг жанубий чегараси Аму-Бухоро каналига тақалган бўлса, унинг ғарбий чегарасидан Бухоро-Қарши темирйўли тармоғи ўтган.



Экомарказ ташкил этилган вақтда унинг майдони – 5145 га.ни ташкил этган эди ва бу майдон тўлиқ симли тўсин билан ўралган, кўриқлаш ҳамда илмий тадқиқотларга қулай яхлит майдондан иборат бўлган бўлса, 2010 йилдан бошлаб экомарказнинг 27564 га. майдонга эга бўлган, тевараги тўсинлар

билан ўралмаган, иккинчи бўлими ҳам ишга туширилди. Ушбу бўлим худудидан юқори кучланишли электр тармоқлари, газ ўтказиш тармоғи, шимолий қисмида гипс ишлаб чиқориш карерлари, ҳамда 1 км. узоқликда шаҳар ахлатхонаси жойлашганлиги ва худудда бирнеча дехқончилик фермер хўжаликларининг экин далалари мавжудлиги бўлимда баъзи ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Экомарказнинг биринчи бўлимида 4 та ва иккинчи бўлимида 10 та турли катталиқдаги кўл ва кўлмаклар худудда хилма-хил қушлар комплексини шакилланишига асос бўлмоқда.

Жайрон экомарказидаги орнитофауна тур таркибида 257 тур қушлар учрайди, шундан 63 тури уя қурувчи ҳисобланади. Учиб ўтишда, гўзал турна- *Grus virgo*, тумшукдор қораёқа-*charadrius leschenaultia*, хитой ўрдак (гоголь) -*bucephala clangula*, ёмон чераг (крохал) - *mergus merganser*, тулес - *pluvialis squatarola*, олтинранг ржанка - *pluvialis apricaria*, шеголь -*Tringa erythropus*, мородунка - *xensus cinereus*, песчанка – *colidris alba*, грязовик - *limicola*, уя қуриб кўпайишда иштирок этувчи сув ва сув олди қушларидан, ёввойи ўрдак, кўк ғоз, кўк ва саман қарқаралар, мармар ўрдак, кўнғир, қанжир – *tachybaptus ruficollis*, катта қизилоёқ – *himantopus himantopus*, сувторғоқ – *vanellus leucurus*, мўйловдор читтак – *panurus biarmicus*, чўл биотопи қушларидан зарафшон қирғовули, сахро чумчуғи, йўрға тувалоқ учрайди (Солдатова Н. В., 2008.)

Аммо сўнги йилларда канал бўйлаб шакилланган тўқайзорларни кесилиши, чорва моллари туёғини кескин кўпайиши ва техноген таъсирнинг кучайиши туфайли қушлар сони камайиши кузатилмоқда.

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|-----------------------------------|----------------------|----------------------------|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишлашда |
| A1 Глобал таҳликали турлар | | |
| Жингалакли бирқозон | | 8-50учиб утувчи(2000) |
| Мармар ўрдак | 5-10 жуфт (2004-06) | 20-40 учиб утувчи(2004) |
| Олақанот ўрдак | 10-15 жуфт (2004-06) | 200 учиб утувчи(2004-06) |
| Оқбош ўрдак | | 20-62 учиб утувчи(2004-06) |
| Тасқара | | 14қишлашда (2004 -06) |

| Глобал таҳликали турлар (кам сонда учраганлиги учун А1 киритилмади) | | |
|---|----------------------|-----------------------------------|
| Кронқора | | Кам сонли қишловчи |
| Кростел | | Кам сонли уткинчи |
| Бизғалдоқ | | Кам сонли |
| Йўрға тувалоқ | 4-15 кам сонли ўтроқ | |
| Дупель | | Кам сонли уткинчи |
| А3 тарқалиши жиҳатдан “Евроосиё чўл ва чала чўл” биомига хос турлар | | |
| Йўрға тувалоқ | 4-15 (2000-04) | |
| Сув булдуруқ | 6-10 (2004 -2006) | |
| Саман бойкуш | 10-20 (2004 -2006) | |
| Жануб кургалаги | 100-200(2004 -2006) | |
| Сахро мойқути | 100 (2004 -2006) | |
| Жик-жик | 50-100(2004 -2006) | |
| Саман вюрок | 200-400 (2004 -2006) | |
| А4i сони тегишли тур популяциясининг 1% ёки ундан кўпни ташкил этади | | |
| Пушти бирқозон | | 1000-100учиб утувчи 2004 |
| Ҳаром қоравой | | 500-1000 учиб утувчи 2004) |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Қошиқбурун | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Қора лайлак | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Фламинго | | 33 қишларда, учиб ўтишда |
| Оққуш шипун | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Оққуш кликун | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Сувқийғир | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Оқдумли сув бургут | | Доимий,қишловчи |
| Илонхўр бургут | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Чўлбургут | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Бургут | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Кичик бургут | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Қирғий бургут | | Учиб ўтишда, бир марта учратилган |
| Сапсан лочин | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Қорабошли балиқчи | | Учиб ўтувчи,баъзан |
| Оқбовур | | Учиб ўтувчи,қишловчи |

6. Хўжадавлат орнитологик маркази**ІВА № UZ019****Кординатлари: 39°18 N; 63°43 E****Д.с.баландлиги; 170-200 м.****Майдони;4242 га.****Статуси; Қўриқланамайдиган ҳудуд.****Критерийлари; А 3**

Хўжадавлат орнитологик маркази Бухоро вилоятининг энг жанубий марказларидан бўлиб, у Бухоро шаҳридан 140 км.жанубий-ғарбда, Олот тумани марказидан 4 км.жанубда, Хўжа давлат темирйўл станциясидан 2 км. жанубда жойлашган. Орнитологик марказ Камирак қумлигида, икки йирик канал Аму-Қорақўл ва Ёмонжар каналлари оралигида саксаулу ўрмонзоридан жойлашган. Ҳудуддан қисқа масофада Бухоро-Чоржўй темир йўл тармоғи ўтган. Туркменистон республикаси чегараси яқинида жойлашганлиги учун, ҳудудда антропоген таъсирлар кам ва шу боисдан, ҳудуд биологик хилма-хиллиги бирмунча бой бўлган ҳудуд саналади.

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|--|---------------------------|-----------------------|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишларда |
| А3 тарқалиши жиҳатдан “Евроосиё чўл ва чала чўл” биомига хос турлар | | |
| Саман тентакқуш | 2-6 (2004 -2007)кам сонли | |
| Саман бойқуш | 10-20 (2004-2007) | |
| Оққаноли қизилиштон | 4-6(2004-2007),ўтроқ | |
| Жануб кургалаги | 40-80(2004-2007) | |
| Сахро мойқути | 40-80(2004-2007) | |
| Жиқ-жиқ | 30-60 (2004-2007) ўтроқ | |
| Бухоро читтаги | 30-70 (2004-2007) ўтроқ | |
| Сахро чумчуғи | 2-6 (2004-2007) ўтроқ | |
| Сарикбош деҳқончумчук | 20-30 (2004-2007) | |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Кичик қоровой | Кўп сонли | |

Ушбу орнитологик марказда қайд этилган 36 турдаги қушлар орасида евроосиё чўл ва чалачўл биотопига хос бўлган 9 турдаги қушларнинг учраши ва улар орасида 2 турдаги кам сонли ва нодир турларнинг ҳудудда уя қуришда учраши назарда тутилади (М.Митропольский,2008).

Ушбу ҳудудда кам сонли ва нодир ҳайвонлардан эчкемар – *Varanus griseus*, тошбақа- *Testudo horsfieldi*, сут эмизувчилардан жайрон – *Gazella subgutturosa* лар учрайди.

Аммо сўнги маълумотларга қараганда ушбу орнитологик марказ кейинги йилларда аҳоли серқатнов ҳудудларидан бири сифатида қайд этилмоқда. Ҳудуднинг майдон жиҳатдан тор йўлакда жойлашганлиги, унинг теварагида автомагистрал йўл, темир йўл тармоғининг ўтганлиги ва каналларни қозиш ва таъмирлаш тадбирлари жараёни ҳудуд ҳайвонот олами вакилларига, жумладан қушлар хилма-хиллигига сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Адабиётларда кўрсатилишича, бугунги кунда ушбу орнитологик марказда 27 та қуш тури учрайди (Е.А.Фелатова, Е.Н.Лановенко,2016).

7. ЗИКРИ КЎЛИ

ІВА №UZ020

Бухоро вилояти, Бухоро тумани

Координаталар: 39°15' N 64°40' E

Баландлик: 250-252 м ден.сатҳ.б


Майдони: 1555 га

Статуси; Махсус назорат қилинадиган ҳудуд эмас.

Критерийлари; А 1, А4i, А4iii

Зикри кўли Бухоро шаҳридан 30 км жанубий-шарқда, Қоравулбозор тумани марказидан 35 км шимолий-ғарбида Сандикли қумликларида ҳудудидаги жойлашган. 1990 йилларда Қарши колекторлари ва Девхона ўзани суви ҳисобидан шакилланган ушбу кўл, бугунги кунда табиий қиёфа намоён этмоқда. Кўл суви шўрланган, майдони 1600 га, чуқурлиги 8 м, сув сифими 110 млн/м³, баҳорда сув сатҳи кўтарилиб, кўл теварагидаги кўлмақлар ва қумликлар захланиши ҳисобидан унинг майдони кенгаяди, ёз ойларида кўлда қуйиладиган сувнинг камайиши ва буғланишнинг юқори бўлиши сабабли сув сатҳи кескин тушиб кетади (Абдуллаева М. А., 2003). Зикри кўлининг очик акваторяси ва унинг шимолий, шимолий-шарқий қисмидаги буттазор ва қамишлар суволди қушлари учун йилнинг турли мавсумларида (қишлашда, кўпайиш мавсумида, баҳорги ва кузги миграциялар вақтида) катта имкониятларга эга.

Ҳудудда қушларнинг 200 га яқин тури қайд этилади.



Кўлда 2000-2016 йилларда олиб борилган кузатишлар давомида қушларнинг 42 тури қишлаши аниқланди. Бу турлар орасида нодир қуш турларидан жингиладор бирқозон— *Pelecanus crispus*, олақанот ўрдак-, оқбош ўрдак-*oxiura leucoscephala* қайд этилса, кўп сонли қушлардан қашқалдоқ – *Fulica atra* ва кулранг ғоз – *Anser anser*, ёввойи ўрдак – *Anas platyrhynchos*, қизилбош ўрдак – *Aythya ferina*, олмабош ўрдак – *Netta rufina*, суқсур – *Anas creata*, чуррак – *Anas crecca* каби турлар рўйхатга олинади.

Кўл ҳудудида уя қурувчи қушларнинг 32 турининг иштироки кузатилиб улар орасида нодир ва кам сонли турлардан оққуш-шипун, кичик оқ қарқара, каравайка, қошиқбурун, кичик қоравойларнинг борлигини таъкидлаш лозим (Лановенко Е. Н., 2008).

Кўл теварагида Ўртаосиё тошбақаси-*Testudo horsfieldi*, эркемар- *Varanus griseus*, узун нинали типратикан- *Hemiechinus hypomelas*, жайрон- *Gazella subgutturosa* каби нодир ҳайвон турлари учрайди.

Шуларни инобатга олиб, кўл ҳудудини давлат буюртмахонаси деб эълон қилиш ва кейинчалик уни Рамсар конвенциясига киритишга тавсия бериш лозим. Кўл ҳудудида балиқчилар томонидан олиб бориладиган техник фаолиятлар жараёнида қушларнинг балиқчилар тўрларига ўралиб қолиши, ҳоллари, кўпайиш мавсумида кўлда сув сатҳининг кескин

кўтарилиши туфайли бир қатор уяларнинг нобуд бўлиши, кўл теваарагида мол боқиш ва қамишларни ўриб олиш ва ўт қўйиш каби ҳолатлари учраб туради. Бу каби нохуш ҳолларни олдини олиш зарур.

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|--|-----------------|--------------------------|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишлашда |
| A1 Глобал таҳликали турлар | | |
| Жингалакли бирқозон | | 5-35 қишловчи 2005-06 |
| Олақанот ўрдак | Кам сонли | 1-185 (2000-2004) |
| Оқбош ўрдак | Кам сонли | 9-52 қишловчи (2000-06) |
| Глобал таҳликали турлар (кам сонда учраганлиги учун A1 киритилмади) | | |
| Тасқара | | 1қишлашда 2004 |
| A4i сони тегишли тур популяцияининг 1% ёки ундан кўпни ташкил этади | | |
| Кўк ғоз | | 26-25546 қишлашда 2000 |
| Олмабош ўрдак | | 3027-17785қишлашда 2000 |
| A4iii сув ва суволдиқушлар 20000 ва ундан юқори сонда учрайди | | |
| Сув ва суволдиқушлар | | 26667-43756қишлашда 2000 |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Кичик қоравой | Куп сонли,ўтроқ | 10-53қишлашда 2000-05 |
| Кичик оқ қарқара | Кам сонда | 1 қишлашда (2000 -05) |
| Оққуш шипун | | 13-26 қишлашда (2000) |
| Оққуш кликун | | 1-67 қишлашда (2000) |
| Оқдумли сув бургут | | 3-18 қишлашда(2000 -05) |
| Чўл бургут | | 1қишлашда (2000 - 2004) |
| Қорабошли балиқчи | | 3 қишлашда (2003) |

8. Денгизкўл кўли ИВА № UZ021

Кординатлари: 39°08' N 64°07' E

Д.с.баландлиги; 183-267 м.

Майдони; 49658 га.

Статуси; “Денгизкўл” Орнитологик давлат буюртмахонаси сифатида қўриқланади, шунингдек сув хавза Халқаро Ramsar конвенциясига киритилган ҳудуд сифатида назорат қилинади.


Критерийлари; A 1, A3,A4i, A4iii

Денгизкўл Бухоро шахридан 75 км жанубий-шарқда Ўзбекистоннинг Туркменистон республикаси билан чегараси яқинида, Олот тумани ҳудудида, Сандикли кумликларининг шимолий қисмида жойлашган. Кўл ўзининг майдони жиҳатдан вилоятнинг энг катта ва энг қадимий сув хавзаларидан ҳисобланади. Ўтган юзликларда Денгизкўл Зарафшон дарёсининг қуйилиш жойи бўлган. Эндиликда бу кўл асосан вилоятнинг йирик коллекторлари орқали оқувчи оқава сувлар ҳисобидан сув билан таъминланмоқда, шу боисдан кўлнинг суви кучли шўрланган (фақатгина Аму-Бухоро каналида сув сатҳи кўтарилганда, каналдаги сув сатҳини меъёрлаштириш мақсадида бир қисим чучук сув “Ташланма” канали орқали кўлга қуйилади). Кўлнинг умумий майдони 49658 гектар, сув сифими 0,08 – 1,5 млрд/м³. энг чуқур жойи 30 м, ўртача 10 м. (Абдуллаев М. А ва бошқалар)., Кўл сувида зоопланктоннинг 12 тури бор, зообентоснинг 11 тури, фитопланктонларнинг кўк-яшил сувўтлари, яшил сувўтлари ва диатомлар гуруҳига мансуб бўлган 10 тури аниқланган. Макрофитлар билан қопланган саёзликларда хара, кўға, лух ва камишлар учрайди. Бундай камишзорлар кўлнинг шимолий-ғарбида катта майдонни эгаллаган бўлиб, бу ҳудуд кўлда уя қурувчи сув ва суволди қушларининг асосий концентрация марказидир. Денгизкўлда 133 қуш тури қайд қилинган. 63 тур қуш уя қуришда иштирок этади (булар орасида 9 тур ўтроқ қушлар) ва 27 тур қишлоғчи ҳамда 56 тур учиб ўтувчи ҳисобланади.

Қишлоғчи қушлар 19277 дан 186634 тагача бўлади. Қушларнинг сони ва тур таркиби ўзгарувчан, доимий эмас (1986, 1991-1995 йилларда 21297 тадан 504000 тагача бўлган) (Ланавенко.Е.Н. (2001), Лановенко Е. Н., Тўраев М. М.,2008).

Республикамизда айниқса мустақилликка эришилгандан сўнг биологик хилма – хилликни сақлаш бўйича бир қатор халқаро конвенциялар ва келишувлар имзоланган. Шундай келишувлар орасида (АЕWA) халқаро аҳамиятга эга бўлган, асосан сувда яшовчи қушлар яшаш жойи ҳисобланган сув ботқоқли ерлар тўғрисидаги халқаро конвенция доирасидаги тадбирлар мувофақиятли амалга оширилмоқда (Рамсар келишуви). Мана шу конвенция доирасида 2001 йилдан бошлаб Денгизкўл кўли ҳам учиб ўтувчи қушлар кўп тўпланадиган ва сувда яшовчи қушлар энг оммавий қишлоғчи марказлари сифатида

конвенциянинг хулосаси асосида Халқаро Рамсар рўйхатига (№1108 сертификат) киритилди.



Ушбу ҳудудда кам сонли ва нодир ҳайвонлардан эчкешар – *Varanus griseus*, ўрта-осиё кобраси-*Naja oxiana*, афғон литоринхи – *Lythorhynchus ridgewayi* тошбақа- *Testudo horsfieldi*, сут эмизувчилардан жайрон – *Gazella subgutturosa* лар учрайди. Бироқ Денгизкўл ҳудудида антропоген трансформациясининг турли кўринишларини - балиқ ва ҳайвонларни ноқонуний овлаш, қамиш ўриш, саксавулларни йиғиш, мол боқишнинг меъеридан оширилганлиги, айниқса кўлнинг жанубий чегарасида жойлашган “Лукойл” компаниясининг газ қудуқлари теварагида амалга оширилаётган фаолиятларнинг юқорилиги, -кўлда сув сатҳи пасайиб унинг минераллашуви ортиб бораётганлиги каби ҳолатлари яққол кўзга ташланаётганлигини таъкидлаш лозим.

Бу каби салбий таъсирларнинг ижобий ечими ишлаб чиқилмаса, ҳудудда биологик хилма-хилликнинг яхлитлигига путур етишига олиб келади.

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|-----------------------------------|------------|-----------------------|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишлашда |
| A1 Глобал таҳликали турлар | | |

| | | |
|---|----------------------|-------------------------------|
| Жингалакли бирқозон | | 1-35 қишлашда (2000-04) |
| Мармар ўрдак | | 4-120 қишлашда(2000-03) |
| Олақанот ўрдак | | 8-245қишлашда(2000-04) |
| Оқбош ўрдак | Кам сонли | 185-5135қишлашда (2000-05) |
| Глобал таҳликали турлар (кам сонда учраганлиги учун А1 киритилмади) | | |
| Узундумли сув бургут | | 1 қишлашда (2000) |
| А3 тарқалиши жиҳатдан “Евроосиё чўл ва чала чўл” биомига хос турлар | | |
| Саман тентакқуш | 2 (2001) | |
| Сахро чумчуғи | 1(2001),ўтроқ | |
| Жануб кургалаги | 5(2001),доимий | |
| Сахро мойқути | 1(2001) | |
| Жик-жик | 1(2001) | |
| Бухоро читтаги | 6(2001),доимий ўтроқ | |
| А4i сони тегишли тур популяциясининг 1% ёки ундан кўпни ташкил этади | | |
| Ёввойи ўрдак, кряква | | 187-10670, қишловчи |
| Мармар ўрдак | | 4-120, қишловчи |
| Олмабош ўрдак | | 18-4550, қишловчи |
| Ҳайдарқуш, чернетъ | | 250-29100, қишловчи |
| Ёмон чераг, луток | | 18-350, қишловчи |
| Оқбош ўрдак | Кам сонда | 185-5135, қишловчи |
| Қашқалдоқ | | 1820-208036, қишловчи |
| А4iii сув ва суволдиқушлар 20000 ва ундан юқори сонда учрайди | | |
| Сув ва суволди қушлар | | 19277-286634, қишловчи |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Пушти бирқозон | | 1-50 қишловчи (2004-05) |
| Оққуш шипун | | 17-654 қишловчи (2004-05) |
| Оққуш кликун | | 1-26 қишловчи (2000-04) |
| Оқдумли сув бургут | | 7-76 қишловчи (2003-05) |
| Чўл бургут | | 2 қишловчи (2000-05) |

9. Оёқ-оғитма кўли ИВА № UZ051

Кординатлари:


Д.с.баландлиги; 132 м.

Майдони; 14500 га.

Статуси; Қисман қўриқланадиган ҳудуд

Критерийлари; А 1,А4i, А4iii

Оёқ-оғитма кўли Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида, шаҳар марказидан 54 км.шимолда жойлашган. Ушбу кўл Шофиркон ва Ғиждувон туманлари ҳудудидан оқиб келувчи 3 та коллектор сувларининг бирлашишидан ҳосил бўлган Оғитма ташлама зовуридан тушадиган сувларнинг табиий Оёқ-оғитма ботиғида тўпланши ҳисобидан шакилланган.



Кўлнинг сув сиғими 7300 млн м³. майдони (акваторияси) 9500 га., энг чуқур жойи 40 м. Кўлнинг тевараги шимол, шарқ, жанубий-шарқ томонлардан Қулжуктовнинг қолдиқ тоғ тепаликлари билан, ғарб, жанубий-ғарб томонидан қумли саҳролар билан ўралган. Кўл ҳудудида юқори сувўтларидан қамиш, кўға, лух буталардан юлғун учрайди. Фитоплантонлардан асосан кўк –яшил ва диатом сувутлари учрайди. Кўл сувида зоопланктонлардан 14 тури коловраткалар-7 тури, кладоцера-5 тури, копепода-2 тури аниқланган. Зообентослардан асосан хирономид личинкаларининг 12 тури, мизид, олигохета ва нематодалар учрайди Кўл мигрант турларнинг дам олиши, озикланиши ва айримларининг уя қуриб кўпайиши учун асосий марказларидан бири сифатида қадирланади. Кўл ҳудудида кам сонли нодир турлардан- жингиладор бирқозон— *Pelecanus crispus*, пушти бирқозон- , оққуш шипун – оққуш кликун- , кичик оққуш- , пискулка - олақанот ўрдак-, оқбош ўрдак-*oxiura leucoscephala*,

кайд этилса, кўп сонли кушлардан қашқалдоқ – *Fulica atra* ва кулранг ғоз – *Anser anser*, ёввойи ўрдак – *Anas platyrhynchos*, чуррак – *Anas crecca* каби турлар рўйхатга олинади.

Кўл ҳудудида уя қурувчи кушлар хилма-хиллиги жуда юқори эмас, бу ҳудуднинг ўсимликлар билан банд бўлган қисмининг камлиги билан изоҳланади. Кўл ва унга чегара ҳудудда 19 турдаги кушларнинг уя қуришда иштироки кузатилиб улар орасида нодир ва кам сонли турлардан оққуш-шипун, кичик оқ қарқара, кичик қоравой тоғ тепаликларда калжўрчи- *Neophron percnopterus*, сариқ сор-*Buteo lagopus*, қумли чўл биотопларда йўрға тувалоқ бизғалдоқ, оқбовурларнинг борлигини таъкидлаш лозим .

| Характерли турлар | Таҳлил | |
|---|--------------|------------------------|
| | Уя қуришда | Миграция ёки қишлашда |
| A1 Глобал таҳликали турлар | | |
| Жингалакли бирқозон | | 10-230/6-300 (мигрант) |
| Пискулька | | 8-51(мигрант) |
| Олақанот ўрдак | | 75(мигрант) |
| Оқбош ўрдак | | 12-28(мигрант) |
| Глобал таҳликали турлар (кам сонда учраганлиги учун A1 киритилмади) | | |
| Узундумли сув бургут | | 1(қишлашда) |
| A4i сони тегишли тур популяциясининг 1% ёки ундан кўпни ташкил этади | | |
| Кулранг чакка поганка | | 2-100(мигрант) |
| Қорабўйин поганка | | 25-100(қишлашда) |
| Пушти бирқозон | | 2-250(мигрант) |
| Жингалакли бирқозон | | 10-230 /6-300(мигрант) |
| Катта баклан | | 70-700(мигрант) |
| Кичик баклан | 12-50 (жуфт) | 40-320(қишлашда) |
| Катта оқ қарқара | | 10-108(қишлашда) |
| Фламинго | | 18-60(мигрант) |
| Кўк ғоз | 12(жуфт) | 200-480(қишлашда) |
| Олақанот суқсур, свиязь | | 40-1550(қишлашда) |
| Ёввойи ўрдак | 40(жуфт) | 300-500(қишлашда) |
| Мармар ўрдак | | 10(мигрант) |
| Олмабош ўрдак | 30(жуфт) | 800(қишлашда) |
| Калжўрчи | 14(жуфт) | 20-35 |
| Укки | 4(жуфт) | 6-12(мигрант) |
| Оқбош ўрдак | | 12-28(мигрант) |
| Қашқалдоқ | 22(жуфт) | 60-700(қишлашда) |

| A4iii сув ва суволдиқушлар 20000 ва ундан юқори сонда учрайди | | |
|--|----------|----------------|
| Сув ва суволдиқушлар | | 17000-60500 |
| Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган турлар | | |
| Кичик оқ қарқара | 12(жуфт) | 8-150(мигрант) |
| Қоровой | | 30(мигрант) |
| Оққуш шипун | 4(жуфт) | 8-58(мигрант) |
| Оққуш кликун | | 2-22(мигрант) |
| Сувқийғир | | 24(мигрант) |
| Оқдумди сувбургут | | 3-26(мигрант) |
| Сапсан лочин | | 2-24(мигрант) |

Ушбу ҳудудда кам сонли ва нодир ҳайвонлардан эчкемар – *Varanus griseus*, ўрта-осиё кобраси-*Naja oxiana*, тошбақа- *Testudo horsfieldi*, сут эмизувчилардан жайрон – *Gazella subgutturosa* лар учрайди.

Бироқ кўл ҳудудида антропоген трансформациясининг турли кўринишларини - балиқ ва ҳайвонларни ноқонуний овлаш, қамиш ўриш, саксавулларни йиғиш, мол боқишнинг меъеридан оширилганлиги, айниқса кўлнинг шимолий чегарасида жойлашган зиёратгоҳ теварагида зиёратчилар томонидан ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот оламига салбий таъсири юқорилиги, -кўлда сув сатҳи пасайиб унинг минераллашуви ортиб бораётганлиги каби ҳолатлари яққол кўзга ташланаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу каби салбий таъсирларнинг ижобий ечими ишлаб чиқилмаса, ҳудудда биологик хилма-хилликнинг яхлитлигига путур етишига олиб келади.

ВИЛОЯТДА КАМ СОНЛИ ВА НОДИР ҚУШ ТУРЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

Бизга маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, атроф-муҳит муҳофазаси, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш билан боғлиқ масалалар ўзининг кўлами ва долзарблиги билан умумбашарий аҳамият касб этмоқда. Статистик маълумотлар таҳлили бугунги кунда дунё бўйича биологик хилма-хиллик таркибига кирувчи айрим тур вакилларининг камайиб кетиш муаммоларини аксарияти бевосита ёки билвосита антропоген омиллар билан боғлиқлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда мустақилликка эришилган илк кунларидан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш, борасида бир қатор ибратли ва хайирли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий қонунчилигимизда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи 20 дан ортиқ Қонунлар, юзлаб қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги ва республикамизнинг бир қатор Халқаро Конвенциялар доирасида фаолият олиб борилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Бугунги кунда ер юзида антропоген таъсирларнинг шакли, кўлами ва оқибатлари турли табиий географик минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланиш ва унга муносабат масалалари турлича кўринишда намоён бўлади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш масалаларига ҳам ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашувни талаб этилади.

Ўрта Осиёнинг йирик чўллардан бири саналган Қизилқум чўли бағрида жойлашган Бухоро вилояти, табиатининг ўзига хос хусусиятлари, географик ўрни, рельефи, иқлим шароити билан ажралиб туради. Боз устида сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган антропоген ва техноген таъсирлар кўламининг ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Биргина сўнгги ўн йиликларда ҳудудда олиб борилаётган фаолиятларга назар солсак бу фикрлар нечоғли долзарб эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

- 1970 йиллардан бошлаб Бухоро вилоятининг Қандим, Денгизкўл кўлининг атрофидаги Шоди ва Ҳавзак, Кемачи масканларида, Зикри ва Девхона кўли бўйида нефть ва газ конларини ишга тушириш мақсадида олиб борилаётган бурғулаш, ҳамда чўл ҳудуди орқали нефть ва газ қувурларини ўтказилиш натижасида ҳудудда бир неча юзлаб гектар чўл массивларидаги биологик хилма-хилликка зиён етказилаётган ва ушбу ҳудудларда рекультивация тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмаганлиги туфайли, “чўлланиш” жараёнлари жадаллашаётганлиги кузатилмоқда.

- Вилоятнинг бир қатор сув ҳавзалари, кўллар ва Аму-Бухоро канали атрофида шакланган мавсумий кўлмакларда қиш ва баҳор масумларида қамишзорларга ўт қўйиш ҳоллари кузатилмоқда. Ҳолбуки мазкур қамишзорлар, ҳудудда учровчи ёввойи ҳайвонлар ва қушларнинг асосий бошпанаси, кўпчилик турларнинг озиқланиш ва уя қуриш маскани саналади. Бу ҳолат ҳудудда

биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишга тамоман зид бўлиб, турларнинг яшаш шароитларининг ёмонлашувига ва оқибатда улар сонининг камайишига сабаб бўлмоқда.

- Ёки Бухоро вилоятида қум, шағал, гипс ва шу каби бошқа қурилиш материаллар қазиб олинувчи очиқ карьерлар мавжуд ва улардан узок йиллар давомида фойдаланиб келинаётганлиги туфайли мазкур карьерлар атрофидаги ерларда ўсимлик ва ҳайвонларнинг яшаш имкониятларини издан чиққанлиги кузатилмоқда. Бу каби салбий таъсирларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги тавсияларни тақлиф этамиз:

➤ вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ўз фаолиятларини юритишда илмий тадқиқот институтлари олимлари, табиатни муҳофаза қилиш йўналишида фаолият юритувчи нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишлари зарур;

➤ вилоятда орнитологик кадастр ва мониторинг ишларини қайта кўриб чиқиш ва уни тўғри йўлга қўйиш;

➤ вилоят ҳудудидаги “Муҳом орнитологик ҳудудлар” (МОХ) мақоми берилган марказлардаги фаолиятни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

➤ вилоятда кам сонли ва нодир қуш турларнинг турли ҳаётий мавсумларида - миграциялар, қишлаш ва кўпайиш мавсумларида асосий концентрация марказларини аниқлашларига эришиши, қушлар ҳаётига салбий таъсир этувчи омилларни белгилаб олиш ва уларни имкон қадар бартараф этиш ва тегишли тартибда муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақомини бериш орқали вилоятда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш ва унинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

➤ вилоятдаги ва унга чегарадош ҳудудлардаги: Алан кўллари, Зикри, Хадича, Қумсултон, Оёқ-оғитма, Замонбобо, Денгизкўл, Қорақир кўлларида, Когон балиқчилик хўжалиги ҳамда Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборлари ва уларнинг атрофларида орнитологик тадқиқотлар олиб бориш ва унинг натижаларига асосланган ҳолда нодир ва кам сонли турларнинг яшаши, сонини қайта тиклаши учун қулайлик яратувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

➤ қушларни уя қуришга жалб этиш мақсадида сув ҳавзаларида сунъий уялар ва оролчалар тайёрлашни йўлга қўйиш;

➤ вилоятнинг қушлар уя қурадиган сув ҳавзаларида айниқса кўпайиш мавсумида сув сатҳини ўзгартириб туришни (кўтарилиб ёки пасайиб кетишини) олдини олиш;

➤ қушларнинг кўпайиш ва қишлаш мавсумларида сув ҳавзаларнинг атрофида чорва молларини боқиш, қамишларни ўриб олиш ёки унга ўт қўйиш ҳолларининг олдини олиш ва бу йўналишда аҳоли орасида тушунтириш ишларини янада жадаллаштириш;

➤ қушлар эрта уя қуришга киришадиган ҳудудларда ов қилишни таъқиқлаш ва имкон қадар ушбу ҳудудларда ов муддатларини қисқартириш;

➤ браконьерлик ва ноқонуний овнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тадбирларини янада кучайтириш.;

➤ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ва қадамжоҳлар яқинидаги зиёратгоҳларда, табиий дам олиш зоналарида, аҳоли кўп тўпланадиган табиий масканларда, аҳоли пунктлари ва таълим муассасаларида нодир турлар муҳофазасига бағишланган буклет ва варақалар тарқатишни йўлга қўйиш;

➤ аҳоли пунктларида, кўча ва хиёбонларда нодир турларнинг муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган банерларни кўпайтириш;

➤ оммавий ахборот воситалари орқали вилоятнинг табиий бойликлари ва уларни муҳофаза қилишга бағишланган роликлар намоиши салмоғи ва самарадорлигини ошириш ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган таклиф ва тавсияларга риоя этиш ҳар биримизнинг кундалик шоримиз бўлсагина, биз Она-табиатимизнинг дурдоналарини асраб, муҳит хилма-хиллигини асл кўринишида сақлаб қолишга ҳисса қўшган бўламиз. Бу борада ҳар биримиз масъуллигимизни унитмаслигимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев М., Бақоев С, Назаров И, Файзиёв А. Бухоро вилоятида учрайдиган нодир ва Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар. Бухоро 1994й, 32-49 бетлар.

2. Бақаев С. Видовой состав гнездящихся птиц Бухарской области. Методическое пособие. Бухара 1987. С 20.

3. Бақаев С., Тураев М. Материалы к биологии некоторых птиц в Бухарском рыбопрудовом хозяйстве //Редкие и малоизученные птицы Средней Азии. Материалы III Республиканской орнитологической конференции. Ташкент. «Фан», 1990. С.97-99.

4. Важнейшие орнитологические территории Узбекистана. «IBA, BirdLifeInternational» Общество охраны птиц Узбекистана. Ташкент, 2008.

5. Даль С.К. Позвоночные животные низовьев реки Зарафшан //Трудь УзГУ. Т.7. Самарканд, 1935 С.

6. Зоҳидов.Т.З. Зоология энциклопедияси “Қушлар”. Тошкент, 1957.

7. Кашкаров Р. Д., Тураев М.М., Тен А.Г., Азимов Н.Н. Новые данные по осеннему пролету кречетки в Узбекистане. Казахстанский зоологический ежегодник Selevinia, Казахстан. 2012, 138-141с.

8. Крейцберг-Мухина Е.А., Кашкаров Д.Ю., Лановенко Е.Н., Шерназаров Э., Е.А.Перегонцев “Птицы водоёмов Узбекистана и Центрально-Азиатского региона” Полевой определитель водно-болотных птиц. Ташкент-Алматы, 2005, 228 С.

9. Крейцберг-Мухина Е.А., Э.Шерназаров, Е.Н.Лановенка, М.Тураев, Д.Снегур Редкие виды птиц на зимовке и пролете в Узбекистане по результатам недавних исследований. Современные проблемы орнитологии Сибири и Центральной Азии. II-Международная орнитологическая конференция. Часть I -Улан-Удэ. 2003 С. 100-103.

10. Лаханов Ж.Л. “Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагичи” Тошкент “ФАН” 1987 йил, 197 бет.

11. Лановенко Е.Н. К изучению орнитофауны озера Денгизкуль.// Труды заповедников Узбекистана. Вып.3. Ташкент. Sfairor ENK.2001 С. 110-120.

12. Митропольский О.В.; Фоттелер Э.Р. Гнездование некоторых связанных с водоёмами птиц в Кызылкумах //Экология охрана и акклиматизация позвоночных в Узбекистане. Ташкент; «Фан», 1986. С.27-32.

13. Мухина Е.А. Гнездящиеся околоводные и водоплавающие птицы. Арнасайского заповедника //Экология растений и животных заповедников Узбекистана. Ташкент. «Фан», 1983.С.66-82.

14. Мухина Е.А. Лукашевич Р.В Околоводные и водоплавающие птицы Каршинский степи (район Бухарского питомника джейранов, Юго-Западный Узбекистан) // Фауна и экология птиц Узбекистана Самарканд. 1989. С.123-135.

15. Птицы Узбекистана 1,2,3 том.Ташкент, Изд. «Фан» 1987,1990,1995

16. Степанян Л.С. Конспект Орнитологической фауны СССР. Москва «Наука» 1990г.726 стр.

17. Тўраев М. М., Бақоев С.Б., Шерназаров Э., Рахмонов Р. Новые материалы о гнездовании некоторых гидрофилных видов птиц на водоемах Бухарской области// Междун. орнит. конф., «Современные проблемы орнитологии Сибири и Центральной Азии» Ч.2. Улан-Удэ, 2003.С. 101-104.

18. Тўраев М. М., Бақоев С.Б., Холбоев Ф.Р., Салимов Х.В. Сармишсой қушлари тўғрисида баъзи маълумотлар// Бухоро университети илмий ахборотлари журнали. 2003.№2. 38-45 бет.

19.Тўраев М.М. Антропоген трансформацияси ва атроф муҳит компонентлари экологиясидаги ўзгаришлар. Қишлоқ хўжалигининг экологик муаммолари. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман тезислари тўплами- Бухоро. 2006. 109-111 бетлар.

20. Тўраев М. М. Зарафшон дарёси қуйи оқими ҳавзаларида оқбош ўрдақнинг экологиясига доир янги маълумотлар. Ҳайвонлар экологияси ва морфологияси. Илмий мақолалар тўплами. Самарқанд СамДУ. 2006, 111 – 115 бетлар

21. Тўраев М. М. Каравайканинг тарқалиш экологиясига доир маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси биохилма –хиллигининг экологик муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий. 2006 й.48-50 бетлар

22. Тўраев М. М. Балиқчилик хўжалига ҳовузлари биологик хилма-хилликни оширувчи макон сифатида Биологик хилма-

хилликни сақлаш муаммолари. Илмий конференция маърузалар тўплами. Тошкент.2006 й.153.

23. Тураев М.,Шерназаров Э. Гнездящиеся птицы Куюмазорского водохранилища. Фауна Казахстана и сопредельных стран на рубеже веков: морфология, систематика, экология. Материалы международной конференции-Алма-Ати 2004. С. 222-223

24. Тўраев М., Бақоев.С.,Рахмонов Р. Кичик оқ кўтон ва қошиқбуруннинг биологиясига доир маълумотлар. Қишлоқ хўжалигининг экологик муаммолари. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман тезислари тўплами- Бухоро. 2006. 121бет.

25. Тураев М.М., Шерназаров Э. Гнездящиеся птицы Тудакульского водохранилища (Юго-Западный Узбекистан) Казахстанский зоологический ежегодник Selevinia. 2006, 206-208 с.

26. Тураев М.М. Гнездование лебеда шипуня *Cygnus olor* на водоемах Бухарской области. Информационный Бюллетень проекта ИВА в Узбекистане N 3 2008 г.

27. Тўраев М.М., Холбоев Ф.Р., Райимов А., Рахмонов Р. “Бухоро вилояти қушлари” Илмий –услугий қўлланма. “Наврўз” нашриёти, Тошкент, 2015, 92 бет.

28. Холбоев Ф.Р. 6. 10. Бақоев С.Б., Бухоро шаҳри шароитидаги айрим орнито-экологик муаммолар ва уларни олдини олишга доир тавсиялар.//Биохилма-хилликни сақлаш муаммолари. Илмий конференция маърузалари тўплами. Тошкент. 2006.47-49 бет.

29. Холбоев Ф.Р. Фауна, население и экология птиц городов Кызылкумского региона Автореферат, док. диссертации., Тошкент , 2012 С-33.

30. Ўзбекистон “Қизил китоби” 2-том Тошкент ,“Чинор” 2009 йил.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Кириш..... | 3 |
| Бухоро вилоятида қушлар хилма-хиллиги..... | 4 |
| Бухоро вилояти ва унга чегарадош ҳудудларда учровчи нодир ва айрим кам сонли қуш турлари рўйхати..... | 7 |
| Бухоро вилояти ва унга чегарадош ҳудудларда учровчи нодир ва кам сонли қушларнинг биоэкологик таснифи..... | 20 |
| Вилоятда қушларни муҳофаза қилиш тадбирлари..... | 70 |
| Вилоятда таҳсис этилган “муҳим орнитологик ҳудудлар”..... | 77 |
| Вилоятда кам сонли ва нодир қуш турларини муҳофаза қилишга доир тавсиялар..... | 99 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 103 |

Тўраев Мухтор Муродович
Холбоев Фахриддин Раҳмонқулович

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ КАМ СОНЛИ ВА НОДИР
ҚУШЛАРИ**
(Илмий-услубий қўлланма)

Муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Мусаҳҳиҳ:

Саҳифаловчи:

Ғ.Муродов

Ғ.Самиева

А.Қаландаров

М.Ортиқова

Нашриёт лицензияси АИ № 178. 08.12.2010. Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди: 05.01.2017. Бичими 60x84. Кегли 16 шпонли. «Times New Roman» гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет босма қоғози. Босма тобоғи 6,5. Адади 100. Буюртма №2.

Бухоро вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси
“Durdona” нашриёти: Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Sadriddin Salim Buxorij” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй. Тел.: 0(365) 221-26-45